

O'ZBEKISTON TARIXI

4/2014

HISTORY OF UZBEKISTAN



J**Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK****O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI****O'ZBEKISTON TARIXI***Илмий журнал***МУНДАРИЖА**

Ю. Скайлер. Қўқон (давоми)	3
А. Халияров. Хива хонлигида пул вақфининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларига доир	12
Н. Махкамова. XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда мактаб таълими тизимининг шаклланиши муаммолари: ривожланиш парадокслари ва зиддиятлари	24
Х. Бўриева. Тошкент шаҳрининг 1966–1970 йиллардаги топонимик ҳолати хусусида	35

Тарихшунослик масалалари

Ж. Адилов. Александр Бекович-Черкасскийнинг Ўрта Осиёга уюштирган экспедицияси: тарихшунослик динамикаси	47
А. Турсунметов. Марказий Осиё замонавий инглиз-америка тадқиқотчилари стилистикасида «постколониализм»	62

Этнология масалалари

А. Аширов. Ўзбек халқининг оилавий маросимларидаги даврийлик ҳақида айрим мулоҳазалар	72
--	----

Замон ва шахс

С. Мухамедова. Мусо Саиджоновнинг Бухоро халқ совет республикасида иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти	82
--	----


Тарихчи кутубхонасига

А. Дониёров, Ш. Асадова Н. Мустафаева. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили	91
--	----

Илмий ҳаёт

Г. Султонова. Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарнинг 69-йиғилиши ҳақида	98
---	----

O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI**4****2014**Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*



СОДЕРЖАНИЕ

Ю. Скайлер. Коканд (продолжение).....	3
А. Халияров. К вопросу правовых и экономических основ денежного вакфа в Хивинском ханстве	12
Н. Махкамова. Проблемы формирования системы школьного образования в Узбекистане в 20–30-е годы XX века: парадоксы и противоречия развития	24
Х. Буриева. О топонимических особенностях Ташкента в 1966–1970 годы	35

Вопросы историографии

Ж. Адиллов. Экспедиция Александра Бековича-Черкасского в Среднюю Азию: историографическая динамика	47
А. Турсунметов. «Постколониализм» в стилистике современных англо-американских исследователей Центральной Азии	62

Вопросы этнологии

А. Аширов. Некоторые суждения о традициях цикличности в семейных обрядах узбекского народа	72
---	----

Время и личность

С. Мухамедова. Деятельность Мусо Саиджонова в области экономики в Бухарской народной советской республике	82
--	----

В библиотеку историка

А. Дониеров, Ш. Асадова Н. Мустафаева. Культура и сознание в Узбекистане в XX веке	90
---	----

Научная жизнь

Г. Султонова. О 69 заседании семинара им. Я. Гулямова «История узбекского народа и его государственность»	98
--	----

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мируэрт Абусейтова
(Қозоғистон)
Баҳтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсодиқ Исмоқов
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Нодира Мустафаева
Зоя Орифхонова
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Назокат Қосимова
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзили миз:

100060. Тошкент ш.
Шахрисабз 5 тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатта олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 28.12.2014.
Босишга рухсат этилди 30.01.2015.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашр. т. 6,25.
Шартли босма т. 8,1. 270 нусха.
Буюртма № 1.
Келишилган нархда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO» МЧЖ
нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

Ю. СКАЙЛЕР*

ҚЎҚОН

Маҳрам — Қўқонга яқинлашиш — Меҳтар томонидан қабул —
 Оталиқ — Сарой — Қурол-аслаҳа омбори — Қуролларни юклаш
 ва Бердан сойли милтиқлар — Қоғоз тайёрлаш — Хонни излаб —
 Хонга туҳфаларимиз — Андижон — Марғилон — Хонликнинг
 тузилиши — Унинг ҳукумати — Оғир солиқлар — Норозилик



Хива экспедицияси қароргоҳидан олган мактубларимдан бирида хонликнинг Тошкентдаги вакили Мирза Ҳаким ва Россия дипломатик расмийси вақтинча узоқда экан, менинг Қўқонга ташриф буюришим мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг иштирокисиз мени яхши қабул қилмасликлари айтилган эди. Мавжуд хабарларга кўра билдирилган бу маслаҳат мени мамлакатга саёҳат қилишга яна ҳам астойдил киришишга чорлади. У жанобларнинг Хива экспедициясидан эртароқ қайтишига ҳеч қандай умид йўқлигига амин бўлгач, Хива забт этилмаган паллада қулай фурсат топиб, тезгина йўлга отланишга аҳд қилдим.

Маҳрам — йирик майдонли қалъа, баланд пахсали, данданали девордан иборат бўлиб, Сирдарёнинг тик бўйида, қолган уч тарафи сувсиз бўлса-да, чуқур хандақлар билан мудофааланган. Маҳрам Қўқоннинг чегара истеҳкоми сифатида маълум аҳамиятга эга ҳамда 500 кишилиқ доимий гарнизони бор. Биз соат тўртда ўзининг бодомлари билан машхур Конибодомга қараб йўл олдик. Еттига қадар ўн саккиз мил йўл босдик.

Яна экин-тикинли, яшил ва хушманзара Яккатут қишлоғидан ўтиб, соат ўнда Бешариқ қишлоғига етиб келдик. Бу ерда бозор Худоёрхон¹ томонидан қурилган ва бир текис тор кўчалар бири бошқалари

* Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. New York, 1885. Vol. II. (Скайлер Ю. Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари. Нью-Йорк, 1885. II жилд) // Инглиз тилидан қисқартирилган таржима ва изоҳлар т.ф.н., доц. З. Саидбобоевники. Давоми, боши ўтган сонларда.

¹ *Худоёрхон* — Қўқон хони (1845—1875, танаффуслар билан). Минг сулоласига мансуб. Шералихоннинг ўғли. Қайнотаси Мусулмонкул томонидан тахтга ўтказилган. Ёш бўлганлиги туфайли Мусулмонкул давлат ишларини бошқарган. Энг муҳим мансаблар қипчоқлар қўлига ўтиб, уларнинг бебошликлари натижасида ички кураш кучайиб, 1853 йилда қипчоқлардан 20 мингга яқини ўлдирилган. Мусулмонкул дорга осилган ва шу даврдан бошлаб Худоёрхон Қўқон давлатини мустақил идора қила бошлаган.

билан тўғридан-тўғри кесишган, аммо душанба бозор куни бўлмагани боис, унчалик гавжум эмас.

Олдимизда узоқ йўл турганлиги ва тунда дарвозалари ёпилишидан бурун Қўқонга етиб олиш истаги борлигидан жазирамага қарамасдан соат иккида жўнаб кетдик. Бахтимизга йўл ёқасидаги дарахтларнинг соясига рўбарў келиб, қишлоққа етиб келган маҳалда азоб берган чанқоғимизни заранг косада кўк чой ва серсув мевалар билан қондирдик.

Ниҳоят катта, чуқур канал устидаги кўприк, куртаклари нафис яшилликка бурканган ва мамлакат бўйлаб қуюқ экилган ва ҳар тарафи тўсилган шоли далалари узра кўндалангига тушган тўғон, сўнгра уйлар ва дўконлардан ўтиб, ҳар қадамда шаҳардан қайтаётган одамларни учратдик. Ҳадемай қаршимизда боғлар оша узунлиги роппароса икки милча кўринган, йўлимизнинг ўртаси ва охирида ярим айлана, тепаси тиргович ва дандана тишли пахса деворни кўрдик. Биз девор бурчакларидаги юраксимон доирадан ўтиб, Қўқон дарвозасидан ичкари кирдик.

Закот саройи икки қаватли йирик, атрофи тўрт бурчакли ҳовли билан ўралган, ўз навбатида шаҳарнинг божхонаси саналиб, расмий савдо-сотикдан закот ва бож олинар ҳамда тўловлар амалга ошгунча моллар сақланар эди. Асосий бож амалдори — меҳтар² одатда кун бўйи — эрталаб соат еттидан кеч соат бешга қадар шу ерда бўлар, қаршимиздаги айвонда ҳамроҳлари ва расмийлар билан ўтириб, барча тижорат ишларини бажарар, молларни тортар, ўлчар ҳамда ҳисоб-китобга доир турли қайд ва ҳисобларини бош котиб узун ўрамли, энсизгина қоғозга хомаки, қисқа ёзиб оларди.

Меҳтар сўзи аслида хизматчи маъносини билдиради. Меҳтар бож тушумларига масъуллигига қарамасдан, хирож³ ва таноб⁴ мажбурият-

² *Меҳтар* (форсча — улуғ, жаноб) — сарой амалдорларидан бири. Қўқон хонлигида давлат хизматчиси.

³ *Хирож* — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. Хирож араблар томонидан жорий қилинган. Хива ва Қўқон хонликларида ҳамда Бухоро амирлигида хирож йиғиш учун ҳар бир вилоятга саркор, девонбеги ва котиб сайланган. Қўқон хонлигида солиқ Бухоро ва Хивага қараганда кўпроқ бўлган. Асосийси деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган хирож бўлган.

⁴ *Таноб* — Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3 600 м² га тенг. Бир таноб ердан олинган солиққа нисбатан ҳам таноб сўзи ишлатилган.

лари ёхуд бошқа тўловлар, жумладан ижара⁵ ҳақларини тўплашда иштирок этмаганлиги боис, молия вазири саналмас ҳамда фақатгина хонга тўланадиган йиғимларни йиққан. Бундан ташқари, аввал айтганимдек, алдамаслиги учун уни иккита одам доимо кузатиб, назорат қилиб юради.

Биз эрта тонгда туриб, тайёргарлик кўраётганимизда меҳтар томонидан бошқа бир чопар келиб, хўжайини бизларни анчадан бери кутиб ўтирганини айтганда ҳали соат олти ярим эди. Тезгина отларга миниб, шаҳар оралаб меҳтар қароргоҳига жўнадик. Сўнгра меҳтарга келтирган совғаларимизни тортиқ этдик. Мен либослик учун атлас бўлаги, жаноб Ф. меҳтарга таъсир ўтказиш, ёғоч-тахта шартномасининг муваффақиятли бўлишининг муҳим аҳамиятини ўйлаб, ҳаммасини ҳисоблаганда нархи анча баланд кумуш чашка, матолар ва бошқа нарсалар инъом этдик. Қайтишимизда эса елкамизга арзон ипак либослар ташлашди.

Чамамда, саёҳатимизнинг охириги кунлари бўлмаса-да, оталиқ⁶ бизни кўришни истаётганлиги ҳақида меҳтардан хабар олдик. Ташриф кейинги саҳарга белгиланди. Эртаси куни эрталаб соат еттида отда шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмидаги қуйи ерда жойлашган ўрда ёки қалъа қисмига қараб йўл олдик. Қуббали кириш остидаги қўриқчилар хонасидан кечиб, бир гуруҳ аскарларни оралаб, чапга юргач, оқланган, европача панжарали камини⁷ бор оддий қабул хонасини кўрсатишди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу хона кийим-кечак ва ўрамлаб жавонларга таҳланган бошқа нарсаларни сақлаш вазифасини ўтарди.

⁵ *Ижара* (арабча — ижора) — тарихий-этнографик атама. Мусулмон давлатларида ер эгалари томонидан ерни ишлаш учун деҳқонларга бериш шартларидан бири; ер эгасининг ҳақини пул билан тўлаш. Ер эгаси ҳақи ҳосилдан улүш (натура тарзида) бериладиган бўлса, музораъа деб аталган. XX асрнинг 20-йилларига қадар Ўрта Осиёда ҳам кенг расм бўлган.

⁶ Ю. Скайлернинг қайд этишича, оталиқ олий ҳарбий зобит бўлиб, Қўқон расмий иерархиясида биринчи саналган. Бу даврда хонликда битта оталиқ — Отабек бўлиб, у ўз ўрнида бешта ноиб (лейтенант)дан бири саналган. Бу ерда оталиқнинг дастлабки, яъни бадавлат хонадон эгалари томонидан фарзандларини тарбиялаш учун вассаллар ёки хизматкорларга бериш ҳамда фарзанд маълум ёшга етганда оиласига қайтиши ёки Салжуқийлар даврида султон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансабни ёки унинг шаҳзода ёки хонзодаларни балоғатга етгунларига қадар тарбиялаш, улар ихтиёридаги улүсни бошқаришдан иборат вазифасини тушунмаслик керак.

⁷ *Камин* — ўчоқсимон уй печкаси.

Қизил мато билан ўралган суянчиқли курсилар ва табуреткалар биз учун қўйилган бўлиб, кўп ўтмай кичик, озғиндан келган, оқ соқолли, кекса ва жуда очиқ чехрали киши кириб келди. У Пишпак⁸ комендант бўлган ва ўша истехкомни полковник Циммерманга бериб қўйганлиги оқибатида (менингча, ўз ихтиёри билан хоннинг қаҳридан қочиш мақсадида) уч йил давомида Верний⁹ ва Омскда ҳарбий асирликда яшаган. У Қўқонда хондан сўнг энг нуфузли киши саналиб, русларни билиши ва ҳурмат қилишидан, у (оталиқ — З.С.) хонга бамаъни маслаҳатлар берар ва уни шошмашошар ва шиддатли ишлардан тийиб турарди. Отабек анча зиёли ва географиядан яхши хабардор кўринар, бошланғич маълумотини кўрсатиб, Америка ҳақида жуда кўп сўради ва бир муддат ёқимли суҳбат курдик. Меҳмондорчилик пайтида оталиқ узр сўраб қайтиб кетгач, бизга қалъани кўрсатиш учун одам жўнатди.

Бу янги қалъа ёки ўрда¹⁰ сўнгги йигирма йилда қурилган. Эскиси эса қулай жойлашувига қарамасдан қаровсиз ташлаб қўйилган. Шаҳарда халқ исёни пайтида хон шахсини ҳимоя қилишда ҳам ўрда керакли бўлиб, аммо қўшин истилосига аниқ дош беролмас эди. У йирик тўғри бурчакли, баланд пахса деворли иншоот бўлиб, бир неча кичик ҳовли ва қатор бинолардан иборат. Катта ҳовлидан сўнг янги сарой — Ўрта Осиёдаги бошқаларига қараганда энг катта ва муҳташам — бурчакларидан ташқари марказида иккита минораси мавжуд, олд юзаси буткул оқ, мовий ва яшил кошинлар билан қопланган ва арақилари бўйлаб «Сайид Муҳаммад Худоёрхон томонидан 1287 йилда¹¹ қурилган» деб битилган катта ёзувли, ажойиб икки ёки уч қаватли бино бор.

Биз ўтган турли иморатлар ичида зарбхонада ишчилар пул эмас, юган ва абзаллар учун кумуш безаклар ясашар, бизга маълум қилишларича, зарбхона устаси сарой заргари ҳам ҳисобланиб, хон тарафидан талаб қилинган кумуш ёки олтиндан тайёрланган кичик нарсаларга ишлов берар эди. Бошқа хона қурол-аслаҳа қуйишга мослаш-

⁸ *Пишпак* — 1825 йилда ҳозирги Бишкек ўрнида қўқонликлар томонидан асос солинган қалъа (қўқонлик тарихчилар асарларида Пишпак). 1926 йилга қадар шу ном билан аталган.

⁹ *Верний* — Қозоғистондаги Олмаота шахрининг 1867—1921 йиллардаги русча номи.

¹⁰ Ю. Скайлер ўрда сўзи, кўпинча, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ҳудудларда қўлланилиб, аксинча Бухорода эса ички қалъа ёхуд кўргон маъносини берувчи арк сўзи қўлланилишини ёзади.

¹¹ Милодий 1870 йилга тўғри келади.

ган бўлиб, бир қанча қуроллар кўзга ташланар ва улар эндигина тайёрланган эди. Бошқа ерда ётган бу ерда янги артиллерия тизими учун ишлатилган шарсимон ўқларни тўлиқ англай олмадим. Қурол-аслаҳанинг бошқа бир хонаси Бердан сойли милтиқларини ясашга мўлжалланган. Қўқон юз йилдан ошмаган, замонавий шаҳар бўлиб, ўз навбатида энли ва кенг кўчалари билан Осиёнинг кўплаб шаҳарларидан ажралиб туради. У қарийб квадрат шаклида, менга айтишларича, 500 та масжиди бўлиб, ҳар бирига ўртача ўттизта хонадон тўғри келади. Аҳолиси 75,000 бўлиб, фаҳмлашимча, аниқ баҳолайдиган бўлсак, бошқа кўплаб аҳоли шаҳар деворларидан ичкарида истиқомат қилади.

Қўқоннинг беназир юксаклигидан бири қоғоз ишлаб чиқариш Минятчи-варақдан шундоққина ташқарида жойлашган. Ўрта Осиёда қўлланиладиган қоғознинг ҳаммаси бўлмаса ҳам кўпи шу ерда ёки кичик Чорку қишлоғи ҳамда Қўқонда тайёрланади.

Қўқонда асосий бозор Ўрта Осиёда кўрганларимдан яхши қурилган, узоқроқ бўлса ҳам жуда гавжум, барча кўчалари бошқалари билан тўғри кесишган, пишиқ гиштдан қурилган кўплаб дўконлари мавжуд. Кўчалар анча кенг, барча уйларнинг томи баланд ёғоч билан ёпилиб, шу тариқа бозор сояда жойлашган бўлиб, тоза ҳаво ён тарафлардан келарди. Икки йил бурунги ёнғиндан сўнг бозорнинг бир қисми аввалгидан ҳам яхшироқ таъмирланган. Бу ерда ҳафтанинг икки — пайшанба ва якшанба кунлари бозор бўлиб, савдосотиқ анча гавжумга ўхшайди.

Қўқондаги бозорлар хонлиқнинг бошқа кўплаб шаҳарларидаги сингари хоннинг ўзига тегишли бўлиб, бир неча йил аввал уларга эгаликни қўлга киритган ва ижара ҳақини ўзи олар эди. Баъзиларини асл нархидан арзон сотиб олар, бошқаларини оддийгина эгаллаб олиб, энди ўзи улардан биров фойда олишни рўкач қиларди.

Ниҳоят 25 июнь чоршанба куни меҳтар хондан жавоб келганлигини, бизнинг жўнаб, у билан Наманганда учрашишимиз мумкинлигини маълум қилди. Соат иккида йўлга чиқиб, уч яримда шаҳардан ўн икки мил узоқликдаги кичикроқ Буванди қишлоғига етиб келдик. Йўл ажойиб, дала ва экинзорлар оралаб кўплаб дарахтлар, гоҳида тоза сувли каналлар, шимол ва жануб томонда баланд тоғлар кўриниб турарди. Хоннинг Намангандан чиқиб, Сирдарё бўйидаги Балиқчига кетганлиги манзилни ўзгартиришимизга сабаб бўлди.

Шаҳарга (Балиқчига — З.С.) яқинлашган сайин йўл дарё соҳили бўйлаб ўтар, биз лойқа ва айқирган Норин дарёсининг сокин ҳамда тиниқ Сирдарёга қуйилишининг ажойиб манзарасига гувоҳ бўлдик.

Ниҳоят, тепалик томонга қайрилиб, йўлимизни бозор орқали қисқартириб, ўрдага қараб юрдик. У ерда бизни саройга йўллашди, аммо саройда хоннинг йўқлигини айтишиб, унинг узоққа — Учқўрғонга кетганини маълум қилишди.

Жазирама иссиқда кун бўйи Ҳайкувар қишлоғида кутишга тўғри келди, ҳолбуки қишлоқ Учқўрғондан тўрт мил узоқда бўлса-да, таомилга кўра биз хон ҳузурига бориб, ундан узоқдан келганимиз ва яна йўлда давом этишни сўрашимиз керак эди. Ахийри хон бизни эрталаб қабул қилиши ҳақида жавоб келди.

Бизга хон қабулидаги эрталабки саломга ташриф буюришимизни айтишди, тахминан соат тўртда уйғонишни мўлжалладик. Каттагина боғдан юз ёки ундан узоқроқ қадамда бухороча яшил чодирда оқ саллалли учта эркак ўтирарди. Уларнинг қай бири хон эканини фаҳмлай олиш ҳолида эмасдим. Бошқаларники каби негадир ҳаракатларим чекланган, айни пайтда ҳамроҳларим жуда қуйи энгашиб таъзим қиларкан, менда эса ўтирганларга қараш имкони туғилди. Аъёнлар баланд овозда нимадир деб бақирди, мен эса фақатгина Худоёрхон қилсин деганини фаҳмлай олдим, холос¹². Биз мактубларимиз ва совғаларимизни топшириш учун даъват этилган бўлиб, қандай тез келган бўлсак, шу тарзда изимизга қайтдик. Бу мени таажжубга солди, чунки билишимча, мазкур сарой маросими қоидаларига кўра бу дастлабки саломлашиш чодирда бўлиши айнан хонга кўриниш эканлигини тахмин этдим.

Балиқчи беки Раҳматулла аввал қул бўлиб, хон унинг жуда чиройли опасини яхши кўриб, унга уйланганлиги боис, қулликдан озод бўлиб, бек этиб тайинланган эди. Опаси вафот этган, аммо ундан қолган ўғил Ўрмонбек — ўн икки-ўн уч ёшлардаги бола яқиндагина Наманган беги этиб тайинланган, отасининг (хоннинг — З.С.) севимли ўғли эди. Раҳматулла истарали, ўттиз беш ёшларда, жуда яхши одоб-ахлоққа эга эди.

Чошгоҳда Андижонга келдик. Андижон пойтахтдан кейинги энг аҳамиятли шаҳар бўлиб, эски жойида жойлашган, шаҳарни Хон канали кесиб ўтган эди. Бир неча мадраса, шунингдек, пишиқ гиштдан қурилиб, кошинланган қатор карвонсаройлар Қўқон ва Тошкентда кўрганимдан ҳам дурустроқ эди. Ҳозирда Андижон 20, 000 кишилик аҳолига эга, хонлиқнинг Қўқондан сўнг турувчи асосий шаҳарларидан бири ҳамда қадимий бўлиб, менда ёқимли таассурот қолдирди.

¹² Яратган хонимизни қудратли ва зафарли қилсин дея ҳамду санолар айтилган (З.С.).

1812 йилда Мир Иззатулло¹³ Андижон ўша пайтда қаровсиз эканлигини ёзади. Икки йил кейин эса Назаров¹⁴ қуйидагича таърифлайди: «Андижон Қошғар ҳудудининг чегараларида жойлашган; бу шаҳар қишлоқлар билан ўралган бўлиб, уларнинг аҳолиси зироатчиликни яхши билишади, ипак қурти етиштириб, пахтадан матолар ишлаб чиқаришади».

Марғилоннинг 30, 000 аҳолиси бўлиб, баланд девор билан ўралган ҳамда деярли ҳар бир кўчада форсий услубда қурилган, пиёзсимон гумбазлари, олд қисми кошинкор ва ғоятда ганчкор сувоқланган, жуда чиройли кичикроқ мазорлар ёхуд меҳробсиз сағаналар учрайди. Улар шаҳарга ёруғлик ва кўнгилни очадиган кўриниш беради. Бозор кўчалари Қўқондаги каби, асосан, тепаси ёпилганлигидан ёқимсиз ҳидга тўла. Марғилон бурунги муаррихлар томонидан Маргинан деб аталган¹⁵.

Қўқон хонлиги бодом шаклидаги водий бўлиб, узунлиги Маҳрамдан Ўзгангача 160 мил, кенлиги 65 мил бўлиб, барча томонидан тоғлар ва тоғ платолари билан ўралган, Хўжанд яқинидаги кичик чўққили тоғ йўли орқали хонликка гилдирак аравали ягона йўл ўтган. Қадимда Довон (хитойча — Та-ван) номи билан маълум бўлган.

Сирдарёнинг юқори оқимида суғориш учун кўплаб каналлар қазилган бўлиб, улардан икkitаси — Хон ва Мусулмонқул каналлари сўнгги даврда бунёд этилган.

Иқлими Туркистондаги Россия империяси туманларига қараганда кўпроқ бир маромда; қиши илиқ, қор кам ва кечроқ ёғади. Ёз кунлари Қўқон ва Тошкентдаги ҳароратнинг у қадар фарқи бўлмаса—

¹³ Ҳиндистондаги инглиз колониясининг таниқли вакили Вильям Муркрофт топириғига кўра 1812 йилда Қўқон хонлиги, шунингдек, Марказий Осиёнинг қатор аҳоли масканларига Мир Иззатулло саёҳат қилади. Унинг саёҳати 1812 йил 20 апрелдан бошланиб, 1813 йил 16 декабргача — қарийб бир йилдан кўпроқ вақт давом этади. У Қўқон, Самарқанд ва Бухоро йўналишлари орқали ўтиб ўз саёҳатномасини ҳам ёзиб қолдирган. Таниқли олим Б.В. Лунин ушбу саёҳатнома ўлкага оид қимматли «тарихий географик ва тарихий-этнографик маълумотлар беришини» қайд этган. *Қаранг:* История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI — первая половина XIX века / Составитель Б.В. Лунин. Т.: Фан, 1988. 156-бет; Мир Иззатулло ва унинг саёҳати ҳақида яна қаранг: Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году / Перевод и примечания Ю.А. Соколова // Научные труды САГУ. Вып. LXXVIII. Исторические науки. Т.: Изд-во САГУ, 1956. 41–52-бетлар.

¹⁴ *Назаров Филипп* — 1813–1814 йилларда Қўқон хонлигига саёҳат қилган. Саёҳат натижаларига доир алоҳида китоб ёзиб қолдирган. *Қаранг:* Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Коканд в 1813 и 1814 годах. С-Пб., 1821.

¹⁵ Бу ерда Ю.Скайлер Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги Марғилонга берилган таърифга тўхтаб ўтган.

да, аммо кечалари салқин ва шинам, оғир тўшаклар остида ухлаш ҳам ўнғайсизлик туғдирмайди.

Унумли тупроғи ва ажойиб иқлими туфайли хонликда қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаган. Буғдой, тарих ва арпа кўплаб экилиб, охир-гиси қуйи навли бўлиб, отларга ем учун ишлатилади. Шоли ҳар ерда беда сингари кўплаб экилса-да, бироқ хонликнинг икки муҳим маҳсулот — пахта ва ипак асосий экспорт манбаи саналади.

Хонликнинг аҳолиси бир миллиондан кам бўлиб, икки — ўтроқ ва кўчманчи тоифага бўлинади. Ўтроқ аҳоли, асосан, ўзбеклар; аммо Қўқон ва ғарбий вилоятда тожиклар кўп, яна Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бўлгани каби яҳудийлар ва ҳиндулар ҳамда баъзан бир қанча афғонлар ҳам бор.

Қўқон хон томонидан эркин бошқарилса-да, турли шаҳарлар ва туманлар беклар ихтиёрида бўлиб, деярли мутлақ ҳокимиятга эгадирлар. Ҳаёт ва ўлим масалалари бундан истисно, бу ҳолатлар бўйича қарор фақатгина хон томонидан берилади. Улар, кўпинча, солиқларни тўплаш ва ўзлари учун тақсимлаш, ҳокимият бошқарувида масъулликларидан армияни қўллашда иштирок этардилар. Яна хон ҳисобига йиғиладиган бир қанча солиқлар борки, уларга бекларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ; бундан ташқари ўзлари учун йиғилган маблағлар учун хон олдида ҳисоб беришга мажбур эмас, хонга йилида бир-икки марта ҳадялар бериб туришади, холос.

Хоннинг оғир солиқлари аҳолининг норозилигига сабаб бўлиб, қўзғолонлар кўтарилишига олиб келган ҳамда улардан бири муваффақиятли амалга ошган¹⁶. Маҳаллий аҳоли вакили томонидан 1874 йилда ёзилган мактубда норозиликнинг қанчалик асосли эканлиги қайд этилган: «Йўлларни таъмирлаш, хон саройларини қуриш, боғларига ишлов бериш ҳамда каналларни тозалаш учун мамлакатнинг ҳамма қисмидан эркаклар ушланиб, ишлашга мажбур этилди. Уларга ҳақ, ҳатто егулик ҳам берилмас, бундан ташқари ярим қишлоқ аҳли ишлашга, қолган қисми эса ҳар бир ишловчи учун икки тилладан солиқ тўлашга мажбур эди».

Ажабланарлиси, шундан сўнг Худоёрхон Қўқонни ва миллион фунт стерлинглик мол-дунёсини ташлаб, Оренбургда дабдабали баллар уюштириб, ўша ерда истиқомат қилмоқда¹⁷.

¹⁶ 1873 йилда бошланиб, 1876 йилга қадар давом этган Пўлатхон қўзғолони назарда тутилмоқда.

¹⁷ Пўлатхон қўзғолонини бостира олмаган Худоёрхон барча хазинани олиб, К. Кауфмандан ҳарбий ёрдам олиш учун Тошкентга қочган, сўнгра Оренбургга сургун этилган.

Фақатгина солиқлар эмас, балки бошқа муносабатларда ҳам хон тиран саналади. Унинг ҳузурида яхши фазилатли кишилар ҳаётлари хавфсиз эмас эди. Қўқонликларнинг рус маъмуриятини ёмон кўришининг сабабларидан (камида шундай деб ишонишларидан) бири — уларнинг ёрдамида Худоёрхон тахтда тутиб турилибди.

Ю. СКАЙЛЕР

ҚЎҚОН

Таржима ва изоҳлар З. Саидбобоевники

АҚШлик дипломат ва тадқиқотчи Ю. Скайлернинг 1873 йилда Ўрта Осиёга саёҳати тафсилотлари акс этган «Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари» асарининг Қўқон хонлигига оид қисми ўзбек тилига илк бор қисқартирилган ҳолда таржима қилиб берилмоқда. Хонликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, йирик шаҳарлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича муаллифнинг қимматли маълумотлари келтирилган.

Калит сўзлар: Қўқон, шаҳарлар, меҳтар, оталиқ, қурол-аслаҳа, қоғоз, хонликнинг тузилиши, ҳукумат, солиқлар.

Ю. СКАЙЛЕР

КОКАНД

Перевод и комментарии З. Саидбобоева

Впервые выполнен краткий перевод отрывка о Кокандском ханстве из произведения дипломата и исследователя Ю. Скайлера «Туркестан: записки о путешествии по российскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Кульдже» (Нью-Йорк, 1885. Т. II.), посвященного подробностям путешествия в Среднюю Азию в 1873 г. Приведены ценные сведения автора об административно-территориальном делении, крупных городах и социально-экономической жизни ханства.

E. SCHUYLER

KHOKAND

Translation and comments by Z. Saidbobaev

The first short translation into Uzbek has been done of the passage concerning Kokand khanate of the work by an American diplomat and researcher E. Schuyler «Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja» (New York, 1885. Vol. II), which is dedicated to the details of the journey to Central Asia in 1873. The author's valuable data about the administrative-territorial division, large cities and social-economic life of the khanate are presented.

А. ХАЛИЯРОВ

ХИВА ХОНЛИГИДА ПУЛ ВАҚФИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР*

Ислом дунёсида иқтисодиётнинг асосий бўғинини ташкил этган вақф ҳўжалиги Ўрта Осиёда ҳам алоҳида ўринга эга бўлган. Эслатиб ўтиш жоизки, «вақф» сўзи луғавий жиҳатдан ушламоқ, тутиб турмоқ, қолдирмоқ деган маъноларни англатиб, вақф ҳўжалиги, асосан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ҳамда илм олувчиларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш мақсадида юзага келган ижтимоий институт ҳисобланади¹. Вақф институти ўзининг функционал жиҳатлари билан минтақада савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатганлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу билан бирга, унинг айрим мураккаб жиҳатлари ҳам бўлганки, бугунги кунгача етиб келган ҳужжатлар ва бирламчи манбалар орқали вақф ҳўжалигининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини чуқурроқ кўриб чиқиш лозим бўлади.

Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги тарихини ўрганишга О. Чехович, Р. Мукминова, В. Вяткин, Р. Набиев, Ғ. Жўраева сингари олимлар катта ҳисса қўшганлар. Аммо, вақф турларининг кўчма шакли бўлган пул вақфининг кенг тарқалиш сабаблари, ишлаш принциплари ва ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммолар ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган. Ҳужжатли маълумотлар шуни кўрсатадики, XIX асрга келиб Ўрта Осиёда пул маблағларини вақф қилиш жараёни анча кўпайиб борган. Бу жараён, айниқса, Хива хонлигида кўп кузатилади. Шунга қарамай, ҳозирга қадар Хива хонлигидаги вақф институтларининг ҳуқуқий асослари ва пул вақфидаги баъзи амаллар, яъни уларнинг ишлаш жараёни деярли ёритиб берилмаган.

Пул вақфини ўрганишнинг манбавий асослари

Ўрганилаётган масалани ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда келтирилган маълумотларнинг асослилиқ даражасини кўрсатиб бериш мақсадида тадқиқ этилган бирламчи манбалар ва уларнинг характер-

* Ушбу тадқиқот Герда Хенкел фонди гранти доирасида амалга оширилди.

¹ Жўраева Ғ. Вақф нима?// Шарқшунослик, 1991. № 2. 39-бет.

ли хусусиятларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, пул вақфларини ўрганишда муҳим бўлган бирламчи манбаларни учта асосий туркумга, жумладан, «вақфномалар», «қозилик ҳужжатлари» ва «мутаваллиларнинг ҳисоб-китоб дафтарлари»га бўлиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу ҳужжатларнинг муҳим жиҳати шундаки, уларда пул вақфининг вужудга келишидан бошлаб, то уни иқтисодиётга қайта сармоя қилинишигача бўлган жараёнлар ўз аксини топган. Лекин, бу ҳужжатларнинг аксарият қисми тарқоқ ҳолда бўлиб, ҳужжатлаштириш жараёнининг изчил олиб борилмаганлиги ҳам масаланинг тўлиқ манзарасини ҳосил қилишда катта қийинчиликларни юзага келтиради.

Вақфномалар вақф хўжаликлари тўғрисида асосий маълумот берувчи манба бўлиб, тадқиқ этилган даврда асосан ўзбек ва форс тилларида битилган. Вақфномаларнинг асосий қисми пул, баъзан эса, пул ва кўчмас мулкларни биргаликда вақф қилиш масаласини ўз ичига олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 323-фондида Хива шаҳридаги масжид, мадраса ва қорихоналарга тегишли бўлган пул маблағларига доир юздан ортиқ вақфномалар мавжуд². Бундан ташқари, Хива шаҳридаги Ичан қалъа кўриқхонаси музейида ҳам пулларнинг вақф қилинишига оид кўплаб вақфномалар бўлиб, улар асосан ўрам (рулон) шаклида кўчирилган³.

Қозилик ҳужжатлари. Қозилик ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар пул вақфларининг миқдори, ишлатилиш жараёни ва пулни қарзга олган одамлар, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳақида қимматли маълумотларни беради. Улар мазмунига кўра, *ижара, қарз, вақфнома* ва *гаровга қўйиш хати* каби ҳужжатлардан иборат бўлиб, хонлик пойтахти Хива шаҳри қозихонасида тузилган. Бугунги кунда уларнинг катта қисми Ўзбекистон Марказий давлат архивининг 125-фонди, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди ҳамда Ичан қалъа кўриқхонаси музейи фондларида сақланади⁴.

Мутаваллиларнинг ҳисоб-китоб дафтарлари. Марказий Давлат архивида сақланаётган, «Хива хонлигида масжидлар бўйича вақфлар»

² ЎзР МДА. И-323-фонд, 1-рўйхат, 1396–1406-ҳужжатлар.

³ Тадқиқот жараёнида иккала фондда сақланаётган пул вақфига доир жами 50 дан ортиқ ҳужжатлар ўрганилди.

⁴ ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 486, 488, 489-ишлар; 2-рўйхат, 579, 580, 594, 600-ишлар; ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 9490 ва 9491-қўлёзмалар; Ичан қалъа кўриқхонаси музейи фонди, КП 6535-ҳужжат.

деб номланган 485-йиғма жилдда хонликдаги 130 дан ортиқ вақф хўжаликларининг мулкларига доир маълумотлар жамланган⁵. Ушбу ҳужжат хонликдаги пул вақфларининг мутаваллилар томонидан қай тарзда ишлатилганини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Пул вақфи масаласини чуқурроқ таҳлил қилиш имконига эга бўлиш мақсадида ҳужжатлари нисбатан тўлиқроқ сақланиб қолган Хива шаҳри Ичан қалъа ҳудудида жойлашган Боғбонли ва Тўрт Шоҳбоз бобо масжидлари бевосита тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди⁶. Хусусан, Боғбонли масжидига тегишли ЎзР Марказий Давлат архиви 323-фонди ва қози ҳужжатлари орасидан топилган 25 та вақфнома⁷ ҳамда Ичан қалъа кўриқхонаси музейида сақланаётган битта ўрам шаклидаги вақфнома таҳлил этилди⁸. Тўрт Шоҳбоз бобо мақбарасига тегишли 29 та вақфнома эса, Марказий давлат архивининг 125-фонд 486-йиғма жилдидан ўрин олган⁹.

Хонликда пул вақфининг ортиши ва унинг иқтисодий асослари

Таҳлил этилган вақфномалар танга пулларни вақф қилиш анъанаси айнан XIX аср-иккинчи ярмида кескин ортиб борганлигини тасдиқлайди. Бу жараёни Боғбонли масжидига ҳадя қилинган вақф мулклари шаклининг XIX асрда ўзгариб боришида яққол кузатиш мумкин. Хусусан, 1809 йил, яъни Боғбонли масжиди фаолият бошлаган вақтдан то 1850 йилгача вақф этилган мулкларнинг 6 таси кўчмас мулк шаклида ва 4 таси пул шаклида бўлган. Кўчмас мулк шаклидаги вақфларга 17 қитъа (бўлак) ер ва уй-жойлар кирган. Пул вақфлари эса, 27,5 тилла ва 18 кумуш тангадан иборат бўлган. 1850 йилдан 1880 йилгача ушбу масжидга вақф этилган мулклар ҳажмида пул маблағининг ортиб борганлиги кўзга ташланади. Шу вақт мобайнида вақфномаларда қайд этилган пул маблағлари уч баробаргача ортган. Хусу-

⁵ ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 485-иш, 36, 38аб, 39—39аб ва бошқ.

⁶ Боғбонли масжиди 1809 йилда Паҳлавонқули исмли уста томонидан Хиванинг Ичан қалъа ҳудудида барпо қилинган. Тўрт Шоҳбоз бобо масжид-мадраса комплекси эса Дишпон қалъа ҳудудида, Майвастон мавзесида шаклланган. Хива хони Исфандиёр ибн Араб Муҳаммадхон (1623—1642) ва унинг уч саркардаси дафн қилинган мазкур мажмуа кейинчалик Тўрт Шоҳбоз (баъзан Шаввоз) номини олган. Мазкур икки иншоот тавсифи ҳақида қаранг: Худойбердиев К. Хива — дунёдаги энг кўҳна қалъа. Тошкент, 2012. 180, 256-бетлар.

⁷ ЎзРМДА. 125 фонд, 2-рўйхат, 600-иш, 1-рўйхат, 486-иш.

⁸ Ичан қалъа Давлат кўриқхонаси архиви, КП-1342.

⁹ ЎзРМДА. 125 фонд, 1-рўйхат, 486-иш.

сан, кўчмас мулк вақфи ўзгаришсиз қолгани ҳолда, масжидга 160 тилла танга вақф этилган. XIX асрнинг охирига келиб, пул вақфларининг сони янада ортган. 1880–1900 йиллар давомида, масжидга вақф этилган янги кўчмас мулк вақфномалари деярли учрамайди. Ваҳоланки, XIX асрнинг охириги 20 йилида 575 тилла ва XX асрнинг биринчи йигирма йилида 1569 тилла ва 14710 монат¹⁰га тенг пуллар вақф этилганини кўриш мумкин.

Богбонли масжиди вақф мулкларининг ўзгариш жараёни

	1800–1845 йй.	1850–1880 йй.	1880–1900 йй.	1900–1921 йй.
Пул маблағлари	27,5 тилла, 18 кумуш танга	70 тилла, 100 кумуш танга	580 тилла	1569 тилла, 14710 монат
Кўчмас мулклар	17 бўлак ер, 2 та уй	17 бўлак ер, 3 та уй ва бир айвон	—	—

XIX асрда Хива хонлигида пул бирлиги, асосан, Хивада зарб қилинган катта-кичик тилла ва кумуш тангалардан иборат бўлган. Кичик миқдорда рус кумуш тангалари ва Голландия червони ҳам маҳаллий бозорларда муомалада бўлган. Бу даврда тилла ва кумуш тангаларнинг қадрсизланиш даражаси анча паст бўлган. Аср бошида Хивага ташриф буюрган рус элчиси Н. Муравьёв Хива катта тилласини 4 рублга тенглаштирган бўлса¹¹, XIX аср охириги чорагида бир тилла 3,6 рублга тенг бўлган¹². Тилла ва кумуш пулларнинг қадри қоғоз пулларга қараганда анча барқарор ва инфляцияга чидамли бўлган. XIX асрда бир қўй 1,5–2 тилла, бир от 30–50 тилла, бир туя 40–50 тилла бўлганини ҳисобга олсак, ўша даврда Хивада пул қадри ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин¹³.

¹⁰ XX аср бошларида Хива хонлигида босиб чиқарилган қоғоз пул.

¹¹ Муравьёв Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева. Москва, 1822. Ч. II. 109-бет.

¹² Кичик 1 тилла 9 кумуш танга ёки 1 рубль 80 тийин, катта 1 тилла 18 кумуш танга ёки 3 рубль 60 тийинга тенг бўлган. Қаранг: Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900. 101, 226-бетлар.

¹³ Маҳсулот баҳолари келтирилган нархларга асосланиб ўртача ҳисобда олинди. Қаранг: XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. М. Йўлдошев таҳрири остида. Т.: Фан, 1960.

Хива хонлигида кўчмас мулк вақфларининг пул вақфларига ал-машиниб бориш анъанасини бошқа кўплаб масжид ва мадрасалар вақфномалари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Хива хонлигида жойлашган Мушкулкушод масжидининг XIX аср вақфномаси асосида ушбу жараёни таҳлил қилган Флориан Шварцнинг фикрича, ташқи савдонинг ривожланиши ҳам пул вақфларининг ортиб боришига таъсир этган¹⁴. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) ва Оллоқулихон (1825–1843) даврида ўтказилган солиқ ва пул ислохотларини кўрсатиш мумкин. XIX асрнинг биринчи чорагида солиқ ва ўлпонларни тўлашнинг натура шаклидан пул ва тангаларда тўлашга ўтилган. Аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш учун эса, мунтазам равишда Хивада олтин ва кумуш тангалари зарб қилиниб боради. Бундан ташқари, бу даврда янги каналларнинг қурилиши ҳам экин ерларидан кўпроқ ҳосил олиш ҳисобига солиқларнинг ортишини, бу билан эса, иқтисодиётда пул ҳажмининг кўпайиб боришини таъминлаган¹⁵. Демак, Хива хонлигида пул ҳажмининг ортиши ва иқтисодиётда жорий қилинган янги солиқ тизими, аҳоли ўртасидаги олди-берди муносабатларини танга пулларда амалга оширишни тарғиб қилиб борган. Натижада, XIX асрнинг икинчи ярмида Хива хонлигида пул билан савдо қилиш, олди-бердиларни тилла ва кумуш тангаларда амалга ошириш одат тусига киради ва табиий равишда бу ҳолат вақф қилиш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлаган. Масалага ҳар томонлама ёндашиш кераклигини эътиборда тутган ҳолда, пул вақфининг ортиб бориши айрим қийинчиликларга ҳам сабаб бўлганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, пул вақфидан қўшимча даромад олиш амалиётида пулни қарзга олаётган шахс ер мулкни гаровга қўйиши шарт эди. Бу эса, кўп ҳолларда ерсиз деҳқонларнинг кўпайишига олиб келган¹⁶.

¹⁴ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiwa, 1840–1922 // *Der Islam*. № 80. 2003. P. 79–93.

¹⁵ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959. 81, 151–152-бетлар.

¹⁶ Бу масалада М. Йўлдошев ва О. Шкапскийларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Қаранг: Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. — Тошкент, 1959. 142–145-бетлар; Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900. 239–245-бетлар.

Пул вақфини қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва ишлаш механизми

XIX аср Хива хонлигида вақф этилган пуллар асосан, *ижара* ва *музораба* келишувлари орқали ишлатилган. Бундай талаб вақф мулки таъсис этувчилари, яъни воқифлар томонидан қўйилганлиги мавжуд ҳужжатларда ўз аксини топган¹⁷. Уларда деярли барча пул вақфлари мана шу икки шарт асосида ва айрим ҳолларда фақат *ижара* орқали ишлатилиши шарт, дея урғу бериб ўтилган.

Шу ўринда савол туғилади, воқиф мулкни ижара ва музораба орқали ишлатишнинг айнан қандай келишувлар ва қайси усулда амалга оширилиши борасида аниқ кўрсатмалар берганми?

Ҳозирча бирор-бир вақфномада бу ҳақда очиқ маълумот учрамади. Шу билан бирга, қозилик ҳужжатларида келтирилган маълумотлар вақф мулкни ишлатиш амалиёти ҳақида маълум даражада тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ижара араб тилидан олинган бўлиб, «сақлаш, ҳимоя қилиш» маъносини беради. Вақф ҳўжалигида бу жараён маълум бир ҳақ эвазига муайян маҳсулотни фойдаланиш учун бериб туришни назарда тутди¹⁸. Хусусан, вақф қилинган пулни ижарага бериш амалда уни қарзга бериш орқали маълум бир миқдорда (фоиз) фойда олишни англади. Маълумки, фойда олишнинг бундай йўли ислом динида судхўрлик саналиб, гуноҳ иш сифатида дин пешволари томонидан таъқиб қилинган. Лекин, иқтисодиётда пул вақфларини ижарага бериш кенг қўлланилган экан, демак унинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган бўлиши керак. Хива хонлигида пул вақфларининг масжид ва мадраса мутаваллилари томонидан ишлатилишига доир маълумотларни берувчи «Хива хонлигида масжидлар бўйича вақфлар»¹⁹ номли ҳужжатда пул вақфларининг манбаси, асосан, *хатнок* ва *ижара* деб қайд этилган²⁰. *Хатнок* бу хат қилинган, яъни рўйхатга олинган, деган

¹⁷ Бу тўғрида О. Жалилов ва А. Шайхованинг илмий ишларида ҳам келтириб ўтилган. Қаранг: Ж а л и л о в О. Хива хонлигида пулни вақф этиш тўғрисидаги ҳужжатлар (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. № 1. 45–49-бетлар; Ш а й х о в а А. О формах и роли ростовщичества в Хивинском ханстве конца XIX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1984. № 5. 37–41-бетлар.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том, Москва, 1981. 315-бет.

¹⁹ ЎзР МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 485-иш. Хива хонлиги девонхонасида ёзилган ва хонликдаги масжид-мадраса ва қорихоналар вақф мулкларининг тавсифи, манбаси ва йиллик ижараси ҳақидаги маълумотларни жамловчи бу ҳужжатда пул вақфларининг манбаси алоҳида кўрсатиб ўтилган.

²⁰ Шу ҳужжат, 36а, 38б, 39аб.

маънода тушуниладиган бўлса, янги вақф қилинган мулк сифатида қабул қилиниши мумкин. Ижара эса, воқифлар томонидан жоиз қилиб кўрсатилган, яъни пул вақфларини ишлатиш юзасидан берилган кўрсатмаси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда музораба тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган ва пул вақфларининг манбаси, асосан ижара деб кўрсатилган. Бундан маълум бўладики, Хива хонлигида пул вақфлари, асосан, ижара орқали иқтисодиётга киритилган. Таъбир жоиз бўлса, қайта сармоя қилинган.

«Қозилик ҳужжатлари»ни таҳлил этиш асосида хулоса қилиш мумкинки, ижара келишуви Хива хонлигида баи жоиз деб номланувчи олди-сотди шартномаси асосида амалга оширилган. *Баи жоиз* «рухсат этилган савдо» деган маънони беради²¹. Бу олди-сотди келишуви жараёнида нақд пулга эҳтиёжи бўлган шахс ўзининг қимматбаҳо мулкни [асосан ер, уй, боғини] шартли равишда, яъни пулни қайтариб берганда мулкни яна қайтиб олиш шarti билан сотади ва ўзининг мулкни ижарага олади. Бу савдо икки томонга ҳам фойдали бўлиб, пулга эҳтиёжи бўлган киши пулга эга бўлади ва ортиқча пули бўлган тараф мулк сотиб олиб, уни ижарага бериш эвазига фойда олади. Ҳанафийлик таълимоти ҳуқуқшунослигида бундай келишув ўзаро ишончга асосланган савдо тариқасида маълум бўлиб, *баи ул-вафо* номи билан юритилган. Баъзи олимларнинг фикрича, баи ул-вафо амали Самарқандда вужудга келган ва ҳанафийлик мазҳаби уламолари томонидан шаръий тарзда иқтисодиётга киритилган амал ҳисобланади²². Айрим манбаларда бу амал Ўрта Осиёда X асрдан бери қўлланиб келингани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд²³. Хива хонлигида мутаваллиллар вақф пулларини айнан мана шу баи жоиз келишуви орқали қарзга берганликлари қозилар томонидан тасдиқланган олди-сотди

²¹ Шайхова А. О формах и роли ростовщичества в Хивинском ханстве конца XIX века // ОНУ. № 5. 37–38-бетлар; Чехович О. Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. Москва, 1969. № 6. 82-бет.

²² Бекмирзаев И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: Тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашув. Тошкент, 2014. 13-бет.

²³ Мовароуннаҳр фикҳий китобларида баи ул-вафо жуда кўп бор тилга олинган бўлиб, ушбу амал Самарқандда вужудга келган деган тахминлар бор, масалан Абу Наср Самарқандийнинг «аш-Шурут ва 'улумас-сукук» асарининг 5-бобида баи' би-л-вафо қондаси ва пайдо бўлиш тарихи ёзилган. *Қаранг*: Муҳаммад Ясимал-Ҳадисий таҳрири остида. Визарат ас-сакофава-л-илам. Дораш-шу'унас-сакофийинаал-'амма, офок 'арабийя. Бағдод, 1987. 217-бет.

хужжатларида аниқ кўрсатилган²⁴. Хусусан, ана шундай ҳужжатларнинг бирида Тўрт Шоҳбоз бобо мажмуасига тегишли бўлган вақф пуллари мутаваллилар томонидан баи жоиз келишуви орқали одамларга қарзга берилганлиги махсус бандда қайд этилган. Жумладан, ҳижрий 1297, Ражаб ойининг 18 да (1880 йил 26 июнь) домла Олимжонхожа мутавалли томонидан Рофаник мавзесида яшовчи Исматулло Мулла Юсуф ўғлига берилган 10 тилла қарз пули расмийлаштирилган қозилик ҳужжатида «махфий қолмасинким ушбу маблағ мазкур Тўрт Шоҳбоз бобо алайҳир раҳманинг вақфидир» деб аниқ кўрсатиб ўтилган²⁵. Пул вақфини ишлатиш амалиёти билан боғлиқ бўлган бундай жараён нафақат Тўрт Шоҳбоз бобо мажмуаси, балки Қадам ясовулбоши ва Муҳаммад Мискин масжидига тегишли ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Кўриниб турибдики, мутаваллилар вақф пули айнан кимнинг вақфномасидан олинганлигини аниқ кўрсатиб ўтиш орқали ўзларининг ишлаш принциплари ва вақф қилинган пулларга нисбатан бўлган масъулиятини билдиришга ҳаракат қилганлар. Аммо, Хива хонлигидаги барча масжид-мадраса мутаваллилари ҳам бу шаклда иш олиб боришган деб бўлмайди. Айрим баи жоиз ҳужжатларида²⁶ мутаваллилар қарз берган пулларининг манбасини ҳар доим ҳам очиқ кўрсатишмаганлиги кўзга ташланади. Натижада, мутаваллиларнинг шахсий маблағи билан масжид маблағи аралашиб кетган, деган фикр пайдо бўлади.

Қайд этиш лозимки, пул вақфидан фойдаланишда қўлланилган *музораба шаръий* келишуви аксарият вақфномаларда келтириб ўтилган бўлса-да, тадқиқ этилган қозилик ҳужжатларида бу амалиёт жуда кам ҳолларда қўлланилганлиги кузатилади. Бунга сабаб қилиб, асосан, иккита омилни кўрсатиш мумкин. Аввало, бу вақф институтининг асосий қонунияти билан боғлиқ бўлиб, вақф қилинган мулкнинг яхлитлиги унинг шакли ва туридан қатъи назар охират кунигача сақланиши лозим бўлган. Вақф мулкнинг давомийлиги исломдаги барча мазҳабларда бирдек маъқулланган қонундир²⁷. Шу жиҳатдан, вақф пуллари айнан баи жоиз келишуви орқали сармоя қилиш

²⁴ Бу нарса XIX аср Хива хонлигидаги турли мавзеларга тегишли бўлган 450 га яқин олди-сотди ҳужжатларида ўз аксини топган. Қаранг: ЎзР МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 486, 487, 489-ишлар; Ичан қалъа Давлат кўрикхонаси архиви, КП-6535.

²⁵ ЎзР МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 486-иш. 116-ҳужжат.

²⁶ ЎзР МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 486-иш. 46, 47, 48-ҳужжатлар ва 488-иш. 1, 32-ҳужжатлар.

²⁷ The Encyclopedia of Islam, new edition. Leiden, 2002, Vol XI. P. 59–63.

хавфсизроқ ҳисобланган. Чунки, баи жоиз келишувида мутавалли берилган вақф пули эвазига гаров сифатида ер мулкига нисбатан эгаллик ҳуқуқини олган. Қачонки, қарздор одам пулни қайтариб берса, келишувга биноан мутаваллилар ерни эгасига қайтаришган. Демак, бу келишув орқали мутаваллилар вақф қилинган омонат пулни сармоя қилиш баробарида вақф пулларининг йўқолиб кетиш хавфини ҳам бартараф эта олганлар.

Музораба келишувида сармоя шартлари бироз хавфлироқ бўлиб, мутавалли бу жараёнда *раб-ул мол*, яъни мулк эгаси бўлиб қатнашиши лозим бўлган. *Музораба* ўз ўрнида *раб-ул мол* ва *мудориб* ўртасидаги келишув бўлиб, ҳозирги замон тили билан ифодалаганда, сармоядор ва тадбиркор ўртасидаги келишувга ўхшашдир. Унга кўра, *раб-ул мол* (сармоядор) *мудориб* (тадбиркор)ни пул билан таъминлайди ва олинган фойда олдиндан келишилган шартлар асосида бўлишилади. Агар тадбиркор ўзининг хатоси билан эмас, бозор иқтисодиёти қонунларига кўра касодга учраса, сармоядор тўла ҳолда зарарни ўз бўйнига олиши лозим бўлган. Тадбиркорнинг кўрган зарари эса, унинг сарфлаган меҳнати ва вақти билан ўлчанган²⁸. Демак, музораба келишувида пул билан таъминловчи тараф, яъни мутавалли раб-ул мол вазифасида қатнашиши лозим бўлган. Бу эса, пул вақфини мудориб ёки тадбиркорга ишониб хавф остига қўйиш билан баробар эди. Кўриниб турибдики, Ислом динида бирор ишда таваккалчилик, яъни Яратганга ишониб ҳаракат қилиш маъқулланган бўлса-да, бировнинг вақф қилинган мулкани музораба келишуви орқали хавф остига қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилмаган.

Шунингдек, Хива хонлиги иқтисодидаги қарз олди-берди жараёнида баи жоиз амалиётининг кенг қўлланилганлиги ҳам вақф пулининг ишлатилишига таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири бўлиши мумкин. Хусусан, қози ҳужжатларининг аксариятида катта ер эгаларидан тортиб, маҳаллий саррофларгача, асосан, баи жоиз орқали қарз берганлигини кўриш мумкин. Албатта, қарз беришнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири *хатти мадюн* (қарз хати)²⁹ у қадар оммабоп ҳисобланмаган.

²⁸ Hemilton Ch. The Hedaya or Guide to a Commentary on the Musullman Laws. Translated by Hemilton Charles, Premier Book House. Lahor, 1957. P. 454–470; Muhammad A. Understanding Islamic Finance. England, 2007. P. 320–325.

²⁹ Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900. 239–245-бетлар.

Кўрилган ҳужжатларнинг аксарияти мутаваллиларнинг ўз ишларига, яъни вақф мулкларини сақлаш ҳамда ишлатишга жиддий ва катта масъулият билан ёндашганликларини кўрсатади. Шунга қарамай, баъзи мутаваллиларнинг фаолияти камчиликлардан ҳоли эмаслиги ва айрим ҳолларда воқиф шартлари тўлиқ бажарилмаганлиги ҳам кузатилади. 1891 йил 29 декабрида тузилган ҳужжатда Қурбон бека бинти Муҳаммад Шариф томонидан 15 тилла танга Иброҳим махсум масжидига вақф қилинганлиги қайд этилган³⁰. Ундаги шартга кўра, олинадиган фойданинг бир қисми (45 фоизи) ушбу маблағ 50 тиллага етгунга қадар вақф қилинган ўша 15 тиллага қўшиб борилиши лозим эди. Лекин, ушбу маблағ билан боғлиқ бўлган 1911 йил 25 майдаги ҳужжатда ўша пулнинг 20 йилдан кейин ҳам 15 тилла ҳолида қолганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ваҳоланки, ушбу пул йиллик ўртача 10% миқдорда даромад келтирганлиги ҳисобга олинса, бу пайтга келганда у тақрибан 40 тилла тангани ташкил этиши керак эди³¹.

XVII–XVIII асрларда ҳозирги Сурия ҳудудида жойлашган Алеппо шаҳри иқтисодини ўрганган америкалик олим Брус Мастерс фикрича, пул вақфлари Алеппо шаҳрида ҳам мавжуд бўлиб, улар тўғридан-тўғри қарзга бериш билан иқтисодиётга қайта сармоя қилинган. Усманийлар салтанати қонунларига кўра, пулни маълум бир фоиз эвазига қарзга бериш тақиқланган бўлса-да, фақат пул вақфларигина бу қонундан мустасно қилинган. Чунки пул вақфларидан келган фойда етимлар учун, шаҳардаги камбағалларнинг солиқ тўловларини тўлаш ва шунга ўхшаш аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ишлатилган³². Усманийлар империясининг иқтисодий марказларидан бўлган Истанбул ва Бурса шаҳарларида ҳам пул вақфлари XV асрдан кейин жадал суръатда ривожланиб борган ва, ҳатто, мавқеи жиҳатидан кўчмас мулк вақфларини ҳам ортда қолдирган. XVI–XVIII асрда бу шаҳарларда пул вақфларининг иқтисодиётда тутган ўрнини тадқиқ этган турк олими Мурот Чизакчанинг фикрича, пул вақфлари *музораба* ва *истиғлал (Istiglal)* келишувлари орқали сармоя

³⁰ N-184, N-195 ҳужжатлар. Қаранг: Урунбаев А. Каталог Хивинских казийских документов XIX — начала XX вв. Ташкент—Киото, 2001. 61, 66-бетлар

³¹ $FV = PV(1+r)^n$ — фоиз формуласига асосан ҳисобланди. FV — кутилган сармоя, PV — киритилган сармоя, r — йиллик фоиз миқдори, n — йил. Қаранг: Andrew M. Introduction to Capital Markets, John Wiley & Sons LTD, UK, 2002. P. 105.

³² Bruce M. The Origins of Western Economic Dominance in the Middle East. New York University Press, 1988. P. 162.

қилинган³³. *Истиглал* келишувининг ишлаш жараёни худди Хива хонлигидаги баи жоиз келишувига ўхшаш бўлиб³⁴, биргина фарқи истиглал келишувида гаров сифатида қўпроқ тураржойлар қўйилган. Вақф пулларида келган даромад ҳам Хива хонлигидагидек, масжид-мадрасаларда Қуръон ўқиш, шам сотиб олиш, мутавалли ва имомларга ҳақ тўлаш ва масжид-мадрасаларга керакли бўлган харажатлар учун ишлатилган. Бундан маълум бўладики, баи жоиз келишуви асрлар давомида мусулмон мамлакатлари иқтисодиётида ҳар хил номлар билан ишлатиб келинган шаръий амал ҳисобланган. Ҳанафийлик фикҳининг бу қарори мусулмонларни рибо (судхўрлик)дан сақлашга қаратилган бўлиб, унга муқобил амал сифатида қабул қилинган. Бу амалиёт орқали вақф институтлари жамият иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этган ва ишлаб чиқариш жараёнига ўз сармояси билан ҳисса қўшган. Бу сармоялар иқтисодий ривожланишга хизмат қилиши билан бирга вақф институтларининг давомийлик шартини ҳам таъминлаган.

Таҳлил қилинган маълумотлар шуни кўрсатадики, XIX асрда хонликда амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар натижасида вақф қилиш жараёнида ҳам муҳим ўзгариш юз берган. Пул вақфларининг хонликдаги умумий вақф мулкларидаги улуши ортиб борди. Масжид ва мадрасаларда пул ҳажмининг ортиши мутаваллиларга пул вақфларини аҳолига қарз бериш орқали мунтазам равишда иқтисодиётга сармоя киритиш имконини берди. Бу эса, ўз ўрнида мутаваллиларнинг иқтисодий имкониятини ошириш билан биргаликда, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаб, аҳоли орасида қарз берувчи сифатида ҳам танилишига сабаб бўлди. Мутаваллилар пул вақфларини, асосан, баи жоиз келишуви орқали қарзга беришган ва у музораба келишувига нисбатан хавфсизроқ бўлган. Пул вақфлари ер ва бошқа кўчмас мулк вақфларидан фарқли равишда, молиявий аҳволи чекланган одамларга ҳам оз миқдорда бўлса-да, пул вақф қилиб савоб олиш имконини яратган. Бундан ташқари, пул вақфлари хонликдаги пул айланиш жараёнини тезлаштириш ва ҳар хил миқдордаги қарзлар орқали ишлаб чиқариш ва савдони ривожлантиришга ҳисса

³³ Cizacka M. Cash *Waqfs* of Bursa, 1555–1823. Journal of the Economic and Social History of the Orient. August 1995. Vol. 38. № 3. P. 314–354.

³⁴ Tyser C. R., Demetriades D. G., Ismail E. The *Mejelle*: Being an English Translation of *Majallah El-ahkam-i-Adliya* and a Complete Code on Islamic Civil Law. Turkey, 1901. P. 10.

қўшган. Пул вақфларининг ҳаракатланишида асосий келишув ҳисобланган баи жоиз амали эса, фоизли судхўрлик сармоясига эҳтиёж қолдирмаслик учун муқобил шаръий амал сифатида қабул қилинган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, пул вақфи масаласини тадқиқ этиш орқали кўплаб тарихий ҳужжатлар ва бирламчи манбалар ўрганилади. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг қатор йўналишларига доир маълумотларни илмий муомалага киритишга хизмат қилади.

А. ХАЛИЯРОВ

ХИВА ХОНЛИГИДА ПУЛ ВАҚФИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР

Ушбу мақола Хива хонлигидаги пул вақфи мулкларининг иқтисодиётда ишлатилиш механизмини ёритишга бағишланган. Жумладан, пул вақфларининг ишлатилиш жараёни таҳлил этилиб, уларнинг баи жоиз келишуви орқали сармоя қилинганлиги аниқ маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, вақфнома, қозилик ва бошқа турли архив ҳужжатлари асосида пул вақфларининг XIX асрда мунтазам равишда ортиб борганлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: вақф институти, пул вақфи, Хива иқтисодиёти, баи жоиз, мутавалли, баи ул-вафо, музораба келишуви, вақнома, қозилик ҳужжатлари, ижара, кўчмас мулк.

А. ХАЛИЯРОВ

К ВОПРОСУ ПРАВОВЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОСНОВ ДЕНЕЖНОГО ВАКФА В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ

В статье произведен анализ общего механизма обращения в экономике денежных вакфов в Хивинском ханстве. В частности, на примере конкретных материалов сделан вывод, что основная часть денежных вакфов вкладывалась по договору *баи жоиз*. На основе вакфнаме, казийских и различных архивных документов показан процесс увеличения денежных вакфов в XIX веке.

A. KHALIYAROV

UTILIZATION PROCESS OF MONEY WAQFS IN THE KHIVAN KHANATE IN 19TH CENTURY

This article is devoted to the utilization process of money waqf endowments in the Khivan Khanate in the 19th century. According to various archival sources, money waqf endowments were gradually increased throughout the century. Mutawallis of different pious organizations utilized the money waqf funds through *bai joiz* agreement. This agreement was actively used in Hanafi school dominated neighboring countries of the Khanate since early middle ages.

Н. МАХКАМОВА

ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В 20–30-е ГОДЫ XX ВЕКА: ПАРАДОКСЫ И ПРОТИВОРЕЧИЯ РАЗВИТИЯ

20–30-е годы XX века в Узбекистане были неоднозначными для всех сторон жизни общества, в том числе для культуры и образования. Это был также период реформ и в системе начальной школы. Однако проводившиеся преобразования зачастую противоречили друг другу, безусловные успехи в процессе развития школьного образования в республике имели четко выраженный идеологический оттенок, сопровождалась жестким классовым подходом, особенно в вопросе подбора кадров, а также направленности обучения в новообразовываемых советских школах.

Следует отметить, что процесс становления светского школьного образования в республике был сопряжен с большими трудностями. В первую очередь, это было связано с тяжелым финансовым положением вновь образовавшегося советского государства, у которого совершенно не было средств на открытие и содержание новых советских школ, в отличие от мусульманских школ, находившихся в гораздо более выгодном положении за счет вакфов. Очень остро стоял кадровый вопрос. Недостаток учителей для вновь открывающихся школ компенсировался в первые годы советской власти за счет старых специалистов. Но их привлечение к работе было лишь временной вынужденной мерой со стороны советского государства, так как не хватало учителей, которые могли бы преподавать на языках коренных национальностей. К середине 30-х годов власти окончательно избавились от учителей старшего поколения.

К концу 20-х гг. XX в. проблема учительских кадров была частично решена, не считая того, что их уровень оставлял желать лучшего. Большими трудностями сопровождался процесс привлечения в начальную школу девочек-узбечек, который усугублялся нежеланием родителей отдавать своих дочерей в общие для мальчиков и девочек школы, а также острым дефицитом женщин-учителей. Для решения этих проблем в первую очередь нужно было выстроить новую структуру управления системой образования. В Туркестане большевистские власти использовали общую, принятую в центре, систему.

Процессом создания системы народного образования в Туркестане руководил Народный комиссариат просвещения, образованный в середине июня 1918 г. Его первоочередной задачей в начале 20-х годов было решение проблемы школьного строительства. Для руководства созданием и работой школ для коренного населения в составе Наркомпроса была образована специальная тюркская секция, в работу которой большой вклад внесли передовые представители джадидской интеллигенции.

Первоочередной задачей в деле школьного строительства новая власть поставила ликвидацию старой и создание единой трудовой советской школы. Но если в РСФСР они должны были решаться только расширением имевшейся сети школ и изменением идеологического содержания учебного процесса, то в Туркестане надо было создавать всю школьную систему заново, причем по европейскому образцу.

Первая задача — ликвидация старой школы — была решена довольно просто и быстро. Распоряжением Наркомпроса ТАССР от 14 декабря 1918 г. в республике были упразднены все европейские школы — церковно-приходские, русско-туземные и др. Мусульманские школы — старометодные мактабы и медресе — пока были сохранены, но лишены государственного субсидирования¹, а вся дальнейшая государственная политика в области народного образования была целеустремленно направлена на их вытеснение и уничтожение.

Решение второй задачи — создание новой советской школы — потребовало длительной и кропотливой работы. Начался этот процесс в Туркестане довольно бурно и с большим энтузиазмом. Председатель Краевого женского узбекского института просвещения Шакирджан Рахими писал: «Школы открывались везде, где только имелись налицо здание, ученики и учителя. ... Наркомпрос, расширяя сеть учебных заведений, не задумывался о том, как их обеспечить, и скоро оказался не в состоянии не только оборудовать школы, но даже выплачивать жалование учителям. Учителя разбегались, школы разваливались»². Вообще, начальный период становления новой советской школы с 1917 г. по 1920 г. можно определить как период стихийного роста учреждений народного образования. Новые школы открывались на местах по инициативе местного населения, зачастую без учета каких-либо материальных предпосылок. Иногда местные органы власти

¹ ЦГА РУз, ф. Р-17, оп.1, д. 1062, л. 19.

² Рахими Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 43.

даже не знали, в чьем ведении находится та или иная школа. Поэтому бурный рост сети школ прекратился уже в 1919 г., а в 1920 г. началось даже сокращение школ ввиду недостатка средств на их содержание³.

Руководство школьным процессом было реорганизовано в соответствии с требованиями новой идеологии. В 1918 г. были упразднены должности директоров школ и других учебных заведений. Учебно-воспитательным процессом и хозяйственными делами должны были теперь руководить педагогические советы, в состав которых с правом решающего голоса входили два выбранных представителя от учащихся. В школах были также упразднены должности классных наставников, их функции передавались ученическому самоуправлению. Все эти новшества не лучшим образом отражались на качестве учебного процесса.

С большим трудом шло выполнение задачи создания трудовой советской школы. В 1918 г. в качестве эксперимента в Ташкенте была сделана попытка создать сеть таких школ. Но определенных успехов достигли только 3 школы: им. Алмаи, им. К. Либкнехта, им. Н.Г. Чернышевского. Из них школы им. Алмаи и им. К. Либкнехта были школами-интернатами, а им. Н.Г. Чернышевского — школой продленного дня. В этих школах осуществлялось трудовое и политехническое обучение: проводились сельскохозяйственные работы в национализированных пригородных садах Ташкента; в учебных мастерских учащихся обучали ткачеству, столярному, слесарному, переплетному делу и другим ремеслам. В дальнейшем эти школы стали базой для педагогических исследований и создания сети педагогических училищ и техникумов.

Но это были опытные школы, находящиеся в Ташкенте, и именно им уделялось особое внимание Наркомпроса. Создавать же такие школы по всей республике у государства в 20-е годы не было ни финансовых, ни кадровых возможностей. Поэтому в этот период наркомат ограничился более скромными масштабами решения вопроса школьного строительства. Основным типом школ для городов решено было сделать полную семилетнюю школу, для сельской местности на начальный период — четырехклассную школу первой ступени, для кочевых групп населения — передвижную школу-юрту и стационарную

³ Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865–1924 годы). Москва, 1960. С. 442.

школу-общезнание. Было признано целесообразным установить норму учащихся в классах — 30 человек, школьный возраст — 8–11 лет, оплату труда учителей производить за счет государства, школьные потребности (помещения, ремонт, учебные пособия, учебные принадлежности и т. д.) удовлетворять за счет местных органов власти. В 1922 г. сельские школы были полностью переведены на местные средства. На практике новыми школами в первую очередь обеспечивались наиболее плотнозаселенные, а затем менее заселенные пункты. После решения задачи создания и развития в сельской местности четырехклассных школ предполагалось перейти к созданию там семилетних школ⁴.

Таким образом, из-за серьезных финансовых и кадровых проблем советское школьное строительство в республике, сделав в первые три года значительный шаг вперед, приостановилось в своем развитии. Одновременно начался рост конфессиональных школ, особенно в сельской местности. По свидетельству Ш. Рахими, это объяснялось тем, что коренное население еще не было готово принять новую школьную систему, и потому предпочитало традиционную старую школу⁵. Положение конфессиональных школ в этот период было гораздо лучшим по сравнению с советскими школами еще и за счет вакфов. Советская власть не сразу ликвидировала систему вакфов, предприняв меры для контроля над ними и направления доходов от них в нужное ей русло. Для этого с 1 января 1923 г. при Народном комиссариате просвещения Туркесреспублики было организовано главное управление вакфов, которое должно было взять на учет все вакфное имущество, доходы с которого предназначались на содержание медресе и мусульманских школ. Часть этих средств должна была пойти на увеличение заработной платы тем учителям старометодных школ, которые были взяты на учет для переквалификации, а также на улучшение оборудования этих школ и их реформирования по советскому образцу. Уже с 1 апреля 1924 г. реорганизованные школы вакфного управления перешли к занятиям по единой с советскими школами программе⁶.

⁴ К вопросу о всеобщем обучении в Туркесреспублике // Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 55–57.

⁵ Рахими Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 43.

⁶ Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865–1924 годы). Москва, 1960. С. 449–450.

В середине 20-х годов XX в. в Узбекистане было 1 908 советских школ и 1 329 конфессиональных⁷. Особенно велика была разница между численностью советских и традиционных мусульманских школ в отдаленных от центра областях. Так, в 1926 г. в Ханкинской волости Хорезмской области было 30 мусульманских школ и только одна советская; в Чимбайской волости Зеравшанского округа — 20 старых и 2 новые школы; в Китабской волости Кашкадарьинской области — 180 старых и одна советская школа⁸. Конфессиональные школы подвергались сильному административному прессингу. И все же, по данным ЦСУ Узбекистана, в 1928 г. в республике все еще было 381 традиционное учебное заведение с 4 613 учащимися, в том числе 144 — в городах (2 442 ученика) и 237 — в сельской местности (2 171 учащийся)⁹. По социальному составу в числе родителей этих учеников были дехкане (49 %), кустики (18 %), торговцы (11 %), служители культа (4,2 %), служащие (2,6 %). Существовали эти школы за счет родителей, которые помогали деньгами, продуктами, одеждой¹⁰. Безусловно, такая ситуация была неприемлема для советской власти и в 1928 г. правительство республики приняло решение о закрытии всех конфессиональных учебных заведений. Все учащиеся были переведены в советские школы.

Начиная создавать новую систему народного образования правительство Туркестана исходило из твердого убеждения, что национальных учительских кадров в крае практически нет, так как педагоги национальных школ находятся во власти «религиозного догматизма», владеют принципиально другой «порочной» методикой преподавания, не имеют европейской подготовки по общеобразовательным предметам, являются противниками новой власти. Это была ошибочная позиция новой власти, поскольку в действительности в крае было очень мало учителей — приверженцев новой идеологии, владеющих новой методикой преподавания. Но учителя новометодных школ по собственной инициативе шли работать в советские школы. Власти не очень были заинтересованы в сотрудничестве с джаидской интеллигенцией, однако они активно включились в процесс школьного строи-

⁷ Народное образование в УзССР за 25 лет (1924—1939). Ташкент, 1939. С. 24.

⁸ Современный кишлак в Средней Азии. Социально-экономический очерк. Ташкент, 1926—1927 гг. Вып. II. С. 136. Вып. IX. С. 12. Вып. III. С. 14.

⁹ Бюллетень ЦСУ УзССР. 1928. № 20. С. 77.

¹⁰ Там же. С. 80, 83.

тельства. Они пошли работать в новые школы, педагогические учебные заведения, органы печати, создавали учебники, вели большую культурно-просветительскую работу.

Несмотря на это, трудности с кадрами педагогов для школ в республике на первом этапе школьного строительства были большие. Решить эту задачу Наркомпрос пытался самыми различными путями. Так, в 1917–1921 гг. в Ташкенте была предпринята попытка использовать турецких педагогов, находившихся в крае в лагерях военнопленных первой мировой войны. С их участием были созданы школы «Намуна», «Ватан», «Туран», «Умар-Бек». В них были хорошо поставлены дисциплина, спортивные занятия, военно-патриотическое воспитание, чему уделялось особенно повышенное внимание. По свидетельству современников, в этих школах культивировался военный дух, учащиеся много маршировали с флагами и барабанами, пели патриотические турецкие песни. Все это вызвало отрицательную реакцию органов советской власти и школы были закрыты, а учителя-турки уехали на родину¹¹. Определенными трудностями сопровождался также и процесс обучения девочек-узбечек, которые на первых порах очень трудно вовлекались в советские школы. Основным путем решения этой проблемы было открытие женских школ, однако и здесь большой проблемой стало обеспечение их женскими кадрами учителей. А вопрос совместного обучения девочек и мальчиков, а также преподавания в женских школах учителей-мужчин в первые годы советской власти даже не рассматривался. Поэтому на первых порах в женских школах преподавали в основном учительницы-татарки. Несмотря на предпринимаемые властями меры, количество девочек в школах сильно отставало от количества мальчиков. Интересно также отметить, что совместное обучение более успешно осуществлялось среди кочевых и полукочевых представителей населения казахов и киргизов. Однако у казахов Туркестана по сравнению с северными казахами позиции ислама были гораздо прочнее, что тоже отрицательно сказывалось на обучении девочек¹².

Наиболее реальным и доступным путем подготовки учительских кадров на первых порах была курсовая система. В 1918 г. была развер-

¹¹ См.: Рахими Ш. Указ. статья. С. 42–43; Сербов П.И., Никифоров А.Д. Народное просвещение в Узбекистане. Самарканд–Ташкент. 1927. С. 30–31; Бердников К.Е. Очерки народного образования в Туркестане. Москва, 1960. С. 418.

¹² Бендриков К.Е. Указ. соч. С. 457.

нута широкая сеть краткосрочных бесплатных педагогических курсов с различными сроками обучения — от 6 недель до 6 месяцев, на которые приглашались все желающие стать педагогами независимо от уровня их подготовки. Государство брало на себя финансирование учебного процесса, а также оплату проезда курсантов к месту обучения и обратно, их содержание во время учебы и трудоустройство после ее окончания.

На этих курсах, наряду с общеобразовательными предметами большое внимание уделялось политическим дисциплинам, которые должны были формировать у будущих педагогов марксистское мировоззрение. Так, в программу всего лишь шестинедельных курсов, открытых в Ташкенте 15 июля 1918 г., помимо математики, родного языка, географии, естествознания, физики, химии, истории, педагогики, входили такие политические дисциплины, как «Краткий курс политической экономии с подробным объяснением идеи национализации и социализации», «Мировая история последних десятилетий (всемирный капитализм и империализм)», «Идея советской власти и ее организация в России»¹³, причем все это преподавалось людям, которые зачастую едва умели читать и писать.

В 1919/1920 учебном году в ТАССР краткосрочные курсы окончили 1 523 человека, в том числе 1 013 — из местных национальностей¹⁴, в 1921 г. — 1 693 человека, из них 1 534 — из местных национальностей¹⁵. Конечно, это было очень немного, если учесть, что в 1920/1921 учебном году в Туркестане по неполным данным было только школ 1-й ступени более двух тысяч¹⁶.

Курсы давали будущим педагогам образование только в объеме четырехлетней школы. В их работе была масса трудностей и недостатков: отсутствовала единая методика преподавания, не было учебников, учебных пособий, крайне мало было квалифицированных педагогов, чтобы преподавать на этих курсах. Выпускали они учителей с минимальным уровнем знаний.

Краткосрочные учительские курсы были начальной формой подготовки школьных педагогов и имели широкое распространение только в 1918–1920 годы. Затем они приняли форму их систематической пере-

¹³ ЦГА РУз, ф. Р–34, оп. 1, д. 33, л. 5.

¹⁴ ЦГА РУз, ф. Р–34, оп. 1, д. 236, л. 55.

¹⁵ ЦГА РУз, ф. Р–25, оп. 1, д. 1921, л. 8.

¹⁶ ЦГА РУз, ф. Р–34, оп. 1, д. 483, л. 52.

подготовки, причем преимущественно для учителей начальных сельских школ, профессиональный уровень которых был очень слабым. Так, из 1 256 учителей сельских школ, прошедших переподготовку летом 1925 г., только 1 % имели образование выше курса начальной школы, 25 % окончили школу старого типа, остальные 74 % были самоучки. Из них 33 % имели стаж работы один год, 12 % — два года, 13 % — три—пять лет, 31 % — не имели стажа¹⁷.

Учительские курсы внесли известный вклад в школьное строительство республики в начале 20-х годов. Это была временная мера, попытка быстро и в значительных размерах решить проблему учительских кадров в ситуации коренной ломки школьной системы. По-настоящему же квалифицированные педагоги должны были подготавливаться в специальных стационарных учебных заведениях. Такими учебными заведениями в 20-х годах стали учительские институты, институты просвещения, педагогические училища, техникумы, вузы.

Одним из первых специальных педагогических учебных заведений для подготовки учителей национальных школ был мусульманский учительский институт, открытый в Ташкенте 1 июня 1918 г. В числе его педагогов были: Исмаил Хакки, Абдурауф Фитрат, Кемал Шамси, Ибрагим Исмагилов, Бурхан Хабиб, Мунаввар Кори, Абдулла Рахимбаки, Абдурахман Исмагилов, Хайдар Шауки¹⁸ и др. В составе института также функционировали краткосрочные курсы для переподготовки учителей старой школы. Летом 1918 г. были набраны слушатели на четырехмесячные курсы для учителей, преподававших в новометодных школах и два подготовительных класса для лиц, окончивших русско-туземные и новометодные школы. Всего было набрано 75 человек. По социальному положению, а этот фактор начинает приобретать решающее значение при приеме в высшие и средние учебные заведения, 90 % слушателей курсов были из «несостоятельных» граждан¹⁹.

14 октября 1919 г. в Ташкенте была открыта педагогическая трудовая школа с тюркским, татарским и киргизским отделениями²⁰. В конце октября в Ташкенте также открылось женское педагогическое училище «для подготовки тюркских учительниц в школы 1-й ступени». В него принимались грамотные девочки (не моложе 13 лет) и

¹⁷ ЦГА РУз, ф. Р-94, оп. 1, д. 419, л. 20.

¹⁸ ЦГА РУз, ф. Р-368, оп. 1, д. 34, л. 120—122.

¹⁹ ЦГА РУз, ф. Р-368, оп. 1, д. 34, л. 122.

²⁰ ЦГА РУз, ф. Р-34, оп. 1, д. 218, л. 6.

женщины (возраст не ограничивался). В подготовительный класс принимались и неграмотные ученицы. Уставом училища предусматривалась возможность использования учащихся третьего года обучения для преподавания в женских начальных школах. Учитывая особенности местных бытовых традиций, весь педагогический состав училища был только женский²¹. В 1924 г. состоялся первый выпуск училища. Первые дипломы учителей получили Т. Рустамбекова, М. Янгулатова, Н. Махсумова, Х. Таджиева, Р. Насырова, Х. Зиеханова и др.

К январю 1920 г. в ведении Наркомпроса ТАССР находились следующие учебные заведения, готовившие учителей для национальных школ: Киргизские педагогические курсы, Узбекские курсы по подготовке учителей, Туркестанский мусульманский учительский институт, Киргизское педагогическое училище, Тюркское женское педагогическое училище, Тюркская учительская семинария, Педагогическая трудовая школа²².

Осенью 1920 г. начал создаваться совершенно новый вид педагогических учебных заведений — институты просвещения (инпросы), которые должны были готовить «высококвалифицированных работников по школьному образованию, дошкольному воспитанию, внешкольному образованию взрослых». Рассчитаны они были на 4 года обучения²³. Студенты инпросов получали общие знания в объеме школы второй ступени и специальную подготовку для работы в школах первой ступени. Окончившие их получали временное свидетельство, которое после годичной практики и представления письменного отчета о ней обменивалось на постоянный аттестат²⁴. По существу инпросы тех лет играли роль учительских институтов. В 1929 г. они были преобразованы в педагогические техникумы.

1 октября 1920 г. в Ташкенте было открыто 4 института просвещения: узбекский, киргизский, татарский и русский, который в 1921 г. вошел в состав Туркестанского государственного университета как педагогический факультет²⁵.

В 1922 г. в систему педагогического образования Туркеспублики входило 16 учебных заведений: 2 педтехникума с четырехлетним сро-

²¹ ЦГА РУз, ф. Р-34, оп. 1, д. 386, л. 4.

²² ЦГА РУз, ф. Р-34, оп. 1, д. 425, л. 37–37об.

²³ ЦГА РУз, ф. Р-94, оп. 5, д. 477, л. 7.

²⁴ ЦГА РУз, ф. Р-364, оп. 1, д. 115, л. 22.

²⁵ ЦГА РУз, ф. Р-34, оп. 1, д. 259, л. 6.

ком обучения на 200 учащихся, 7 педучилищ с пятилетним сроком обучения по 100 учащихся в каждом, 6 инпросов, в которых обучались 1 145 человек²⁶. После национально-государственного размежевания республик Средней Азии в Узбекистане в 1925/1926 учебном году функционировало 19 педагогических учебных заведений с 2 500 учащимися, в том числе 8 инпросов с 1 341 учащимся и 11 педтехникумов с 1 123 учащимися²⁷.

Во второй половине 20-х годов вся эта сеть педагогического образования продолжала успешно развиваться. В 1929 г. в республике работало 24 педагогических техникума с 3 404 учащимися, а в 1930 г. — 26 с 5 000 будущих педагогов²⁸.

Подводя итог исследованию поставленной проблемы, можно сказать, что несмотря на серьезные трудности и бурные реорганизационные процессы, в школьном строительстве к середине 30-х годов в Узбекистане в целом была сформирована новая стабильная система народного образования. Она явилась результатом сложного пути поисков и ошибок, обусловленных ломкой старой системы образования. При этом надо отметить, что образовательный процесс развивался неоднозначно. Если получение школьного и среднего специального образования шло под лозунгом всеобщего обучения, то развитие вузовского образования было детерминировано жесткой классовой политикой советской власти, открывавшей двери высшей школы исключительно по социальному признаку.

Система народного образования в республике, сложившаяся к середине 30-х годов, стала определяться схемой: 7-летняя школа—техникум; 7-летняя школа—техникум—вуз; 10-летняя школа—вуз. Промежуточные формы обучения — рабфаки и подготовительные отделения постепенно отмирали. Система получения школьного, среднего специального и высшего образования в республике вошла в соответствие с системой, принятой в цивилизованном мире. Однако, в отличие от последней, советская система народного образования была зашорена большевистской идеологией беспредельно, что в конечном итоге привело к отрыву от мирового уровня развития образования и многим негативным явлениям, касающимся социальных сторон образования и ее качества.

²⁶ Народное просвещение. 1922. № 2. С. 78.

²⁷ ЦГА РУз, ф. Р—34, оп. 1, д. 995, л. 11.

²⁸ ЦГА РУз, ф. Р—94, оп. 5, д. 474, л. 7.

Н. МАХКАМОВА

**ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ В 20–30-е ГОДЫ XX ВЕКА:
ПАРАДОКСЫ И ПРОТИВОРЕЧИЯ РАЗВИТИЯ**

В статье предпринята попытка осветить процесс становления и развития системы школьного образования в республике в 20–30-е годы XX века, показать трудности, с которыми сталкивалась советская власть на этом пути, раскрыть суть осуществляемых в данной сфере реформ и их идеологическую направленность, а также парадоксы и противоречия ее развития.

Ключевые слова: образование, советская школа, конфессиональная школа, идеология, советская власть, кадры, реформы.

Н. МАХКАМОВА

**XX АСРНИНГ 20–30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МУАММОЛАРИ:
РИВОЖЛАНИШ ПАРАДОКСЛАРИ ВА ЗИДДИЯТЛАРИ**

Мақолада XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда мактаб таълими тизимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни ёритилган. Бу жараёнда совет ҳокимияти олдидаги қийинчиликлар, ушбу соҳада амалга оширилган ислохотлар моҳияти ва ғоявий йўналиши, ривожланиш зиддиятлари ва парадокслари кўрсатилган.

N. MANKAMOVA

**THE PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION SYSTEM
IN UZBEKISTAN IN THE 20–30S OF THE 19TH CENTURY:
DEVELOPMENT PARADOXES AND CONTRADICTION**

This article attempts to illuminate the development process of the school education system in the republic in the 20–30s of the 19th century by stressing the positive and negative sides of the problem. It should be noted that having suffered serious difficulties and turbulent processes by the middle of the 30s, there were organized a new stable system of people's education in Uzbekistan.

Х. БЎРИЕВА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 1966–1970 ЙИЛЛАРДАГИ ТОПОНИМИК ҲОЛАТИ ХУСУСИДА

Тошкент шаҳри жаҳонда Ўзбекистон Республикаси пойтахти, Осиё минтақасидаги йирик маданият, санъат, фан, техника, саноат, савдо марказларидан бири, бой тарихга эга бўлган шаҳар сифатида танилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шаҳарга шундай таъриф беради: «Тошкент Шарқ дарвозаси деб номланган, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир»¹.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри тарихига бўлган эътибор кўлами кенгайиб, унинг ўтмиши, бугунги кундаги тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар турли соҳа мутахассислари томонидан тадқиқ этиб келинмоқда, жумладан, жой номлари тарихини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, топонимларда маълум ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётининг тарихи акс этади.

Ўлкада турли тарихий даврларда кечган воқеликлар таъсирида янги топонимик қатламлар ҳосил бўлади ва улар муайян замон талаблари билан бевосита боғланади. Баъзи ҳолларда бундай талаблар ҳолис бўлмай, субъектив тусга эга бўлади ва натижада топонимлар ўзида жойнинг табиий ёки тарихий-миллий хусусиятларини акс эттириш вазифасини бажараолмай қолади. Жумладан, мустабид Совет ҳукумати даврида Тошкент шаҳрида вужудга келган янги жой номларининг аксарияти ана шундай характерда бўлган. Мазкур мақолада Тошкент шаҳрида 1966 йилги зилзиладан кейинги шаҳарни тиклаш ва обод қилиш йилларида рўй берган топографик ва топонимик ўзгаришлар хусусида сўз юритилади.

Маълумки, ушбу даврда Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибига киритилган ва Тошкент бош шаҳар вазифасини ўтаган. Унда кўплаб маъмурий, илмий, маърифий, иқтисодий, ижтимоий муассасалар жойлаштирилиб, уларга янгича номлар берилган. 1917–1991 йилларда Тошкент шаҳри ва умуман, Ўзбекистон ҳудудидаги кўп жой

¹ Каримов И.А. Пойтахтимиз — муқаддас остонамиз. 8-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 292–318-бетлар.

номлари ҳукмрон совет тизими мафкурасига мос равишда ўзгартирилганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг тадқиқ этилиши Тошкент шаҳрининг 70 йил давомида кечган тарихини холис тарзда ёритиш, собиқ советлар ҳукмронлиги йилларидаги шаҳарнинг тарихий ривожланиши ва топонимик қиёфасини таҳлил қилиш, жой номларини маълум гуруҳларга таснифлаш, улар ёрдамида тарихни кенгроқ ўрганиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, жой номларининг ўзгаришига нафақат сиёсий ёки иқтисодий жараёнлар, балки айрим ҳолларда табиий омиллар ҳам сабаб бўлади. Жумладан, 1966 йилги Тошкент зилзиласи натижасида шаҳарнинг тикланиши ишлари янги топонимларнинг шаклланишига олиб келган.

1966 йил 26 апрель куни соат 5 дан 23 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳрида кучли зилзила содир бўлган. Зилзила ўчоғи шимоли-ғарбдан жануби-шарққа йўналган, у 5–10 км чуқурликда жойлашган. Зилзиланинг кучи эпицентрда 8 баллга етган, маркази Қашқар маҳалласи ва Лабзак ўрнида бўлиб, максимал вайроналик зонаси 10–12 км² га тенг бўлган. 9 майдан 10 майга ўтар кечаси, 24 май ва 5 июнда кучли (6–7 балл) силкинишлар такрорланган. Содир бўлган табиий офатлар натижасида кўплаб эски усулда қурилган уйлар, мактаб, касалхона, маъмурий ва жамоат ташкилотлари бинолари қулаб, шаҳарнинг катта қисми ва айниқса, унинг маркази вайронага айланган. Жумладан, 2 млн м² дан зиёд тураржой, 236 та маъмурий бино, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 26 та коммунал хўжалик корхонаси, 180 га яқин ўқув юрти, 8 минг ўринли мактаблар, 36 та маданий-маиший муассаса, 185 та тиббиёт ва 245 та саноат корхонаси бинолари зарар кўрган, 78 минг оила ёки 300 минг киши бошпанасиз қолиб, қурбонлар ҳам бўлган. Марказий сейсмик станция 1966–1968 йиллар мобайнида рўй берган силкинишлар сони 2 500 дан ортганини қайд этган².

Зилзила оқибатларини бартараф этиш ва шаҳарни қисқа муддатда тиклаш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссия иш олиб борган. Унинг кўрсатмаларига биноан улкан қурилиш ишлари амалга оширилган, аҳоли учун янги тураржойлар, турли тизим муассасалари фаолиятига мўлжалланган иншоотлар барпо қилиниб, 3,5 йиллик давр мобайнида зилзила оқибатлари бартараф этилган. Шаҳар

² Тошкент. Энциклопедия. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2009. 232-бет.

худудида янги даҳалар бунёд этилиб, 300 минг киши уй-жой билан таъминланган, 3 200 м² тураржой қурилиб, болалар боғчаси, мактаб, институт, савдо ва бошқа бир қатор давлат муассасалари учун бинолар қад кўтарган. Тошкентда зилзила оқибатларини бартараф қилиб, янги тураржойлар қуришда собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан ҳам қурувчи ва турли соҳа мутахассислари иштирок этган. Янги бунёд этилган мавзеларни қуришда турли миллат вакиллари қатнашганлар, ушбу миллатларнинг номлари кейинчалик янги қурилган ҳудуд ва кўчаларга берилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Тошкентга қурилиш ишларида қатнашиш мақсадида келган мутахассис ва қурувчиларнинг катта қисми кейинчалик шаҳарда доимий яшаб қолишган. Мустабид совет ҳукумати кўрсатмаларига биноан уларга шаҳар марказидаги янги қурилган уйлар ажратиб берилган. Тошкент шаҳрининг зилзиладан талофат кўриб, ушбу жойларида уйлари вайронага айланган аҳолига эса шаҳарнинг чекка жойларидан, ҳатто, баъзида колхозларнинг ерлари ҳисобидан уй-жой қуриш учун ерлар берилган.

Тошкентни реконструкция қилиш режасига доир олиб борилган кенг кўламдаги қурилишлар туфайли унинг ҳудудида янги мавзелар шакллантирилган, бунга аҳолининг ўсиб бориши ҳам сабаб бўлган, натижада шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини ўзгартириш зарурати пайдо бўлган. Шу муносабат билан 1967–1977 йиллар оралигида Тошкентда 4 та янги *туман* (район) ташкил қилинган: Сергели, Ҳамза, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районлари.

Жумладан, Тошкентнинг жануби-ғарбий қисмида ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 20 январдаги қарорига биноан Сергели қишлоқ Совети тасарруфидаги ҳудудда шаҳарнинг янги — Сергели райони ташкил қилинган³. «Сергели» сўзи Ўрта Осиё ҳудудида яшаган туркий сирғали қабиласининг номидан келиб чиққан бўлиб, этнотопонимлар гуруҳига мансуб. Мазкур Сергели қишлоғининг номланиши бу ерда истиқомат қилган сирғали этник гуруҳига мансуб аҳоли номи билан боғлиқ.

Кейинги ўринда ташкил қилинган шаҳарнинг Ҳамза номли⁴ тумани Тошкент ҳудудида 1930 йиллардан буён мавжуд Ленин ҳамда Куйбишев туманларининг айрим ерлари, шунингдек, шаҳар атрофида тегишли бўлган бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш натижасида вужудга келган. Ушбу туман ЎзССР Олий Совети Президи-

³ Тошкент шаҳар давлат архиви. 562-жамғарма, 1-рўйхат шарҳи, 3-бет.

⁴ Тошкентнинг ҳозирги Яшнобод тумани.

диумининг 1968 йил 31 январдаги қарори ҳамда Тошкент шаҳар иж-роия қўмитасининг 1968 йил 23 февралдаги «Тошкент шаҳрининг Куйбишев ва Ленин районлари тасарруфидан чиқарилган айрим ҳудудларда янги Ҳамза райони ташкил қилиш» тўғрисидаги № 156 қарорига асосан ташкил этилган⁵. Мазкур туман шаҳарнинг шарқий қисмидаги ерларни ва қисман унинг марказий ерларини ўз ичига олган. Унда зилзиладан кейинги даврда бир неча янги аҳоли тураржойлари — массивлар қурилган, йирик саноат объектлари барпо қилинган. Район номи Ўзбекистон халқ шоири, таниқли драматург, бастакор, режиссёр, педагог, давлат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) шарафига қўйилган.

Зилзиладан кейинги ўн йилликда Тошкент ҳудудида вужудга келган навбатдаги туман шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонга кенгайтирилиши оқибатида 1970 йилда юзага келган. Аниқроғи, Тошкентда 1930 йиллардан бери мавжуд Октябрь ва Киров туманлари маълум қисмларининг улардан ажратиб чиқарилиши ҳамда Тошкент вилояти Калинин районидаги айрим қишлоқ ва колхозлар ерларининг шаҳарга қўшилиши натижасида ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1970 йил 7 декабрдаги қарори⁶га асосан янги Собир Раҳимов райони⁷ ташкил этилган.

Ушбу даврда шаҳар ҳудудида мавжуд районлар хариталарда ҳам тасвирланган. Хусусан, 1976 йилги Тошкент шаҳар карта-схемасида тўққизта шаҳар тумани ҳудудлари турли рангларда тасвирланган ва уларнинг номлари келтирилган: Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Сергели, Собир Раҳимов, Фрунзе, Чилонзор, Ҳамза районлари. Туман номлари таркибида олтига антропотопоним, битта этнотопоним, табиат билан боғлиқ ном ва тарихий воқеликни акс эттирувчи топоним мавжуд. Айтиш жоизки, бу номларнинг аксарияти мустабид совет воқелигини акс эттирувчи, шунингдек, давлат бошқаруви намояндалари исмлари билан боғлиқ. Булар Ўзбекистон, хусусан, Тошкент тарихига алоқадор бўлмаганлиги ҳолда, совет мафкурасининг сингдирилишига хизмат қилиб, жойнинг тарихий-географик, лингвистик ҳолати билан боғлиқ бўлган жиҳатлар умуман эътибордан четда қолган; Бундай жараёнлар совет даврида анъанага айланганлиги жой номларида ўз аксини топган.

⁵ Тошкент шаҳар давлат архиви. 544-жамғарма, 1-рўйхат шарҳи, 8-бет.

⁶ Тошкент шаҳар давлат архиви. 600-жамғарма, 1-рўйхат шарҳи, 3-бет.

⁷ Тошкентнинг ҳозирги Олмазор тумани.

1967–1977 йиллар оралигида Тошкентда ташкил этилган тўртинчи туман, бу Акмал Икромов номли шаҳар райони⁸. Унинг ҳудудига 1977 йилда Чилонзор ва Октябрь районларини ихчамлаштириш мақсадида уларнинг маълум ерларидан олинган жойлар кирган⁹. Район номи советлар даврининг сиёсий давлат арбоби Акмал Икромов (1898–1938) хотирасига атаб қўйилган.

Шаҳарда янги туманлар билан бир қаторда аҳолининг нисбатан зич бўлиб жойлашган масканлари, яъни тураржой массивлари (мавзе, даҳалари) сони ҳам мунтазам равишда ошиб борган. Хусусан, 1966 йил зилзиласидан шикастланган шаҳар маркази ҳамда янги ташкил қилинган туманлар ҳудудида тарихий воқеликлар таъсирида шаҳарда вужудга келган аҳолининг зич жойлашган мавзелари — массивларнинг қурилиши кенг кўламда олиб борилган¹⁰. Улар квартал, микрорайон, алоҳида жойлашган тураржой бирикмалари — «комплекс»лари (мажмуалар) кўринишида бўлган¹¹. 1966 йилдан кейин тураржой массивлари қурилиши жамоа хўжаликлари ерлари ва шахсий уйлар ўрнида жадаллаштирилган. 1960–1970 йилларда 9 қаватли, 1980 йиллардан 12, 16 қаватли тураржой бинолари, хизмат кўрсатиш объектлари қурилган, бу даврга келиб кварталлар сони кўпайган ва улар рақамлар билан ифодаланган топонимларда ҳам ўз аксини топган.

Тошкентнинг марказий қисмида Марказ массивлари жойлашган. Унга кирган мавзеларнинг номланишида «центр» («марказ») сўзини билдирувчи «Ц» («М») ҳарфи ҳамда мавзенинг тартиб рақами ифодаланган: Ц-1 (М-1), Ц-1а, Ц-1б, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Ц-6, Ц-7, Ц-13, Ц-14, Ц-17, 18, Ц-26, Ц-27. Албатта, тартибга солиш борасида рақамлар билан номлашнинг қулай томонлари бор, бироқ бундай вазиятда ушбу жойларнинг ўз тарихий номлари ва улар билан бирга тарихи ҳам аста-секин унутилиб борилади. Шунингдек, ушбу массивлар ўзбекча эмас, балки мутлақо рус тилида номланиши ҳам совет даврининг ўзига хослигини намоён этади. Чунончи, «Ц-1»нинг таржимаси ўзбек тилида «М-1», лекин марказ массивларининг бариси айнан «Ц» ҳарфи билан номланиб, «марказ» сўзи эмас, балки айнан «центр» сўзи расмий тарзда тасдиқлангани ва халқ орасида муомалага кириб келганини эътироф этиш жоиз.

⁸ Тошкентнинг ҳозирги Учтепа тумани.

⁹ Тошкент шаҳар давлат архиви. 568-жамғарма, 1-рўйхат шарҳи, 4-бет.

¹⁰ Кўрсатилган даврда мавзелар «массив»лар деб аталган. Бу ерда «массив» сўзини омма, аҳоли уюшган катта ҳудуд деб таржима қилиш мумкин.

¹¹ Ташкент. Научные труды ТашГУ. Вып. 226. Ташкент, 1964. 165-бет.

Аҳоли учун янги тураржойларни катта майдонларда қуриш ишлари мазкур даврда Тошкентнинг янги тумани саналган, 1963 йилда ташкил этилган Чилонзор ҳудудида асосан 1966 йилдан жадаллашган. Янги аҳоли мавзелари «квартал»лар деб аталган ва уларнинг номланиши дастлаб махсус шаклда бўлиб, ҳарфлар ва тартиб рақамларида берилган, масалан: Б-5, Б-6, Б-7, Б-14, Б-15, В-21, В-22, В-23, Г-9, Г-9а, Г-10, Г-11, Г-12, Д-18, Д-19, К-24, К-26 ва ҳ.к. Юқорида таъкидланганидек, мавзеларнинг ушбу тарздаги номланишида фақатгина уларнинг тартиб рақами ҳамда пайдо бўлиши кетма-кетлигини англаш мумкин ва бу маъмурий жиҳатдан туман ҳамда шаҳар бошқаруви учун нисбатан қулай усул. Бироқ, бундай топонимларда мавзе (массив) жойлашган ҳудуднинг аҳолиси, тарихи, табиий шарт-шароити, тарихий номланиши ёки бошқа бир хусусияти тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришнинг иложи йўқлиги ачинарлидир. Кейинчалик бу топонимларда фақат рақам қисми қолиб, ҳар бирига «Чилонзор» сўзи қўшиб айтилган: «Чилонзор 1-квартал», «Чилонзор 2-квартал», жами 26 та рақамланган квартал, шунингдек, «Чилонзор 9-а», «Чилонзор 20-а», «Чилонзор Ц» кварталлари бўлган. Фақатгина 1979 йилда Чилонзор туманининг шаҳар марказига туташ ҳудудида шу жойнинг тарихий номи билан аталувчи «Олмазор» массиви ташкил этилган.

Тошкентнинг шимолий қисмида янги барпо этилган Собир Раҳимов туманининг асосий ҳудудини Қорақамиш тураржой массивлари ҳамда Талабалар шаҳарчаси (ТашГУ) ташкил қилган. Бошқа шаҳар туманлари каби, мазкур туманда ҳам кўп қаватли иморатлар сони тобора ортиб, уларга аҳоли кўчиб келиши натижасида аҳоли ва тураржой майдонлари зичлиги ортган. Шу боис районни бир қанча майда маъмурий қисмларга бўлиш зарурати вужудга келган. Бу ерда «Қорақамиш 1/1», «Қорақамиш 1/2», «Қорақамиш 1/4», «Қорақамиш 2/1», 2/3, 2/4, 2/5-кварталлари, шунингдек, «Олимпия массиви» қурилган. Ушбу массивларнинг шимолий томонидаги йўналишда «Ибн Сино», «Шифокорлар шаҳарчаси» (ТашМИ) номли тураржой массивлари барпо қилинган¹².

1968 йилдан бошлаб шаҳарнинг янги ташкил топган Ҳамза районида катта қисми Чкалов номидаги завод ишчилари яшайдиган тураржойлардан таркиб топган Авиасозлар шаҳарчаси қурилиши бошланган. Маълумки, мазкур завод II Жаҳон уруши йилларида Тошкентга эвакуация қилинган саноат объектларидан бири бўлиб, у Москва об-

¹² Бўриева Х. Тошкент шаҳри жой номлари тарихидан. Тошкент: Akademiya, 2012. 82–83-бетлар.

ластидан кўчириб келтирилган. Уруш йилларида завод билан бирга ишчиларининг катта қисми оилалари билан Тошкентга кўчириб келтирилган ва улар тураржойлар билан таъминланган. Уруш тугагач, баъзи саноат объектлари шаҳарда қолган, шу жумладан Чкалов номидаги завод ҳам. Эвакуация қилинган ишчиларнинг маълум қисми Тошкент шаҳрида яшаб қолганлар. Совет ҳукумати қарорига кўра заводлар учун махсус бинолар барпо қилинган, уларда меҳнат қилаётган аҳолига эса янги уй-жойлар қурилган, барча қулайликлар яратиб берилган. Хусусан, Ҳамза районидаги Чкалов номи авиация заводи ҳам ушбу тумандаги йирик саноат объектларидан ҳисобланган ва унинг меҳнаткашлари учун туманнинг катта қисми тураржойлар қурилиши учун ажратиб берилган. Кўп қаватли уйлар зич жойлашган мазкур мавзелар «кварталлар» деб аталган. Айни вақтда кварталлар номларининг бир қисмини шахс исмлари билан ҳам номланган. Лекин бу шахсларнинг жойнинг тарихи билан боғлиқлик томони бўлмаган. «Лисунов 1», «Лисунов 2», «Лисунов 3», «Лисунов 4» кварталлари, «Слоним массиви», «Шолохов массиви» шулар жумласидандир. Туманнинг жанубида 1–2 қаватли уйлар бўлган маҳаллалардан иборат «Янгиобод массиви», 1970 йилларда шаҳарнинг шарқий қисмида 4–5, 9 қаватли уйлардан иборат «Қорасув 1», «Қорасув 2», «Қорасув 3» массивлари қурилган.

Тошкентнинг маркази ва марказидан жануби-шарқий томондаги ерлар Ленин районида тегишли бўлган¹³, зилзиладан кейинги даврда ушбу район жанубида йирик аҳоли тураржойи – Қўйлиқ мавзеси шакллланган, у бир неча қисмларга бўлинган: «Қўйлиқ 1», «Қўйлиқ 2», «Қўйлиқ 3», «Қўйлиқ 4», «Қўйлиқ 5» массивлари. Мазкур районда «Файзобод массиви» жойлашган бўлиб, у ерда, асосан, 1–2 қаватли уйлар бўлган.

Тошкент зилзиласидан кейин бевосита шакллланган Сергели райони ҳудудида рақамлар билан белгиланган, шунингдек, туман марказий қисмини билдирувчи «Ц» ҳарфи белгиси бўлган 1-Ц, 2, 3, 4, 2-Ц, 5, 6, 7, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 17 кварталлари ҳамда «Сергели 2», «Сергели 3» массивлари бунёд этилган.

Кейинги йилларда Тошкентнинг шимоли-шарқий ерларида Куйбишев районида¹⁴ «Северо-Восток II» массиви қурилиб, у I, II, III микрорайонларга бўлинган. Мазкур мавзе номи ўзбек тилида «Шимоли-Шарқий» маъносини англатади. Бироқ мустабид совет даври талаби нуқтаи назаридан ушбу топоним айнан рус тилидаги шаклида

¹³ Тошкентнинг ҳозирги Миробод тумани.

¹⁴ Тошкентнинг ҳозирги Мирзо Улуғбек номи тумани.

расман қабул қилинган ва аҳоли ўртасида ҳам шундай номланган. Район ҳудудида катта майдонни Юнусобод тумани мавзелари эгаллаб, улар А-1, А-3, А-4, Б-1, Б-2, Б-4, В-1, В-4, В-5, Д-2, Д-3 кварталлари деб аталган. Чилонзор туманидаги каби, бу ерда ҳам топонимларда ҳам ҳарф, ҳам рақамнинг учраши кварталнинг пайдо бўлиши кетма-кетлигини англатади.

Шаҳар массивлари билан боғлиқ маълумотлар мавжуд тадқиқот ва манбаларда нисбатан кам учрайди. Жумладан, 1972 йилги шаҳар карта-схемасида¹⁵ келтирилган катта массив ва уларнинг бўлинмалари сони 51 та бўлса; 1981 йилги маълумотларга кўра йирик массивлар сони 20 тадан ошиқ, уларнинг бўлинмаларини қўшганда эса массивлар сони 106 тага етган¹⁶.

Умуман олганда, 1960–1970 йилларда Тошкент шаҳри ҳудудида шаклланган массивлар билан боғлиқ топонимларни маъносига кўра маълум гуруҳларга таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Тошкент шаҳри аҳоли массивлари номлари таснифи (1966–1970 йиллар)

№	Топонимнинг маъносига кўра гуруҳи	Массивларнинг номлари (топонимларга мисоллар)
1.	Жойнинг тарихий номи билан боғлиқ ва тартиб рақамларда, ҳарфлар ва рақамларда ифодаланган номлар	Қорақамиш 2/1, Қўйлиқ 5, Сергели 2, Б-6, Г-12, Д-19, К-26, Чилонзор 1-квартал, А-1, А-3, Б-4
2.	Шаҳар ҳудудининг қисмини билдирувчи, шунингдек, тартиб рақамига эга бўлган топонимлар	Центр, Ц-1, Ц-13, Северо-Восток-2, Северный (Шимолий), Ц-17-18
3.	Жойнинг тарихий номи ёки ўзига хослиги акс этган номлар	Дархон, Файзобод, Янгиобод, Юнусобод, Дўмбробод, Қорасув, Булғор огородлари, Високовольный
4.	Ҳудудда истиқомат қилган аҳолининг асосий касб-ҳунари билан боғлиқлик, ижтимоий омиллар акс этган топонимлар	Соцгородок, Авиагородок, Вузгородок, Рисовий
5.	Антропотопонимлар ва рақамлардан иборат номлар	Лисунов 1, Шумиловский городок

¹⁵ Карта «Ташкент». Туристская схема. Москва: Главное управление геодезии и картографии при Совете Министров СССР, 1976; карта-схема Ташкента. Министерство автотранспорта УзССР. Ташкент, 1972.

¹⁶ Ташкент. Краткий путеводитель-справочник / Н.А. Дехканходжаев, А.И. Грищенко, С.Р. Рахманов, А.С. Зельцер. Ташкент: Узбекистан, 1981. 186–191-бетлар.

Таҳлил натижасидан маълум бўлишича, тадқиқ этилаётган даврда шаҳардаги мавзелар (массивлар) номларининг катта қисмини рақамлар билан ифодаланган топонимлар ташкил этиб, ушбу сонлар жойнинг номланишига ёки шаҳар қисмини билдирувчи сўзга қўшиб айтилиб, мазкур ҳудуднинг янада кичикроқ маъмурий бўлинишларга тақсимланганини англатган. Кейинги навбатда жойнинг табиий, тарихий ёки ижтимоий жиҳатларини ўзида акс эттирувчи топонимларни қайд қилиш мумкин. Бироқ, ушбу даврда шаҳар мавзе (массив)ларининг номларида ўзбек тилидаги номлар кам бўлиб, асосан, русча номланишлар учраган. Ваҳоланки, аксарият номларни ўзбек тилига таржима қилиш имкони бўлган, бироқ ҳукмрон мафкура талаблари мавжудлиги ҳамда давлат тили рус тили бўлгани сабабли, жойнинг маҳаллий тилда талаффуз қилинишига сунъий тўсиқлар яратилган.

В статье «Крупнейшие проекты колониальных архивов России» С. Горшенина рассматривает использование генерал-губернатором Туркестана фон Кауфманом таких информационных проектов, как «Туркестанский сборник», «Туркестанский альбом» и другие, как способ имперской репрезентации края и обеспечение контроля над производством знания, создавая, таким образом, представление о нем.

Касаясь же собственно поля и масштабов применения постколониальной теории, С. Горшенина, равно как и поддержавший ее впоследствии британский историк А. Моррисон, отмечает относительно позднее вовлечение ее инструментария в исследованиях истории Российского колониального владычества, в том числе и в Туркестане⁴.

Философия постколониализма на примере Туркестанского генерал-губернаторства сравнительно широко представлена в работах ряда американских исследователей — А. Халида, Д. Сахадео и некоторых других. Несмотря на критику отдельных положений вышеотмеченной теории (наиболее характерным примером может служить дискуссия между А. Халидом и Н. Найтом, опубликованная в журнале «Критика»⁵, о природе «русского» ориентализма), она, тем не менее, продолжает оставаться доминирующим направлением в репрезентации образов колониального прошлого. Центральное место в постколониальных исследованиях занимает концепция «Подчиненного человека» (*Subaltern*) — групп коренного населения, занимавших маргинальные позиции в колониальных государствах и находившихся вне

² Khalid A. Culture and Power in Colonial Turkestan. Cahiers d'Asie Centrale 17.18.2009. Paris. P. 416.

³ Горшенина С. Утопичность тотальной Туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана. Ab Imperio. № 3 (2007). С. 1–64; Извечна ли маргинальность русского колониального Туркестана, или войдет ли постсоветская Средняя Азия в область пост-исследований. Ab Imperio. № 2 (2007). С. 209–58.

⁴ Morrison A.S. The Pleasures and Pitfalls of Colonial Comparisons. Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History. Bloomington 13, 4 (Fall 2012) P. 924.

⁵ Khalid A. Russian history and the debate over orientalism // Kritika. N.S. Bloomington. 2000. Vol. 1. № 4. P. 691–699.; Knight N. On Russian orientalism: A response to Adeeb Khalid // Kritika. N.S. Bloomington. 2000. Vol. 1. № 4. P. 701–715.

основного имперского дискурса. Предшествующие имперские подходы к объяснению и пониманию колонизируемого сообщества представляли оценки «нецивилизованных», «варварских» и абсолютно пассивных масс народа и выражали негативное восприятие традиционной жизни автохтонного населения.

Между тем, как отмечает А. Моррисон: «... ни одно колониальное государство не было столь могущественным практически или идеологически, чтобы осуществлять полный контроль, часто предполагаемый постколониализмом, ни одно колонизируемое население не было пассивным и доверчивым настолько, чтобы это сообщество, менталитет и вера легко манипулировались⁶».

Свойственное европейской колониальной стилистике отображение различия между «Мы» и «Они» и создания образа «Другого» (Востока) в значении отсутствия «цивилизованности», «рациональности», «власти закона» не подразумевало восприятия истории с точки зрения самих колонизируемых. Поэтому, для того чтобы быть «услышанными», подчиненные группы населения должны были следовать европейским стандартам понимания, и аргументации. Таким образом, подобные подходы не давали настоящего «голоса» (мнения) колонизируемым группам.

Известные теоретики «постколониальной» теории — Гаятри Чакраворти Спивак и Белл Хукс⁷ — отмечали, что для реальной передачи «истинного» голоса «угнетенного» ученые должны отойти от посреднической позиции между колонизаторами и угнетенными, избегая доминирования автора над объектом своего исследования. Так, например, американский исследователь Гаятри Чакраворти Спивак, известный своей работой «*Can the Subaltern Speak?*», превосходно демонстрирует, каким образом «голос» простой индийской женщины периода Британской Индии может быть отражен в колониальных архивах и то, каким образом предшествующие (допостколониальные) исследовательские концепции и подходы оставляли без внимания этот голос, практически оставляя обширные группы общества неслышанными.

⁶ Morrison A. Указ. сочинение. С. 923.

⁷ Spivak Gayatri Chakravort. Can the Subaltern Speak? in Cary Nelson and Larry Grossberg, eds. *Marxism and the interpretation of Culture*. Chicago: University of Illinois Press, 1988. P. 271–313; Hooks, Bell. Marginality as a Site of Resistance, in R. Ferguson et al. (eds), *Out There: Marginalization and Contemporary Cultures*. Cambridge, MA: MIT, 1990.

Рассмотрим еще ряд примеров применения постколониалистской логики в зарубежных исследованиях по колониальному прошлому Центральной Азии.

В монографии британского историка А. Моррисона «*Russian Rule in Samarkand 1868–1910. A Comparison with British India*», помимо характеристики неэффективности административной системы Туркестанского генерал-губернаторства, автором достаточно последовательно охарактеризованы некоторые оценочные модели восприятия официальными лицами поведенческих мотивов коренного населения⁸. В частности, А. Моррисон выделяет феномен «фанатизма» в риторике колониальных функционеров при отражении отношения к разного рода действиям со стороны местного населения. Так, в отчете Областного губернатора, говорится о сложном положении, в котором оказался джизакский преподаватель русско-туземной школы некий Мулла Нур Мухаммад. Вследствие назначения в указанную местность нового муллы, поощрявшего враждебное отношение населения к русско-туземной школе, резко упала и посещаемость⁹. По мнению британского исследователя, этот случай вполне мог быть и вымыслом (или же попросту носить характер обычного бытового конфликта в среде местного населения), однако в контексте оценочных определений в рапортах колониальной администрации он обретал экстремальное значение и наделял местное население некими устойчивыми предрасудками. Подобные примеры (донесений и отчетов), содержащие подозрение и тревогу чиновников относительно мотивации и поступков местного населения (в данном случае относительно распространения «мусульманской пропаганды» в мактабах и других учебных заведениях), по мнению А. Моррисона, зачастую носили параноидальный характер¹⁰.

В монографии другого известного американского исследователя Джефа Сахоео «*Russian Colonial Society in Tashkent 1865–1923*» также приводятся некоторые модели репрезентации колониального Ташкента. Автор, в частности, прослеживает характер саморепрезентации колониальных структур и навязывания подобного образа местному населению. В качестве примера Сахоео освещает установленную практи-

⁸ Morrison A. S. *Russian Rule in Samarkand 1868–1910. A Comparison with British India*. Oxford University Press 2008. P. 66–73.

⁹ Там же. С. 70.

¹⁰ Там же. С. 73.

ку особого приветствия генерал-губернаторов в центре города перед строем войск и делегаций местного населения, а также различного рода парады и процессии (в честь взятия Ташкента или погребения генерала фон Кауфмана). Автор, в частности, приводит известное описание Н.П. Остроумова: *«Процессия должна произвести сильное впечатление на местных Туземные части городов собирали большие группы населения всех возрастов; женщины и дети наблюдали за парадом с крыш своих домов. Особенно для местных женщин это был шанс увидеть подобную массу русских мужчин и женщин разных возрастов и социальных категорий. Все местное население с удивлением смотрело на эту процессию, для которого у них не было своего эквивалента»*¹¹. По мнению Сахадео, посредством подобных мероприятий, помимо прочего, власти демонстрировали коренному населению и пытались привить представление о превосходстве и силе империи. С другой стороны, исследователь считает, что позиции и голос некоторых групп местного населения отнюдь не были пассивными, имея в виду участие некоторых ташкентских джадидов в дебатах городской Думы в 1905 г., в частности, критикуя колониальные порядки через печатные издания «Таракки», «Хуршид», «Туджор» и другие, в которых они возмущались отсутствием освещения улиц и больниц в старгородской части Ташкента и т. д.

Критикуя уровень жизни населения, джадиды пользовались словарем и понятийными категориями, что и представители туркестанских властных структур, но в другой тональности. Об этом пишет американский историк А. Халид. В своей работе *«Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse»*¹² на основе анализа отдельных литературных произведений джадидов, характеризуя оценочную канву их критики некоторых устоев традиционного мусульманского общества, он приводит высказывания прогрессистов, высмеивавших в «модернистском» ключе некоторые бытующие в регионе практики. Так, например, Халид обращается к «Рассказам индийского путешественника» Абдурауфа Фитрата, в которых живо описывается история болезни индийского путешественника в бытность его в Бухаре, обращение

¹¹ S a h a d e o J e f f. Russian Colonial Society in Tashkent 1865–1923. Indiana University Press, Bloomington. 2007. P. 52.

¹² K h a l i d A d e e b. Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse // (Russia's Orient: Imperial Borderlands and Peoples, 1700–1917). Indiana: Indiana University Press, 1997. P. 188–202.

его к местному практику традиционной медицины, который не сумел объяснить природу болезни индийского гостя и вынудил последнего отказаться от услуг этого врача. Далее критика в духе «ориенталистских» оценок звучит так: *«Разочаровавшись еще раз, он, в конце концов, настоял на том, чтобы его лечил русский врач, поведавший также о состоянии медицины в Бухаре, и далее речь о неблагоприятной ситуации в регионе»*¹³.

Между тем, как подчеркивает А. Халид: *«Было бы неоправданным ожидать откровенный антиориентализм (в смысле откровенной критики империализма и эпистемологических структур, их производящих) в трудах местных интеллектуалов. Скорее, полезно было бы сфокусироваться на манере, в которой колониальные интеллектуалы адаптировали доминантные дискурсы метрополии для своих собственных целей»*¹⁴.

Таким образом, несмотря на то, что использование принципов (и философии) постколониальной теории представлено преимущественно в работах западных историков и социологов, где анализ российской колониальной системы занимает незначительное место, постколониализм, тем не менее, следует рассматривать в качестве перспективного подхода в понимании колониальной истории и евроцентристских оценок «не западного мира».

Подходы в дискурсе об империях предлагают некий консенсус: *«Мир империй не был однозначно разделен на колонизаторов и колонизуемых: в некоторых обстоятельствах народы видели определенные преимущества во вхождении, пусть в роли субалтерной группы, в большое и мощное политическое объединение. Предприниматели, желавшие расширить возможности для добывания богатства, люди, стремившиеся использовать внешнюю силу для борьбы с местными тиранами, да и сами агенты имперской власти — все использовали возможности, создаваемые империями»*¹⁵. Аналогичны соображения А. Халида относительно восприятия некоторой категории населения русско-туземных школ в вышеуказанном русле¹⁶. Другими словами, содержание коло-

¹³ Khalid Adee b. Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse // (Russia's Orient: Imperial Borderlands and Peoples, 1700–1917). Indiana: Indiana University Press, 1997. P. 190–191.

¹⁴ Там же. С. 200.

¹⁵ Джейн Бурбанк, Фредерик Купер. Траектории империи // Мифы и заблуждения в изучении империи и национализма М.: Новое издательство, 2010. С. 337.

¹⁶ Adeeb Khalid. Culture and Power in Colonial Turkestan. // Cahiers d'Asie Centrale 17.18.2009. Paris. P. 426.

ниальной жизни не обязательно всегда предполагало однозначно негативное восприятие ее подчиненным населением. С другой стороны, мы видим предельно критичный нарратив постколониализма, где империи оставались «самими собой», с их особым восприятием населения, самопозиционированием и т. д. Репрезентация подчиненного в исследованиях показывает разные вариации проблемы, причем сделаны они с акцентированием на потребности и желания самого субъекта. По этому поводу примечательны исследования двух американских специалистов по истории Центральной Азии — М. Кэмп и Д. Нортропа, затрагивающих в основном советский период, рассматривая его как продолжение колониального. Дуглас Нортроп считает, что в Subaltern studies (исследования о подчиненном человеке) центральной темой должна быть проблема сопротивления части населения политике советской власти, по эмансипации женщин называвшейся «Худжум». Так, анализируя сопротивление духовенства, советским социально-культурным компаниям, он отмечает, что метод слухов и угроз играл свою роль. Д. Нортроп пишет: *«От женщин, путешествовавших в повозке вблизи Афганской границы, например, можно было услышать саркастические песни о падении Советской власти: «В магазинах нет ничего, а Советская власть бессильна, поэтому я не собираюсь снимать паранджу»¹⁷. «Один имам утверждал, что Советская власть перевернула все вверх дном: она не признает веры, а только разрушает. Теперь настает конец света, люди прекращают молиться, не посещают мечетей. Сейчас они снимают покрывала с женщин, а если женщины делают это сами, тогда они все станут кафирами; мусульмане не должны терпеть это. Бог открыл землю, и все эти люди пользуются ею для себя. Сейчас правительство чувствует свою силу, но это не продлится долго, в наших (священных) книгах Бог заветал нам, что этому (режиму) придет конец»¹⁸». Следует отметить, что Д. Нортропом эти сведения были извлечены из донесений агентов ОГПУ. Нет сомнения, что такая позиция имела место среди населения. Особенно, это касается его мужской части. Однако и поддерживающих «Худжум» было немало.*

Марианна Кэмп пишет, что среди населения муссировалось мнение о женщине, снявшей паранджу, как нравственно падшей: *«Ассо-*

¹⁷ Douglas Northrop. Veiled Empire. Gender & Power in Stalinist Central Asia. Cornell University Press. London, 2004. P. 176.

¹⁸ Там же. С. 204.

циация между снятием паранджи и проституцией была усилена слухами, так что любая непокрытая узбечка, независимо от своего характера, рисковала прослыть проституткой на улице, и ложные слухи о ее деятельности могли быть быстро распространены через соседей¹⁹.

Прослеживая историю униженных женщин Центральной Азии как наиболее уязвимой группы, Кэмп подчеркивает позитивное отношение самих женщин к изменениям их статуса, предложенного Советской властью, утверждая, что они не были пассивными субъектами. Жалобы в письме (к редактору газеты Алем-и Нисван) жительницы Коканда Таджи служат таким примером: *«В то время как другие демонстрируют большие усилия, мы, Сартянки, к сожалению, находимся в глубоком сне, не осознавая этого. Если бы только несколько строк на страницах какой-либо газеты поведали бы о безразличии и несправии сартянок в сравнении с крымскими и казанскими женщинами. Если о нашем деградирующем состоянии напишут или покажут, то в будущем мы были бы рады реформам, как и все остальные, и с большей надеждой уповали на обладание равными правами»*. Обращаясь к редактору, она продолжает: *«Мы слышали, что образование очень ценно в вашей работе. Мы не можем похвастать соответствующими усилиями и действиями. Мы должны заметить, что едва ли одна из ста сартянских женщин умеет читать и писать, остальные девяносто девять не знают ничего кроме того, как нужно выглядеть, гуляя в парандже»*²⁰.

Однако, в отличие от Д. Нортропа, М. Кэмп не считает местное мужское население жертвой «русского колониализма». Сопротивление (колониальным) властям и «мужское сопротивление» было не только формой сопротивления против расового и классового угнетения, но также средством притеснения женщин. И далее: *«Те узбеки, что выбрали убийство женщин за снятие паранджи, не были жертвами Российского колониализма; они были действующей силой, оппозицией Советскому государству и идеям узбекских реформаторов (которых уполномочили Советы)»*²¹.

Марианой Кэмп «угнетаемый человек» рассматривается вне зависимости, кем осуществляется насилие: *«Жестокость широко рас-*

¹⁹ Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling Under Communism. University of Washington Press. Seattle & London, 2006, P. 170.

²⁰ Там же. С. 36–37.

²¹ Там же. С. 13.

пространенных убийств и насилий, как ответ на снятие паранджи осуществленных узбеками против узбеков, почти никогда не затрагивающие русских, предлагает мне совсем другую интерпретацию. Феминизм в форме убийств узбекских женщин, опрометчиво снявших паранджу, послужил для других серьезным уроком: лучше принять паранджу и жить в изоляции и даже выступать в поддержку ношения паранджи, чем рисковать собственной жизнью за перспективу «освобождения»²².

Таким образом, использование принципов (и философии) постколониализма на примере Центральной Азии, показанных в ряде англоязычных работ, позволяет увидеть механизм презентации «другого» в ориенталистских терминах и стереотипах, а также восприятие российских социальных программ с точки зрения «подчиненных» (как реакция и последствие). Однако в то же время некоторые предостережения, например А. Моррисона²³ об осторожном использовании этого подхода, также очень уместны. Подходы Д. Нортропа и М. Кэмп очень продуктивны, так как они демонстрируют разные векторы восприятия населением окружающего мира, своего положения и т. д. И если для Д. Нортропа основа субальтерного компонента — это в основном мнение оппозиционно настроенного мужского населения как пример восприятия угнетенными имперских социальных экспериментов, то второй исследователь рассказывает об особенностях судеб женщин как наиболее угнетаемой группы населения находившейся меж двух огней — колониальных политических программ и оппозицией населения. Хотя в более широком контексте не показан голос сторонниц прежнего уклада, сосредотачивая внимание на религиозных, социальных ограничениях туркестанского общества, в том числе во взглядах реформаторов²⁴ (критичные замечания автора о некоторых рассуждениях М. Бехбуди и А. Фитрата относительно образования женщин). Как нам кажется, М. Кэмп не совсем права, критикуя вышеназванных национальных реформаторов за их отношение к женскому образованию с точки зрения мужского эгоизма, поскольку для того времени их взгляды на образование (и то, каким оно

²² Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling Under Communism. University of Washington Press. Seattle & London, 2006, P. 202.

²³ Morrison A.S. The Pleasures and Pitfalls of Colonial Comparisons. Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History. Bloomington 13, 4 (Fall 2012) P. 922–23.

²⁴ Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling Under Communism. University of Washington Press. Seattle & London, 2006, P. 24.

должно быть) итак были настоящим вызовом. На самом деле они рассматривали этот вопрос в тесной связи с реформированием семьи, воспитанием молодого поколения, понимая, что многое зависит от образования женщин. Так или иначе, постколониальная философия исследований являет современную перспективу анализа определенных ракурсов колониальной истории как «доминантной парадигмы» в англоязычной литературе, представляя продуктивный подход и для отечественной историографии.

А. ТУРСУНМЕТОВ

«ПОСТКОЛОНИАЛИЗМ» В СТИЛИСТИКЕ СОВРЕМЕННЫХ АНГЛО-АМЕРИКАНСКИХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

В статье на примере работ некоторых англоязычных исследователей (А. Халида, А. Морисона, Д. Сахадео и др.) освещается использование ключевых принципов постколониализма в колониальный период Центральной Азии, в частности, «ориенталистский вид» восприятия населения края официальными лицами, концепция подчиненного (Subaltern) и др.

Ключевые слова: постколониализм, подчиненный (subaltern), ориентализм, колония, официальные лица, Худжум, коренное население.

А. ТУРСУНМЕТОВ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗ-АМЕРИКА ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ СТИЛИСТИКАСИДА «ПОСТКОЛОНИАЛИЗМ»

Мақолада А. Халид, А. Морисон, Д. Сахадео ва бошқа инглиз-америка тадқиқотчиларининг асарларидаги постколониализмга йўл очиб берадиган қарашлар ёритилади, шунингдек, Марказий Осиёнинг мустамлакачилик даври танқид йўналишининг ҳолати тўғрисидаги тушунчалар ифодаланади. Хусусан, аҳолини расмий шахслар томонидан тобе этишнинг «шарқона кўриниши», бўйсунувчи концепцияси (subaltern) ва бошқа масалалар таҳлил этилади.

А. ТУРСУНМЕТОВ

«POSTCOLONIALISM» OF CENTRAL ASIA IN THE STYLISTICS OF MODERN ANGLO-AMERICAN RESEARCHERS

The article illuminates the views which open a way to postcolonialism in the works of such Anglo-American researchers as A. Khalid, A. Morrison, J. Sahadeo, etc. as well as the notions about critical tendency of Central Asian colonial period. Particularly, the article analyses the «oriental alternative» of subduing the inhabitants by officials, subaltern concept and other issues.

ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

А. АШИРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДАГИ
ДАВРИЙЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Инсон турмуши ижтимоий-иқтисодий тузум билан шартланган ҳолда доимо миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга учрашига қарамай унинг ҳаётидаги бурилиш нуқталари (масалан, туғилиш, балоғатга етиш, меҳнат фаолиятининг бошланиши, никоҳ, ўлим ва ҳ.к.) барқарорлигини сақлаб қолади ва инсон ўз ҳаётининг ана шундай бурилиш нуқталарини маълум бир ижтимоий акт-маросим орқали қонуний тусга киритади¹. Фанда қабул қилинган ўзига хос мезонларга кўра инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар *оилавий маросимлар* деб юритилади.

Оила ва оилавий маросимлар этносга хос маданий ва маиший анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади. Инсонларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ анъаналар ижтимоий-сиёсий анъаналарга қараганда бирмунча мутаассиброқдир. *Туғилиш, никоҳ ва ўлим* — бу наинки тафаккурга йўналтирилган, балки ҳиссиёт ва руҳ билан боғлиқ муҳим босқичлардир. Қолаверса, мазкур жараёнларда этносга хос хусусиятлар, миллий менталитет асослари бирмунча ёрқин намоён бўлиши боис бу туркумга кирувчи маросим ва урф-одатлар этник дунёқараш асосларини тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Тадқиқотчилар томонидан оилавий маросимларни кенг тарихий-этнографик йўналишда таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур маросимлардаги айрим кўринишларгина ўхшаш бўлмасдан², балки ушбу туркумга кирувчи кўплаб маросимларнинг аксарияти моҳиятан

¹ Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент, 1988. 153-бет.

² Оилавий маросимлардаги ўхшашликлар борасида айрим муаллифлар таъкидлаб ўтганлар. Бу борада батафсилроқ қаранг: Ч в ы р Л.А. Опыт анализа одного современного обряда в свете древневосточных представлений // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. Москва, 1983. *Ўша муаллиф*. Три «чилля» у таджиков // Этнография Таджикистана. Душанбе, 1985. 69–77-бетлар; Г у б а е в а С.С. Путь в зазеркалье (Похоронно-поминальный ритуал в обрядах жизненного цикла) // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. 4. Москва, 2001. 164–175-бетлар.

ягона бир мақсад, яъни ҳаётнинг турли босқичларидан инсонларни муваффақиятли ўтиб олишига ёрдамлашиш ва ўз навбатида ердаги ҳаётнинг давомийлигини таъминлашга қаратилган³.

Маълумки энг қадимги даврлардан одамлар ўзлари яшаётган жамиятни доиравий кўринишда тасаввур қилишган. Натижада табиатда барча нарса-ҳодисалар сингари одамлар ҳам туғилади, зурриёт қолдиради, кейин эса яна қайта туғилиш учун бу дунёни тарк этади деган тасаввурлар пайдо бўлган⁴. Бу бевосита инсон ҳаётининг доиравий цикл тарзида давом этишини англатган. Дарҳақиқат, узоқ ўтмишдаги аждодларимиз оилада чақалоқ туғилишини «йўқлик»дан борлиққа келиш деб билган бўлса, ўлимни «йўқлик»ка кетиш деб тушунганлар. Демак, ибтидо ва интиҳо бир нуқтада икки томонга йўналган ҳолда кесишган⁵.

Оилавий-турмуш маросимлари туркумига кирувчи бола туғилиши ва мотам маросимларида кўплаб ўзига хосликлар бўлиши билан бирга айрим ўхшаш жиҳатлар ва вазиятлар ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг кўплари инициация* тарзидаги маросимларда акс этган. Инициацион маросимлар моҳиятида инсоннинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш жараёнини шунчаки қайд этиш билангина чекланмасдан, балки ушбу жараёнга имкон даражасида ёрдамлашиш, уни енгиллаштириш ғояси мужассамлашган.

Оилавий маросимлардаги дастлабки инициацион цикл бу — *пок-ланиш (ювиниш)дир*. Ўзбеклар анъанавий оилавий маросимларининг этнографик таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур туркумга кирувчи

³ Губаева С.С. Путь в зазеркалье (Похоронно-поминальный ритуал в обрядах жизненного цикла) //Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. 4. Москва, 2001. 164-бет.

⁴ Инсон ҳаётининг доиравий айланиши ҳақида батафсилроқ қаранг: Андреев М.С. Таджики долине Хуф (Верховье Аму-Дарьи). Сталинабад, 1953. Вып 1. 204-бет; A. van Genner. The rites of passage. Chikago, 1960; Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (оссуарии). Москва, 1971. 31-бет; Фрейденберг О.Ф. Миф и литература древности. Москва, 1978. 30–34, 77–78-бетлар; Саримсоқов Б. Маросим фольклори ... 220-бет.

⁵ Саримсоқов Б. Маросим фольклори... 220-бет.

* Инициация латинча *initiatio* — сирли, махфий бажариш деган сўздан олинган бўлиб, ибтидоий жамиятда ўсмирларни эркаклар ва аёллар сафига ўтказиш билан боғлиқ маросим ҳисобланган. Инициацион маросимларнинг айрим кўринишлари кейинчалик ўзининг асл моҳиятини йўқотган ҳолда кичик ёшдаги болаларда ҳам бажарилган. Инициация кўринишлари излари ислом ва иудаизмда хатна қилиш, христианликда — чўқинтириш ва шунга ўхшаш кўплаб маросимларда сақланиб қолган. Қаранг: Арнольд ван Геннеп. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. Москва, 1999. 64-бет.

бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимларда она билан болани, никоҳ тўйи тантаналарида бўлғуси келинни, мотам маросимларида эса марҳумни маросимий ювинтириш одати мавжуд бўлиб, ушбу одатлар замирида ўзига хос занжирли тарздаги фалсафий боғлиқликни кузатиш мумкин. Мазкур уч вазиятда ҳам кўзланган асосий мақсад нафақат маросим сабабчисини ювиб поклаш, балки уни бир ёш босқичидан иккинчисига ўтишга кўмаклашиш ғояси мужассамлашганини кўришимиз мумкин. Жумладан, янги туғилган чақалоқни маросимий чўмилтириш унинг «табиат» олаmidан инсонлар дунёсига, бўлғуси келиннинг «қизлик» олаmidан «аёллар» сафига киришини, марҳумнинг эса инсонлар дунёсидан «табиат» дунёсига ўтиш жараёнини рамзий англатган бўлса керак⁶. Марказий Осиёнинг бошқа қатор халқлари сингари ўзбекларда ҳам мурдашўй-ғассоллар томонидан марҳумни ювиш вақтида (баъзан ювишдан кейин) у ётган уйдан ташқаридаги бошқа хонада марҳумнинг гуноҳларини сотиб олиш (давра, таҳлил тоши, фидя) маросими ўтказилади⁷. Биз мазкур маросимнинг асл моҳиятига диққатимизни қаратадиган бўлсак, бу жараёнда марҳумнинг жисми билан бирга унинг руҳи ҳам покланади деган тушунча мавжуд⁸.

Марҳумни ювиш жараёни чақалоқ ва бўлғуси келинни маросимий чўмилишидан маълум жиҳатлари билан фарқланган бўлиб, майитни ювишдаги амаллар тескарисига, инсон тириклигида бажариладиган амалларга қарама-қарши тарзда (чап томондан) ва тоқ марта (3–5 маротаба) бажарилади⁹. Жумладан, марҳум танасини чап томондан бошлаб ювиш, ювишда чап қўл билан сув қуйиш, тобут остига солинадиган кўрпача ва ёстикларни тескари қўйиш, мотам маросимларида қўйиладиган нарсаларнинг тоқ бўлиши каби амалларни мисол та-

⁶ Айнан шунга ўхшаш фикр этнограф олима С.С. Губаева томонидан ҳам билдирилган. Қаранг: Губаева С.С. Путь в зазеркалье ... 165-бет.

⁷ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент, 1996. 60–61-бетлар; Троицкая А.Л. Некоторые старинные обычаи, обряды и поверья таджиков долины верхнего Зерафшана // Занятия и быт народов Средней Азии. Ленинград, 1971. 239-бет; Баялиева Т. Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Фрунзе, 1972. 78-бет.

⁸ Тадқиқотчилар фикрича, марҳумнинг гуноҳларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлган мазкур маросим гарчи исломий тарзда амалга оширилса-да, лекин унинг асл моҳиятида майитдаги касаллик, зиён-заҳмат ва шунга ўхшаш нарсаларни буюмга ёки ҳайвонга ўтказиш билан боғлиқ исломгача бўлган тасаввурлар мужассамлашган. Бу тўғрисида қаранг: Губаева С.С. Путь в зазеркалье ... 165-бет.

⁹ Дала ёзуви. Наманган вилояти Чуст тумани, Какликўрғон қишлоғи. 2010 йил.

риқасида келтириш мумкин. Мотамдаги амалларнинг тескарисига бажарилиши гўёки марҳумни орқага, яъни ўзи келган бошқа оламга кузатилаётганлигини рамзий англатган. Марҳумнинг бошқа оламга ўтиши мотам маросими билан боғлиқ айрим иборалар этимологиясида ҳам акс этган. Жумладан, Фарғона водийси ўзбекларида вафот қилган одамга нисбатан «вафот қилди», «рахматли бўлди», «қазо қилди», «бандалик қилди» иборалари билан бирга «*қайтиш қилди*» ҳам дейилади¹⁰. Бу ҳам бевосита унинг тириклар олаmidан бошқа бир оламга ўтганлигига рамзий ишора бўлса керак. Бу борада яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбеклар орасида янги туғилган чақалоқларга вафот қилган боболари-момолари исmlарининг қўйилишига ҳам инсон ҳаётининг доиравий тасаввур қилиниши сабаб бўлган.

Оилавий маросимлар жараёнидаги инициацион тартибларга чилла сақлаш удуми ҳам кирган. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланади. Одатда фарзанд туғилгандан, келин-куёв турмуши (никоҳ)дан, марҳумнинг вафотидан кейинги 40 кунлик даврига нисбатан чилла атамаси қўлланилади ва бу даврда маълум тартиб-қоидалар, магик расм-русумлар, чеклашлар ва табуларга амал қилинади¹¹. Биз учун бу ўринда инсон ҳаётининг уч даври билан боғлиқ тарзда чилла даври урф-одатларидаги ўхшашликлар муҳим аҳамиятга эга. Аввало шуни айтиш керакки ҳар уч даврдаги чиллада ҳам асосий мақсад чиллали одамни ва ушбу уйни ёвуз кучлар, ёмон кўзлар ҳамда турли инс-жинслар таъқибидан ҳимоя қилиш бўлган. Анъанага кўра ҳар уч чилла даврида (бола туғилганда, никоҳ тўйи ва мотам — А.А.) ҳам чиллали хонадонда қирқ кун мобайнида ушбу уй чироғи ўчирилмайди ва чиллали одам ёлғиз қолдирилмайди¹². Шунингдек, ҳар уч чилланинг ҳам айнан бир хил кунлари (кўпинча учинчи, еттинчи, йигирманчи, қирқинчи)га кўпроқ эътибор берилган ва бу даврда чиллали уйга исирик тутатиб туриш доимий шартлардан бири ҳисобланган. Қолаверса, айнан чилла даврида маросимий чўмилтириш ва кийим кийдириш каби урф-одатлар бажарилиши ҳам мазкур жараёни инициацион характерга эга бўлган дейишимизга асос бўлади.

¹⁰ Дала ёзуви. Наманган вилояти Косонсой тумани, Қоронқўл қишлоғи. 2088 йил.

¹¹ Чилла ва у билан боғлиқ расм-русум ва урф-одатлар тўғрисида батафсилроқ қаранг: Бўриев О. Чилла нима? // Саодат. 1993. № 12. 24–25-бетлар.; Чвыр Л.А. Три «чилля» у таджиков // Этнография Таджикистана. Душанбе, 1985. 69–77-бетлар.

¹² Дала ёзуви. Фарғона вилояти Фарғона тумани, Каптархона қишлоғи. 2008 йил.

Оилавий маросимлардаги инициацион кўринишлардан бири маросим сабабчисига *кийим кийдириш маросимидир*. Маълумки ҳар уч босқич билан боғлиқ маросимларда инициация бўлаётган шахсларга оқ рангдаги янги либос кийдирилади. Ўзбекларда чақалоқ 3—5—7 кунлик бўлганда унга илк марта кўйлак, яъни «чилла кўйлак» кийдириш одати мавжуд. Ушбу кўйлак Фарғона водийсида «чилла кўйлак», Тошкент, Самарқанд, Бухорода «ит кўйлак» деб аталган¹³. Биз учун бу ерда муҳими чақалоқнинг чилла кўйлагини «ит кўйлак» деб номланишидир. Ушбу кўйлакнинг «ит кўйлак» деб номланиши борасида турли қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар чақалоққа чилла даври зарар етказиши мумкин бўлган барча зиён-заҳматларни кўйлак орқали итга ўтказишга қаратилган магик ният ушбу кўйлакни «ит кўйлак» дейилишига сабаб бўлган¹⁴ дейишса, бошқа муаллифлар «чақалоқ туғилганига қирқ кун бўлгандагина унинг танасига инсоний руҳ киради. Қирқ кун мобайнида у «ҳайвонот олами»га тегишли дейилганлиги боис ҳам ушбу кўйлакни «ит кўйлак» дейилган¹⁵, деб таъкидлайдилар. Биз бу фикрларни рад этмаган ҳолда шуни таъкидлаймизки, қирқ кунлик — чилла даври тугагандан сўнг болага худди катталарникига ўхшаш кўйлак кийдирилиши ҳам унинг одамлар оламига ўтишини рамзий англатган.

Никоҳ маросимида ҳам келин махсус тикилган оқ рангдаги келинлик либосини кийган. Халқимизда оқ ранг поклик, покизалик рамзи ҳисобланиши билан бирга рамзий маънода бўлғуси келинни қизлик оламидан «аёллар» дунёсига ўтаётганлигини англатган¹⁶.

Сурхондарёда никоҳ тўйининг иккинчи куни келинга махсус аёллик кийимини кийдириш маросими ўтказилган. Мазкур маросим-

¹³ Исмоилов Ҳ. Аънавий ўзбек кийимлари (XIX аср охири — XX аср боши) Тошкент, 1979. 40—41-бетлар. Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ҳудудларида яшовчи қипчоқларда «чилла кўйлак»ни «ит кўйлак» деб ҳам аташган.

¹⁴ Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. Ленинград, 1959. 50-бет; Есбергенов Х., Атамуротов Т. Традиции и их преобразования в городском быту каракалпаков. Нукус, 1973. 149-бет.

¹⁵ Губаева С.С. Путь в зеркалье... С. 166.: Чвырь Л.Я. Опыт анализа одного современного обряда.. 132—133-бетлар; Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов. Алма-Ата, 1991. 75-бет.

¹⁶ Оқ рангнинг маросимлардаги рамзий маъноси ҳақида батафсилроқ қаранг: Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. Москва, 1978. 171-бет; Аширов А. Аънавий дунёқарашда ранглар рамзи // Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. Наманган, 2003. 14—17-бетлар.

да келинга халқ орасида «кампир ёқа»ли қўйлак деб аталган узун тик ёқали қўйлак кийдирилиб, сочи иккита қилиб ўрилган. Одатга кўра, келинлар оилада биринчи фарзанд туғилгунга қадар келинлик кийимларини кийишган.

Марказий Осиё халқларида бўлгани сингари ўзбекларда ҳам марҳумга махсус либос-кафан кийдирилиб дорилфанодан дорилбақога кузатилади. Кафан, асосан, оқ бўз матодан тайёрланади. Кафан ўралаётганда аввал чап, сўнг ўнг томонидан бошлаб ўралади, ўнг томон устида бўлишига алоҳида эътибор қилинади¹⁷. Демак биз ушбу фикр-мулоҳазалардан шунга амин бўламизки, инсон ҳаётининг муҳим уч босқичида ҳам махсус либос кийдирилган бўлиб, бу либослар доимо оқ рангда бўлган ва уларнинг пастки қисми умуман қайтарилмаган¹⁸. Ўз навбатида мазкур деталлар ҳам маълум маънода инсонни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтаётганини рамзий ифодалаган.

Оила маросимларидаги инициацион кўринишлардан яна бир маросим объекти бўлган шахс *соchi ҳолати (турмаги)нинг ўзгариши* ҳисобланади. Ўзбекларда чақалоқнинг дастлабки қорин сочини олиш оилада катта байрамга айланган. Сочда одамнинг жони, куч-қудрати, магик қуввати мужассамлашган бўлади деб ўйлаган аجدодларимиз боланинг қорин сочларини олишдан чўчиб, пири-бадавлат, кўп фарзандли, кекса ёшли онахонларга олдирганлар ва асраб-авайлаб мевали дарахтнинг тагига қўмганлар¹⁹. Биз бунда инсон сочи билан жон тушунчасининг боғланганлигини, чақалоқ қорин сочининг маросимий тарзда олиниши уни бир оламдан иккинчи оламга ўтганлигини рамзий англатганини кўришимиз мумкин.

Никоҳ тўйи тантаналаридан олдин бўлғуси келин-куёв сочларининг ҳолатига алоҳида эътибор берганлар. Қизлар тўй куни сочларини иккита қилиб ўришган бўлса, йигитлар сочларини нафақат қисқартирганлар, балки айрим ҳудудларда буткул олиб ташлаганлар²⁰. Сочнинг икки ўрим қилиб ўрилиши қиз боланинг аёлликка ўтиши ҳамда жуфтлик белгиси ҳисобланган. Қолаверса ўзбекларда икки ёш бир-бирига

¹⁷ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари ... 64-бет.

¹⁸ Дала ёзуви. Наманган вилояти Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2008 йил.

¹⁹ Дала ёзуви. Наманган вилояти Косонсой тумани, Қизилмуш қишлоғи. 2009 йил. Боланинг дастлабки қорин сочини маросимий олиш ва у билан боғлиқ маросимлар борасида қаранг: Жўраев М. Соч магияси ва у билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. Тошкент, 2004. 190–191-бетлар.

²⁰ Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов... 27-бет; Губаева С.С. Путь в зазеркалье ... 166-бет.

ҳар доим яқин бўлиб юрсин деган рамзий маънода икки ўрим сочни жамалак иплар билан бир-бирига боғлаб қўйиш одати ҳам бўлган²¹.

Фарғона водийси ўзбекларида марҳума аёлларни ювишдан олдин марҳуманинг ўрилган сочлари ёйиб қўйилган²². Дунёдаги кўплаб халқларда ўрилган сочлар одамлар оламига, ёйилган сочлар эса соч эгасини бошқа оламга тегишлилигидан дарак берган²³. Қолаверса водийнинг баъзи бир жойларида аёллар дафн маросимларида кўкракларига уриб, бошларини очиб (айниқса, эри ўлган аёллар бошим очиқ қолди, деган маънода), сочлари ўрамини тарқатиб, дод солиб йиғлаш одати бўлган²⁴. Умуман сочнинг ёйиқлиги ўзбекларда тарихан азадорлик, бошқа оламга тегишлилик, ёмонлик, бузуқлик маъноларини англатиб, афсунгарлик ишончи билан боғлиқ бўлган. Ж. Фрэзернинг ёзишича, дунёнинг кўпгина халқларида аёллар марҳум руҳини чалғитиш учун соч ёзиб йиғлашган²⁵. Оилада ота-она ёки яқин киши вафот қилса, эркаклар «марҳумнинг савоби» учун сочларини олдириб ерга кўмганлар. Ахборотчилар бу амаллар нариги дунёда марҳумнинг савоби ва гуноҳлари тортилаётган пайтда тарозининг бир палласида турган марҳумнинг савобларига қўшилиб, унинг жаннатга киришига ёрдам беради, деб таъкидлашади²⁶. Аслида эса мазкур одат шаклланишига ҳам марҳумнинг кишилик дунёсидан «табиат» оламига ўтиши билан боғлиқ тасаввур асос бўлгандир.

Дунёнинг кўплаб халқларида бўлгани сингари водий ўзбекларида ҳам киши жон бергандан кейин дарҳол бажарилиши лозим бўлган амаллар сирасига майитни энгаги (ияги)ни боғлаш, кўзи очиқ қолган бўлса юмиб қўйиш, оёғини узатиб бош бармоқларини бир-бирига теккизиб боғлаш каби амаллар кирган²⁷. Биз учун бу амаллар ичида аҳамиятлиси мурда оёғининг бошмалдоқларини бир-бирига теккизиб боғлаб қўйилишидир. Илмий адабиётларда бу борада маълум фикрлар

²¹ Тожикларда қизлар турмушга чиққач, сочни уч ўрим қилиб ўришган. Икки ўрим соч аёлнинг икки марта турмушга чиққанлигини англатган. *Қаранг:* Русаякина С.П. Народная одежда таджиков Гармской области // СЭС, № 2, М.-Л., 1959. 194-бет.

²² Дала ёзуви. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2009 йил.

²³ Традиционная мировоззрение тюрков Южной Сибири. Человек. Общество. Новосибирск, 1989. 175-бет; Губаева С.С. Путь в зазеркалье ... 166-бет.

²⁴ Дала ёзуви. Наманган вилояти Косонсой тумани, Ровот қишлоғи. 2007 йил.

²⁵ Фрэзер Дж. Фольклор в ветхом завете. Москва, 1986. 61-бет.

²⁶ Дала ёзуви. Наманган вилояти Чуст тумани, Дам қишлоғи. 2008 йил.

²⁷ Дала ёзуви. Андижон вилояти Булоқбоши тумани, Ширмонбулоқ қишлоғи. Дала ёзуви. Фарғона вилояти Фарғона тумани, Каптархона қишлоғи. 2008 йил.

билдирилган бўлиб, қатор муаллифлар бу одатга «нопок мурда»дан қўрқиш, яъни агар мурда оёғининг бошмалдоқлари боғлаб қўйилмаса у тириклар оламига қайтиб инсонларга зиён етказиши мумкин» деган ғоя асос бўлган деб ҳисоблайдилар²⁸. Биз ўз ўрнида бундай талқинни инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаймизки, мазкур одат ҳам бевосита инициация характериға эға бўлган. Буни янада аниқроқ изоҳлашимиз учун аввало болалик даври билан боғлиқ бўлган бир маросимға эътиборимизни қаратмоғимиз зарур. Туркий халқларда бўлгани сингари Фарғона водийси ўзбекларида ҳам бола ёшиға етиб атак-чечак қилиб, дастлабки қадамларини қўяётган вақтда «тушов кесди»^{*} қилинган. Бунда кўп фарзандли енгил, чаққон аёл бола оёғини рамзий тушовлаган ва оёғи остиға 3—5 метр узунликда пойандоз тўшаган. Шундан сўнг энг кекса ёшли аёллардан бири «йўли очиқ, қадами қутлуғ, енгил, чаққон инсон бўлиб ўссин» деган ниятларни билдириб «тушовни» қайчи билан қирққан. Сўнгра болани хона бўйлаб етаклаб юрган ва унинг устидан сочқи сочишган. Халқона тасаввурға кўра, инсон дунёға оёғи боғланган, юрмайдиган ҳолда келади ва унинг оёғидаги тушови кесилгандан кейин ўзининг оёқлари билан бу дунёда мустақил юра олади²⁹. Демак биз бундан кўришимиз мумкинки, бу дунёға оёғи боғланган ҳолда келган одамни вафот қилганда асл ҳолида, яъни оёғи боғланган ҳолда у дунёға кузатиш ғояси мотам маросимидаги марҳум оёғининг бошмалдоқларини боғлаш одатига маълум маънода асос бўлган деб айтишимиз мумкин.

Қашқадарё ўзбекларида никоҳ ўқилаётганда куёв тўнининг елкасидан учи тугилмаган оқ ип ўтказиб турилган, буни «елка кўҳлар», «арқа кўҳлар», «кўҳлар», «елка чатар», «чатиш» номлари билан аташган. Бу оқ ип авайлаб сақлаб қўйилиб, ёшлар биринчи фарзандининг йўргаги тикилган. Мазкур одат ҳам инициацион характерға эға бўлиб, келин-куёвни оқ ип билан қўшиб тикилиши эндиликда уларни бир бутун бўлиб янги ҳаётни бошлаётганликларини англатган.

²⁸ Литвинский Б.А. Погребальный обряд древних ферганцев в свете этнографии // Изв. отд. общественных наук АН Тадж. ССР. 1968. № 3 (53). 1968. 50-бет; Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. Москва, 1986. 141-бет; Баиялова Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Фрунзе, 1972. 68-бет.

^{*} Тушов — от ва молларнинг узоққа кетиб қолмаслиги ёки умуман юрмаслиги учун уларни олдинги ёки орқа оёқларини туташтириб боғлаб қўйиладиган арқон.

²⁹ Дала ёзуви. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Абдуллабий қишлоғи. 2008 йил.

Чақалоқнинг бешиги ва марҳумнинг охирги йўлга кузатиладиган тобутнинг айрим қисмларини ҳам айнан бир хил дарахт — тол ёғочидан тайёрланиши ҳам инициация билан боғлиқдир. Халқона қарашга кўра, тол ёвуз кучларга қарши турувчи хусусиятга эга бўлган ва шу боис чақалоқ ва марҳумни янги оламга ўтишида ёвуз кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ундан фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадимий аجدодларимиз тасаввуридаги яхлит бир тизимдаги умумийлик оилавий маросимларга киврувчи — туғилиш, никоҳ ва ўлим билан боғлиқ маросимларнинг занжирий тарзда боғланишини ва улар, асосан, инициация тарзидаги маросимларда акс этганлигини кузатиш мумкин. Инициацион маросимларда инсоннинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш жараёнини шунчаки қайд этишгина эмас, балки ушбу жараёнга имкон даражасида ёрдамлашиш, уни енгиллаштириш ғояси мужассамлашган. *Анъанавий оилавий маросимлардаги инициацион цикллarga бола туғилиши, никоҳ ва мотам маросимида маросимий покланиш (ювиниш), маросим сабабчисига махсус тикилган кийим кийдириш ҳамда маросим объекти бўлган шахс сочининг ҳолати (турмаги)ни ўзгартириш каби маросимлар ва урф-одатлар кирган. Айниқса, қадимги тасаввурларга кўра, бу дунёга оёғи боғланган ҳолда келган одам вафот қилганда уни асл ҳолида, яъни оёғи боғланган ҳолда у дунёга кузатиш ғояси мотамда майит оёғининг бошмалдоқларини боғлаш одатига асос бўлган ва бола туғилиши маросимидаги «тушов кесди» удуми билан моҳиятан боғлиқ бўлган. Умуман олганда, юқорида тадқиқ қилинган маросим ва урф-одатларда ҳаёт ва ўлим орасидаги ментал чегара шаффофлиги ҳаётнинг мазкур босқичлари билан боғлиқ кўринишларни ягона бир тугунга боғлаган. Қолаверса, бунда ўзбекларнинг қадимий тасаввурлари ҳам мужассамланган.*

А. АШИРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДАГИ ДАВРИЙЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мазкур мақолада ўзбек халқининг анъанавий оилавий маросимлари этнологик аспектда тадқиқ қилинган. Муаллиф томонидан оилавий маросимлар туркумига кирувчи туғилиш, никоҳ ва мотам маросимлари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган урф-одат ва анъаналардаги инициацион ҳамда даврийлик билан боғлиқ кўринишлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, муаллиф ўзбекларнинг бола туғилиши, никоҳ ва мотам маросимлари билан боғлиқ покланиш (ювиниш), маросим сабабчисига махсус тикилган кийим кийдириш ҳамда маросим объекти бўлган шахс сочининг турмагини ўзгартириш каби урф-одатларнинг инициацион характерга асосланганлигини этнографик материаллар асосида ёритиб берган.

Калит сўзлар: ўзбек халқи, маросим, урф-одат, оила, оилавий маросимлар, чилла, туғилиш, никоҳ, мотам, инициация, даврийлик, синов анъаналари, маросимий покланиш.

А. АШИРОВ

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О ТРАДИЦИЯХ ЦИКЛИЧНОСТИ В СЕМЕЙНЫХ ОБРЯДАХ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

В статье проанализированы традиционные семейные обряды узбекского народа в этнологическом аспекте. Автором изучены инициационные проявления и цикличность в таких семейных обрядах, как рождение ребенка, никох (бракосочетание) и похоронные ритуалы.

На основе этнографических материалов автор также раскрыл, что обряды узбеков при рождении ребенка, бракосочетании, похоронах, такие как очищение, одевание специальной одежды на участников события и изменение прически человека, который является объектом обряда, основаны на инициационном характере.

А. АШИРОВ

SOME OPINION ABOUT TRADITIONS OF CYCLICITY IN FAMILY RITUALS OF THE UZBEK PEOPLE

The article analyzes traditional family rituals of the Uzbek people in ethnological aspect. The author has studied initiation manifestations and cyclicity in such family rituals as childbirth, marriage and funerals.

Based on ethnographic materials, the author proves that some rituals of the Uzbeks related to childbirth, marriage and funerals as purification, putting special clothes on the person undergoing the ritual (participant of event) and changing the hair-do of a person who is the object of the rite are based on initiation nature.

ЗАМОН ВА ШАХС

С. МУХАМЕДОВА

**МУСО САИДЖОНОВНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ
РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

Бухоро халқ совет республикаси давлат арбобларидан бири, миллий тараққийпарвар, тарихчи ва ўлкашунос олим Мусо Йўлдошевич Саиджоновнинг ҳаёти ва фаолияти шу кунгача етарли даражада ўрганилмаган мавзу ҳисобланади.

Мусо Саиджонов 1893 йилда бухоролик қорақўлфуруш савдогар Йўлдош Саиджонов оиласида дунёга келди. Дастлаб эски усулдаги мактабда, кейин Мир Араб мадрасасида таҳсил олди. Янгича билимларга бўлган иштиёқи туфайли Когондаги «Рус-тузем» мактабида ҳам ўқиди. XX аср бошида кечаётган тарихий жараёнлар унинг мушоҳадаси ва тафаккурини чархлади. Ўз юрти тараққиётини, ёрқин истиқболлини маърифатга боғлади. У ўз қарашлари ва истаклари билан тараққийпарварлар қаторига қўшилди. Мусо Саиджонов Бухоро тараққийпарварларининг етакчиси Абдурауф Фитратдан таълим олди ва унинг ҳаммаслагига айланди¹.

1920 йил август-сентябрь ойларида амирлик тугатилгач, Бухорода Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоронинг тараққийпарвар қисмидан иборат республика ҳокимияти ўрнатилди. Янги ҳукуматнинг 11 та нозирлигидан бирида иш бошлаган М. Саиджонов ушбу республика тугатилгунга қадар бир неча нозирликларни бошқарди. Унинг ўзига топширилган соҳада жонбозлик кўрсатиб ишлаши сафдошлари орасида ишонч ва обрў қозонишига замин яратди. Натижада у бирин-кетин Иқтисодиёт нозири ўринбосари, Фавқулодда комиссия раиси, Молия нозир ва Маориф нозири каби бир неча юқори лавозимларда ишлади².

1921 йилдан Иқтисодиёт нозирининг ўринбосари лавозимига тайинланган М. Саиджоновга давлат мулкини рўйхатга олиш ва сақлаш вазифаси топширилган³. Нозирликнинг дастлабки 1921 йил

¹ М. Саиджоновнинг таржимаи ҳоли. Автографдан фотонусха. 1923 йил. М. Саиджоновнинг шахсий архиви.

² ЎзР МДА Р-48 фонд, 1-рўйхат, 19-ҳужжат, 115-бет; ЎзР МДА Р-56 фонд, 1-рўйхат, 90-ҳужжат, 90-бет; ЎзР МДА Р-47 фонд, 1-рўйхат, 644-ҳужжат, 47-бет; М. Саиджоновнинг таржимаи ҳоли. Автографдан фотонусха. 1923 йил. М. Саиджоновнинг шахсий архиви.

³ ЎзР МДА Р-48 фонд, 1-рўйхат, 19-ҳужжат, 115–116-варақлар.

13 майдаги йиғилишида Давлат иқтисодий мулкани рўйхатга олиш ва сақлаш масаласи юзасидан қорақўл, пахта, жун маҳсулотлари каби қимматли саноат молларига жавобгарлик юклатилди. БХСР даги Давлат товар фондининг асосини ташкил қилувчи бу хомашёлар билан ишлаш ва уларни тезлик билан мавжуд иқтисодий оғир вазиятдан чиқариш учун зарур чораларни кўришда М. Саиджоновга ишонч билдирилди. Бу борада қабул қилинган ҳамда олиб борилган чора-тадбирлар юзасидан Иқтисодиёт нозирлиги кенгашига вақти-вақти билан маълумот тақдим қилиб бориш таъкидланди⁴.

Нозирлик ишида вазифаси ва масъулияти янада ошган М. Саиджонов энди бор маҳорати ва ишбилармонлигини кўрсатишга ҳаракат қилди, унга қўйилган талаблар ва юклатилган вазифаларни адо этиш мақсадида белгиланган ишларни бажаришга киришди. Бу вазифаларни бажариш жараёнида у ўзининг иқтисодиёт соҳасида ҳам билимларининг етарли даражада эканлигини намоён қила олди.

Маълумки, XIX аср охири — XX аср бошларида Ўрта Осиёда хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш орқали Россия ўлкаси билан иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган эди. Жумладан, халқаро савдо ва товар алмашув борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилган. Тадқиқотчи М.Очиловнинг фикрига кўра, БХСР раҳбарияти Марказдаги совет ҳукуматининг тазйиқ ва пўписаларига қарамасдан, қисқа муддат ичида издан чиқаёзган республика иқтисодиётини қайта тиклаш билан чекланмай, Европа ва Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатган, фойдали савдо-сотиқ алоқаларини олиб борган⁵.

Архив ҳужжатларида БХСР ва Москва Истеъмолчилар жамияти⁶ ўртасида халқаро товар алмашинуви бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Унга кўра, Иқтисодиёт нозирлиги 1921 йилнинг июнь ойида 15 кун давомида Қарши ва Кармана темир йўл станциялари орқали Москва Истеъмолчилар жамиятига 20 вагон, июль ойида эса 25 та вагонда бугдой маҳсулоти юбориши керак бўлган. Москвадан эса Бухорога келишилган тартиб ва миқдорда мануфактура товарларини зудлик билан келтирилиши белгиланган эди. Лекин, ҳужжатда бу мануфактураларнинг айнан номлари келтирилмаган. Давлатлараро иқти-

⁴ ЎзР МДА Р-48 фонд, 1-рўйхат, 19-ҳужжат, 116-варақ.

⁵ Очилов М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920–1924 йй.): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент: 2004. 2-бет.

⁶ [sic] «Потребительская Коммуна».

содий товар алмашинув жараёни ҳисоб-китобини олиб бориш иши ҳукумат раҳбари Ф. Хўжаев томонидан Иқтисодиёт нозири ўринбосари М. Саиджоновга топширилган эди⁷.

Шу тариқа, М. Саиджонов давлатлараро муҳим савдо ишларини амалга оширишга киришди. 1921 йил 26 июлда Иқтисодиёт назирлигининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, йиғилишда Туркесепублика аҳолиснинг эҳтиёжи учун 500000 пуд⁸ нон [ҳужжатда «нон» сўзининг ўрнига «бугдой дони» (зерновая пшеница) тушунилиши таъкидланган — *С. Мухамедова*] келтириш шартномасини тузиш масаласи кўрилган. М. Саиджонов раислик қилган бу йиғилишда ўлка аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим чора-тадбирлар белгиланган⁹. Товар айирбошлаш масаласида юзага келган баъзи муаммоларни ҳал қилишда ҳамда халқаро муносабатларни олиб боришда ҳам М. Саиджоновнинг тadbиркорлиги ва ташкилотчилиги намоён бўлди.

М.Саиджоновнинг ёзишича, 1921 йил 23 мартда нашр этиладиган «Экономическая жизнь» газетасида собиқ империянинг Бухородаги сиёсий агентлиги бошлиғи ўринбосари А. Введенскийнинг «Россия ва Бухоро» номли мақоласи чоп этилган экан¹⁰. Введенский ўз мақоласида икки мамлакат ўртасидаги мол айирбошидан Бухоро халқи гоят манфаатдор эканлигини далиллаш учун рақамларни қалбакилаштирган ва БХСР бундан катта иқтисодий манфаат кўрганлигини асослашга уринган экан¹¹. Орадан кўп ўтмай Бухорода иқтисодий масалалар билан шуғулланадиган М. Саиджонов ушбу мақолага жавобан «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 3 июль сонидида «Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар» номли катта мақола эълон қилди¹². Мазкур мақола Введенскийнинг мақоласига раддия сифатида чоп этилган бўлиб, унда Бухоро бозоридаги маҳсулотларнинг асл нархлари, маҳсулот таннари, бозор қиймати, ундан қоладиган даромади ҳамда уларнинг Россия томонидан сотиб олинишига мўлжалланган нарх-навонинг кўрсаткичлари аниқ белгилаб таққослаб берилган эди.

⁷ ЎЗР МДА Р-48 фонд, 1-рўйхат, 19-ҳужжат, 175-варақ.

⁸ 1 пуд = 16,3 кг.

⁹ ЎЗР МДА Р-48 фонд, 1-рўйхат, 19-ҳужжат, 279-варақ.

¹⁰ 1921 йилдаги «Экономическая жизнь» газетасида А. Введенскийнинг «Россия ва Бухоро» номли мақоласи топилмади.

¹¹ Саиджонов М. Иқтисод: ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар // Бухоро ахбори. 1921 йил 3 июль.

¹² Ўша манба.

М. Саиджонов ўзининг шу чиқиши билан БХСР раҳбарлари иқтисодиёт масалаларини чуқур таҳлил қила оладиган билимдон, мутахассис кишилар эканликлари, халқ ва давлат манфаати тўғрисида сўз борганда ўз эътирозларини очиқ баён эта олишларини кўрсатган.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, 1921 йил 22 июнь–16 июль кунлари Москвада бўлиб ўтган III конгрессда БХСР номидан М. Саиджонов ҳам иштирок этиб қайтди. Унинг конгрессга келишдан мақсади Москвада фаолият кўрсатаётган шарқшунос олимлар билан мулоқотга киришиш ва келгусида ҳамкорлик қилиш бўлган. Лекин шунга қарамай, у конгресс ишида БХСР ташкил топганлигининг 1 йиллиги муносабати билан республикадаги мавжуд ўзгаришлар, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маориф тизими тўғрисида маълумот берди. Унинг бу маърузаси 1921 йилда Москвада чоп этиладиган «Известия» газетасининг 194-сонида нашр этилди¹³.

Молия ишлари нозирини этиб тайинланган М. Саиджонов янги нозир сифатида ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ республика бюджетининг ҳисобини олиб бориб, маблағларнинг оқилона тақсиротини ташкил этиш билан ҳам шуғулланди. М. Саиджоновга республиканинг молиявий ҳолатини бошқариш ва бу борадаги ишларни сифатли юритиш каби масъулиятли лавозим топширилган эди¹⁴. Республикада бозор қонунлари бўйича ишни ташкил қилиб, ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳалардаги фаолиятни хусусийлаштиришга, улардан тушган даромадларни эса маориф, маданият муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этилишига шарт-шароит яратиш чораларини кўрди.

М. Саиджонов нозирлик фаолияти давомида республикада молиявий фаолиятни қайта ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқди ва давлат хазинасига кирувчи асосий манба ҳисобланган солиқ тизимини ҳам ўрганишга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида давлат солиқ тизими билан молия нозирлиги фаолиятидаги баъзи номутаносибликларни аниқлаган ҳолда 1922 йилнинг 18 августидан бўлиб ўтган III Бутун Бухоро Қурултойида республика бюджетининг аҳволи юзасидан маъруза қилди.

¹³ История Бухарской народной советской республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. Ташкент: Фан, 1976. 74–75-бетлар.

¹⁴ Доклад М. Саиджанова о бюджете Бухарской республики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебухарика и Центрального комитета Бухарской коммунистической партии. 1922. 9 сентябрь. № 100.

М. Саиджоновнинг Бухоро иқтисодий ва молиявий аҳволи юзасидан қилган маърузасига кўра давлат хазинасини шакллантириш тизимининг яхлит механизми мавжуд эмас эди. Унга фақат аввалги пайтлардан қолган аҳоли бошидан олинадиган турли анъанавий солиқлар йиғими орқали маблағлар келиб тушарди. Мазкур солиқлар йиғимлари маҳаллий бекликлар томонидан амалга оширилиб, камбағал аҳоли қатлаmidан керагидан ортиқроқ миқдорда тортиб олинар, амир хазинасига эса буларнинг бир қисмигина етиб борарди. Бу ҳақда амирлик замонида аниқ статистика мавжуд эмас эди¹⁵. Ушбу йўналишдаги ишларнинг амирлик давридаги ҳолатини ўрганиш ва БХСР даврида тартибга келтириш юзасидан олиб борилган сиёсатда М. Саиджоновнинг хизматлари катта бўлди. Жумладан, унинг III Бутун Бухоро Қурултойида сўзлаган нутқида бу борадаги ишлар таҳлили ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида аниқ далилларга асосланган ҳолда концептуал ғояларни илгари сурганлигини кўришимиз мумкин.

М. Саиджонов давлат хазинасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари, аниқ механизмини ишлаб чиқиш ҳамда бу соҳадаги ишларни тизимли ташкиллаштириш ҳақида таклифлар билан чиқди. Шу билан бирга, Бухорода республика тузуми ўрнатилгунга қадар бўлган молиявий аҳвол ҳам М. Саиджонов назаридан четда қолгани йўқ. Хусусан, у бекликлар томонидан давлат хазинаси учун йиғиладиган маблағларнинг талон-торож қилинганлигини аниқ кўрсатиб берган. М. Саиджоновнинг таъкидлашича, амирлик замонида аҳоли ўзидан олинган мазкур маблағларнинг қай тарзда сарфланиши билан қизиқиб ҳам кўрмаган¹⁶. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликларини кўрсатар эди. Бухорода давлат бюджетини ташкил этишнинг тажрибаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли аянчли аҳвол юзага келган эди. М. Очилов тадқиқотларига кўра, Бухорода Республика ҳукумати ўрнатилгач, амирлик давридаги турли солиқ ва ўлпонлар бекор қилинган¹⁷.

¹⁵ Доклад М.Саиджанова о бюджете Бухарской республики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебуххика и Центрального комитета Бухарской коммунистической партии. 1922. 9 сентябрь. № 100.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Очилов М.М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920–1924 йй.): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент. 2004. 18-бет.

1921 йил 26 ноябрида Бутун Бухоро МИК қабул қилган «БХСРдаги давлат солиқлари тўғрисидаги қонун» да янги ҳукуматнинг солиқ сиёсати акс эттирилди. Бу қонун асосида мамлакатда шу пайтгача марказий ва маҳаллий идоралардан ундириб келинаётган маҳсулот ва пул солиқлари бекор қилинган. Бироқ, 1922 йил 1 январдан бошлаб 5 та солиқ тури: 1) ҳосилнинг 1/10 қисми миқдоридаги ушр (ушур) солиғи; 2) чорванинг 1/40 қисми миқдоридаги олинадиган закот (закоти савомий); 3) ҳунармандчилик устахоналари учун солиқ; 4) савдогарлар учун бож солиғи; 5) турли ҳужжат ва шартномалар тузилганда махсус солиқ солинадиган бўлди¹⁸.

М. Саиджонов қурултойдаги маърузасида 1922 йил август ойига қадар БХСР молиявий ҳолатининг тартибсизлигига доир баъзи сабабларни танқидий кўрсатган. Булар: 1) барча нозирликларнинг ҳам ўз хизмат вазифаларини бажаришда масъулиятли эмаслиги, бунда, асосан, улар томонидан давлат маблағларини тежаш ва уларни оқилона сарфлашга етарлича эътибор берилмаслиги; 2) нозирликлар ҳамда бошқа идораларнинг қўшимча маблағ қидириб топиш ҳамда улар томонидан давлат бюджетини бойитиш учун йўналтиришга қаратилган чоралар кўрилмаслиги; 3) ҳукуматнинг асосий органларидан бўлган статистика бўлимининг мавжуд бўлмаганлиги каби камчиликлар республика молиявий ишларининг талаб даражасида эмаслигини кўрсатарди.

Буларнинг олдини олиш мақсадида, М. Саиджонов республиканинг дастлаб даромад ва харажатлар рўйхатини тузишни таклиф этган, бу эса республикада молиявий ишларнинг тартибга келишига, йиғиладиган барча турдаги солиқлар ҳисобининг юритилишига, умуман иқтисодий ва молиявий жиҳатдан олиб борилаётган ишларнинг яққол кўриниб туриши учун хизмат қилишига ишонч билдирган. М. Саиджоновнинг ёзишича, БХСР пул муомаласи танга билан ўлчанган¹⁹. М. Очилов тадқиқотида кўра, БХСРнинг дастлабки миллий валютаси — кумушдан ишланган танга (нукра танга) 1920 йилнинг сентябри ўрталарида чиқарилган, орадан кўп ўтмай эса, қўлда тайёрланган қоғоз пуллар — 50, 100, 200, 500 ва бошқалар (сўм) босилган.

¹⁸ Очилов М.М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920–1924 йй.): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент. 2004. 18-бет.

¹⁹ Доклад М. Саиджанова о бюджете Бухарской республики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебуххика и Центрального комитета Бухарской коммунистической партии. 1922. 9 сентябрь. № 100.

Кейинчалик пул чиқариш учун янги қолиплар ясалган. Бироқ, Бухорода кейинчалик ҳам тилла ва кумуш тангалар муомалада бўлган²⁰. Бундан кўринадики, Бухоро ҳукуматида сўм қоғоз пули ҳам ишлатилишига қарамай, анъанавий миллий валюта — тилла ва кумуш тангалар истеъмолда бўлган.

М. Саиджоновнинг айтишича, халқ нозирлари бюджет маблағларини ишлаб топиш йўллари излашдан кўра кўпроқ уни сарфлашга эътибор қаратганлар. Ҳукуматга солиқларнинг қонуний турларини йиғиш ва уларни шариат ҳамда ҳуқуқий асосларга кўра сарфланишини яхши билган мутахассислар керак эди²¹. Бу ишларни қонуний ҳал қилиш ва тартибга келтириш учун эса махсус қонун қабул қилиш керак бўлган. Қонун деганда М. Саиджонов, даромадлар ва харажатлар рўйхати, сметасини тузишни ҳамда ушбу ҳужжат ҳукуматнинг молиявий ишларини ягона тартиб асосида олиб борилишини таъминлашга хизмат қилишини назарда тутган эди. Жумладан, унинг сўзларини айнан келтирамиз: *«Даромадлар ва харажатлар рўйхатини тузиб, ишни шу асосда олиб бориш керак. Давлат назорати олий органи ва Молия бошқармалари ҳокимиятлари мазкур Даромадлар ва харажатлар рўйхатларини ҳаётга татбиқ этиш, ижросини сўзсиз таъминлашни энг биринчи галдаги вазифалари деб билишлари лозим. Бу ҳужжат асосида тасдиқланган сметалар ҳамда даромад ва харажатлар кредитларидан фойдаланиш борасида қатъий қонун кучига эга бўлиши лозим ... Ҳаммага шуни айтиш керакки, давлат маблағларини ақл билан ва мақсадли иқтисод қилиш Бухоро меҳнаткашларининг қорни тўқ, усти бут ва қадам-бақадам дунё маданиятига эришишларига кафолат бўла олади»²²* (курсив ва таржима С. Мухамедованики).

М. Саиджоновнинг республика молиявий ишларини ислоҳ қилиш борасидаги билдирган талаб ва таклифлари асосли эди. Даромадлар ҳисобини олиб бориш ва уларни нозирликлар, идоралар томонидан ўз манфаатлари йўлида сарфлашга кескин йўл қўймасликлари, ишлаб топилган пул маблағларини давлат молия идоралари ғазналарига*

²⁰ Очиллов М.М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920–1924 йй.): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент. 2004. 14-бет.

²¹ Доклад М. Саиджанова о бюджете Бухарской республики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебуххика и Центрального комитета Бухарской коммунистической партии. 1922. 9 сентябрь. № 100.

²² Ўша жойда.

* Матнда — касса.

жамланиши ҳамда уларнинг аниқ ҳисоб-китоб қилиниши белгилаб берилди²³. Шундай қилиб, М. Саиджоновнинг республика бюджетини тўғри ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари ва талаб, таклифлари қабул қилинди. Йиғилишга раҳбарлик қилган Файзулла Хўжаев, Абдул Мажидовларнинг ҳам баъзи саволларига тўлиқ жавоб бераркан М.Саиджонов ўзининг моҳир молиячи ва иқтисодчи сифатидаги муҳим қирраларини кўрсата олган эди.

М. Саиджоновнинг бу чиқишидан кейин Бухорода иқтисодий ишларни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, БХСРда иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бера бошлагач, аҳоли зиммасидаги солиқ миқдори тобора камайтириб борилди, ҳатто, айрим табақалар солиқ тўлашдан бутунлай озод этилганлигини М. Очилов тадқиқотларида аниқлади. Ҳукумат томонидан кўрилган ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. М. Очиловнинг архив ҳужжатлари асосида ёзишча, БХСР Меҳнат кенгаши ҳузуридаги Солиқ секцияси раиси этиб О. Акчурин тайинланган ва унинг 1923 йилги маърузасига кўра аҳолидан йиғиб олинган солиқлар Қизил армия қисмлари эҳтиёжлари учун сарфланган экан²⁴.

Умуман, Мусо Саиджонов БХСР ҳукуматидаги бошқарув фаолияти давомида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида бир қанча ишлар олиб борди. Мазкур йўналишларнинг ривожига катта ҳисса қўшди, бу нарса айниқса, кейинги даврларда Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ва молиявий барқарорлигини таъминлашда сезиларли ютуқларга эришганлигида акс этади. У ҳукуматнинг салоҳиятли вакилларида бири сифатида иш олиб борганлиги ижтимоий-иқтисодий ва молиявий соҳаларда намоён бўлди. Унинг БХСР Иқтисодиёт нозирлигидаги фаолиятида республиканинг жуда кўп оқсаётганлигига ва уни бартараф этиш томонларига эътибор қаратилди. Бу эса М. Саиджоновнинг йирик давлат арбоби сифатида серқирра фаолият соҳиби, ўз ишининг билимдони ва пухта амалиётчиси эканлигини кўрсатди. Унинг 1920–1924 йилларда БХСР давлат арбоби сифатида олиб борган хизматлари Бухоро тарихида муҳим аҳамият касб этди.

²³ Доклад М. Саиджанова о бюджете Бухарской республики. Третий Всебухарский Курултай // Известия Всебухика и Центрального комитета Бухарской коммунистической партии. 1922. 9 сентября. № 100.

²⁴ Очилов М.М. Бухоро Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар (1920–1924 йй.): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент. 2004. 18-бет.

С. МУХАМЕДОВА

МУСО САИДЖОНОВНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Мазкур мақолада бухоролик маърифатпарвар Мусо Саиджоновнинг Бухоро халқ совет республикаси ижтимоий-иқтисодий ва молиявий ҳаётини яхшилашдаги ўрни ва олиб борган ишлари алоҳида кўриб чиқилади. Бухоро халқ совет республикасида давлатлараро ўзаро товар айирбошлаш, савдо-сотиқ муносабатлари ва шунга доир муаммоли масалалар архив ҳужжатлари, адабиётлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосан кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Бухоро халқ совет республикаси, маърифатпарвар, иқтисодий ҳаёт, молия, савдо, товар айирбошлаш, давлат мулки, озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодий муносабатлар, ҳисоб-китоб, солиқ, маблағ, газна, маъруза, давлат хазинаси, пул.

С. МУХАМЕДОВА

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУСО САИДЖАНОВА В ОБЛАСТИ ЭКОНОМИКИ В БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ

В статье прослеживается работа и роль просветителя из Бухары Мусы Саиджанова в деле улучшения социально-экономической и финансовой жизни Бухарской народной республики. Рассматриваются актуальные для хозяйственной жизни вопросы межгосударственного товарооборота и торговых отношений республики на основе использования различного вида источников.

S. MUKHAMEDOVA

MUSA SAIDZHANOV'S ROLE IN THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC AND FINANCIAL LIFE OF BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC

This article discusses the work and the role of the educator from Bukhara Musa Saidzhanov in improving the socio-economic and financial life of the People's Republic of Bukhara. Problematic issues concerning inter-state trade and trade relations of the republic are reviewed based on the findings of different sources.

ТАРИХЧИ КУТУБХОНАСИГА

**Н. МУСТАФАЕВА. XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТ
ВА ТАФАККУР. ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ.****Тошкент: Наврӯз, 2014. 334 б.**

XX аср Ўзбекистон маданияти бу давр тарихининг энг ёрқин феноменал кўринишларидан биридир. Маданиятнинг таълим, илм, маърифий, бадиий, диний ва бошқа турли соҳалари бу йилларда турли зиддиятли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бу жараён талқини, жамият маънавий ривожига муҳим аҳамият касб этган маданият муаммоларининг ўрганилиши Ўзбекистон тарих фанининг асосий йўналишларидан бири бўлди.

XX асрнинг мустамлака ва совет йилларида Ўзбекистон маданияти тарихига доир илмий тадқиқотлар олиб борилди, кўплаб адабиётлар яратилди. Ўз мустақил тараққиёт йўлидан одимлаётган Ўзбекистонда мозийга мурожаат қилиш унинг сабоқларидан хулоса чиқариш, ёрқин истиқболни белгилашда муҳим омилдир. Бу ўринда маданият тарихини замонавий ёндашувлар асосида ўрганиш, унинг ривожланиш босқичларини қайтадан кўриб чиқиб, ҳолисона баҳолашда мавзунини тарихшунослик кўламида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Бу масала ечими кўп йиллар давомидаги изланишларининг самараси сифатида тарих фанлари номзоди Н.А. Мустафаеванинг «XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили», (Тошкент: Наврӯз, 2014. 334 б.) илмий монографиясида ўз ифодасини топди. Монография «Кириш», 4 боб, «Хулоса» ва «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистон тарихининг янги концепциясида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, Ватан тарихининг мустамлака ҳамда совет даврида маданият йўналишидаги ривожланиш, муаммолар ва зиддиятларни тарихий изчиллик асосида ўрганиш ва тарихшунослик мушоҳадасини амалга оширишга йўналтирилган. Монографияда маданиятнинг энг муҳим соҳалари — фан, таълим, театр, маданий-маърифий, илмий муассасалар, маданий мерос ва улар ривожига таъсир кўрсатган мафкуравий тазйиқларнинг адабиётларда акс эттирилиши таҳлил қилинади. Монографияда катта тарихий давр: 1900—1990 йилларда Ўзбекистон маданияти ривожига ва шу йиллар давомида бу мавзуга оид яратилган адабиётларнинг кенг кўлами илмий-таҳлилий ўрганилган. Тадқиқотнинг манбавий асосини бир неча турдаги адабиётлар: тарихий асарлар, диссертацион тадқиқотлар, илмий тўпламлар,

хужжатлар, матбуот нашрлари, архив материаллари ташкил этган. Бу ўринда муаллиф ёндашувининг ўзига хослиги шундаки, у тўпланган илмий маҳсулотни таҳлил қилиш билан чекланмай, уларни мустақиллик даври тарих фанига берган имкониятлар — илгари тақиқланган архив материалларини ўрганиш орқали мавзунинг ёритилмаган кўплаб жиҳатларини аниқлайди. Муаллиф тарихшунослик таҳлилин амалга оширишда тарихий манба ва хужжатлар, архив материалларини қиёслаш, ўрни келганда уйғунлаштириш асосида тарихшунослик тадқиқотида ўзига хос, янгича бир ёндашувни вужудга келтирган.

Н. Мустафаева монография архитекτονикасини белгилашда «Маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари ва мавзу тарихшунослигига» (I боб. 9—60-б.) тўхталади. Бунда маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатларини ўрганишда фалсафий мушоҳадаларнинг ўрнини белгилаш; Ўзбекистонда мавзунинг тарихшунослик жиҳатида ўрганилиши динамикасини кўрсатиш муаллифнинг асосий вазифаларидан бири бўлган.

Тадқиқотчи маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари хусусида фикр юритганда шарқ ва ғарб мутаффақирлари (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, И. Гердер, В. Дильтей, Н.Я. Данилевский, О. Шпенглер, А. Тойнби ва б.) қарашларини таққослайди, бевосита жаҳон илмий адабиётларидаги ишлаб чиқилган ёндашувлар, концепцияларнинг баъзиларини таҳлил қилади. Муаллиф бу фалсафий мушоҳадаларда жамият ривожининг ўзига хослигини аниқлаш кучли бўлиб, турли ёндашувлар, яъни тарихий жараёнларда маданий типлар, даврлаштириш мезони орқали, тараққиёт ўлчови нисбатида таҳлил этилган, деган хулосага келган.

Монографияда «Ўзбекистонда мавзунинг ўрганилганлик даражаси» тарихи фани ҳолати маълум муаммо ва маданият тарихшунослигига доир яратилган ишларни тизимлаш, таҳлили орқали тақдим қилинган.

Муаллифнинг кўрсатишича, маданият мавзуи тарихшунослигига оид ишлар у қадар кўп эмас. Унинг таъкидлашича, XX асрнинг 70—80-йилларида Г. Желтова, Ф. Қосимовларнинг тарихшунослик тадқиқотларида совет йилларида нашр этилган иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган адабиётлар билан бир қаторда маданият муаммоларига оид асарларга ҳам эътибор қаратилган. Бу муаллифлар ўша давр адабиётларида маданий йўналишда асосан қандай мавзулар кўтарилганлигини тўғри кўрсатсалар да, бироқ улар ўз даври мафкуравий қолипларидан четга чиқа олмаганлар, деган хулосага келади. Шунингдек, бу бобда «қайта қуриш» даврида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзга-

ришларнинг тарих фанига кўрсатган таъсири, хусусан, тарихчи олимларнинг бир қатор тарихий муаммоларни қайта кўриб чиқиб, танқидий баҳо беришга, шу жумладан тарихшунослик кўламида ўрганишга бўлган уринишлари, аммо бу жараёнда маданият масалалари тарихшунослиги уларнинг диққат марказидан четда қолганлиги ёритилган.

Монографиянинг II боби «XX асрнинг дастлабки йилларида Туркистон ўлкасида маданият муаммоларига ёндашув ва муносабатлар ҳамда уларнинг давр адабиётларида акс эттирилиши»га (61–132-б.) бағишланган. Ушбу бобда XX асрнинг дастлабки йилларида Туркистон ўлкасида маданият муаммоларига расмий ҳукумат ва илмий доираларнинг, айниқса, миллий зиёлиларнинг ёндашуви ва муносабатлари; мустамлака маъмуриятининг ўлка маданияти ривожига муносабатини давр адабиётларида қандай акс эттирилганлиги; XX аср бошлари миллий адабиётларида, хусусан, матбуот саҳифаларида, Туркистондаги маданий-маърифий жараёнларнинг ёритилиши ва миллий тараққийпарварларнинг маданият ривожига масалаларига оид қарашлари тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Тадқиқотда мустамлака даври ҳудудий-чегаравий жиҳатдан фақат Туркистон ўлкасинигина қамраб олган. Ушбу боб мустамлака даврининг 1900–1917 йилларидаги Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида чоп этилган адабиётлар таҳлилига бағишланган. Буни муаллиф Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда маданий жараёнлар турлича кечганлиги ва улар ўзига хос хусусиятларга эгалиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги маданий жараёнлар тарихи ва тарихшунослигини ўрганиш махсус тадқиқотларни талаб этиши билан изоҳлайди.

Н. Мустафаева «Туркистон тўплами» да жой олган мақолаларни таҳлил қилиш асосида мустамлака маъмурияти ўлка маданий ривожига муносабатини ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб шакллантиргани ва бу давр муаллифлари маданият йўналишига мустамлака сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қараганлари ва унинг манфаатини ҳимоя қилган ҳолда ёндашганларини кўрсатади.

Монографиянинг «Туркистондаги маданий-маърифий жараёнларнинг миллий адабиётларда ёритилиши» деб номланган параграфида муаллиф XX аср бошларига келиб мустамлакачилик сиёсати, шунингдек, мутаассиблик туфайли Туркистон ўлкаси ривожланишда анча ортда қолгани, айниқса, унинг маънавий ҳаётида қолоқлик, ижтимоий онгида турғунлик каби иллатлар вужудга келиб ва айнан мана шу муаммоларни ҳал этиш, жамият дунёқарашида ўзгаришлар ясаш миллий зиёлилар олдидаги устувор масалага айлангани, муаммони ҳал этишга миллат манфаатини ҳимоя қилган ҳолда ёндашганларини

жадид намояндалари М. Беҳбудий, М.Қ. Абдурашидхонов, У. Хўжаев, А. Зоҳирӣй, Р. Музаффарзода, И. Ибрат қаламига мансуб асарларни чуқур ва батафсил ўрганиш орқали китобхонга тақдим қилган.

Китобнинг III боби «Совет маданиятининг ғоявий моҳияти ва Ўзбекистон жамияти тафаккури: тарихшунослик таҳлили» га (133–212-б.) бағишланган. Маълумки, большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши маҳаллий халқлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Совет даври маданияти зиддиятларини аниқламай туриб, бу соҳадаги ривожланиш жараёнларини тушуниш қийин. Совет йиллари адабиётларини замонавий тарих фани талаблари ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда танқидий ўрганиш маданият ривождаги мураккаб йўллар, илғор ва шу билан бирга хато ғоялар бўлганлиги, ўзбек халқи маънавий ҳаётининг мафкуравий курашлар билан боғлиқ бўлган жараёнлар моҳиятини очиб бериши билан аҳамиятлидир.

Муаллиф ушбу бобда совет ғоявий асосларидан бири бўлган коммунистик маданият концепциясининг қарор топиши ва унинг совет тарихшунослигида ривожлантирилиши масалалари; совет ғоявий-мафкуравий тазйиқларининг Ўзбекистон маданий ривожланишига таъсири; маданият соҳасидаги ташкилий жараёнлар тизими ва уларнинг механизмини Ўзбекистонда татбиқ этилиши тарихи ва тарихшунослиги; илмий марказларнинг ривожланиши, фаолияти ва уларнинг аҳамиятини ёритади.

Совет даври маданияти тарихшунослигини ёритишда Н. Мустафаеванинг яна бир ютуғи, у тадқиқотда адабиётлар таҳлили билан чегараланиб қолмай, архив манбаларини, баъзиларини илк бора жалб этадики, бу маданият ривожининг кўп жиҳатларига ойдинлик киритиб, ишнинг савиясини янада кўтарган. Айниқса, совет йилларида фаолият юритган маданият университети ҳақидаги фикрларни биринчи мартаба тарих фанига тақдим этган.

Муаллиф совет ҳокимиятининг маданият соҳасидаги ташкилий жараёнлар тизими ва уларнинг механизмини ўрганишда «Билимлар жамияти» фаолиятига алоҳида тўхталган. 1947 йилда бутун совет маконида «Сиёсий ва илмий билимларни ёйиш бўйича жамият»лар тузилган. Бу жуда кенг миқёсдаги тadbирлардан бири саналиб, мамлакатдаги барча илм-фан арбоблари, маданият ходимлари бу жараёнга жалб этилган. 1957 йилда «Билимлар жамияти» маданият вазирликлари тасарруфига киритилган. Н. Мустафаеванинг таъкидлашича, «Билимлар жамияти» совет воқелигидаги маданий жараёнларда алоҳида бир феномен бўлган. Жамият республика олимларини бир ерга тўплай олди, турли соҳа вакилларининг ўзаро мулоқотида восита бўлди. Шунингдек, жа-

мият томонидан доимий равишда нашр қилиб келинган турли руқналардаги, маърузачиларга ёрдам тариқасидаги оммабоп рисолалар илм аҳлининг ишланмаларини халққа етказишда маълум омил бўлди, илмий-оммабоп адабиётлар сонининг ошишига ҳисса қўшилди. Айни пайтда муаллиф совет воқелигига хос тадбирлар кампаниячилик усули билан ўтказилиши натижасида унинг ижроси юзаки характерга эга бўлганлиги, жумладан, жамият томонидан нашр этилган адабиётларга коммунистик ғоялар сингдирилгани, партиянинг роли бўрттирилганлигини ҳам кўрсатиб, «Билимлар жамияти»га совет давлатининг маданий ҳаётдаги сиёсатини муҳим механизмларидан бирини бажарган ташкилот сифатида қараш тўғри бўлади, деган хулосага келади.

Монографиянинг IV бобида «Ўзбекистонда маданият ривожининг умумий тенденциялари ва маҳаллий хусусиятлари: тарихшунослик муаммолари» (213–306-б.) ёритилган. Мазкур бобда Ўзбекистонда маданият ривожланишининг умумий тенденциялари ва маҳаллий хусусиятлари совет даври адабиётлари ҳамда тадқиқотларида ўрганилган маориф, фан ва зиёлилар, санъат ва театр, маданий меросга муносабат мавзулари доирасида очиб берилган. Шунингдек, ислом дини масаласи ва исломнинг маданий аҳамиятини инкор этиш ва «курашчан атеизм»нинг авж олиш жараёнлари ўрганилган.

Муаллиф Ўзбекистон тарихининг совет даври маданияти тарихшунослиги ривожини, энг аввало, маориф ва фан масалалари билан боғлиқликда ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. «Зеро, маданият, унинг устувор йўналиши бўлган фан тараққиётининг пойдевори айнан маориф тизими ривожини билан белгиланади. Табиийки, совет йилларида маданият мавзусига қўл урган барча муаллифлар биринчи навбатда маориф масаласига эътибор қаратганлар» (213-б.).

Тадқиқотчи санъат мавзусининг адабиётларда ёритилиши таҳлилида соҳанинг жуда кенг қамровли эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишда яратилган йирик адабиётлар танлови асосида, ўрганилаётган даврдаги асосий тенденция ва муаммоларни кўрсатган. Санъат, театр, маданий мерос масалаларида барча илмий адабиётлар аксарият ҳолатларда санъатшунослар, файласуфлар қаламига мансублигини таъкидлаб, «гарчи, улар тарих йўналишида яратилмаган бўлса-да, даврлар ўтиб, замон ва макон нуқтаи назаридан улар тарихийликка даъво қила бошлайдилар. ... Совет йилларида муаммоларга бир ёқламали механик равишда баҳо берилиши, холисликдан чекинилиши ўз навбатида халқнинг ўз маданий-маънавий меросидан узоқлашувига, ўз тарихига юзаки муносабатда бўлиш ёки унутилиш даражасигача боришига замин ясади», деган (276–277-б.) хулосага келади.

«Ислом дини масаласига ёндашув» деб номланган параграфда муаллиф Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний сиёсати турли босқичда ички ва ташқи омиллар таъсирида тўлқинсимон тахлитда амалга оширилгани, бундай эгилувчанлик сиёсатини олиб боришдан мақсад ички ижтимоий ҳаётда дин ва давлат ўртасидаги меъёрий мувозанатни ушлаб туриш ва жаҳон ҳамжамиятида совет ҳукумати «атеистик жамият» бўлишига қарамай, виждон эркинлигини дунёга намоён этувчи «эркин давлат» эканлигини исботлашдан иборатлиги, албатта, бундай ёндашувлар давр адабиётлари, хусусан, ислом дини масаласи тарихшунослигида ўз аксини топганлигини катта ҳажмдаги турли йилларда яратилган адабиётлар таҳлилида кўрсатди.

Монографиянинг «Хулоса» қисмида ўрганилган масалалар юзасидан аниқ, асосли илмий мушоҳадалар китобхонга тақдим қилинади. Муаллиф хулосасига кўра, маданиятни фалсафий мушоҳада этиш орқали XX аср мустамлака ва совет даври Ўзбекистон маданияти тарихини англашда, маданиятдаги туб ўзгаришларга сабаб бўлган ёки кучли таъсир этган омилларга мумкин қадар аниқлик киритилади.

Н. Мустафаева XX аср бошлари Туркистон миллий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритганда, уларни тарихшуносликда ёритилишини нафақат ўлкада фаолият олиб борган рус муаллифлари асарлари асосида таҳлил этиш, шу билан бир қаторда жадид миллий матбуотини кенг жалб этиш орқали ҳам амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Муаллиф совет тарихшунослиги марксистик ғояларга суянишга мажбурлиги ва шу нисбатда аниқ тарихий муаммоларга назарий-методологик ёндашувлар ишлаб чиқилгани ва табиийки, маданият мавзуи ҳам бундан мустасно эмаслигини чуқур таҳлилий ишни амалга ошириш орқали кўрсатишга муваффақ бўлган. Унинг фикрича, совет йиллари адабиётига хос хусусиятлардан яна бири — бу уларнинг улкан фактологияга, статистик характердаги умумлаштирилган материалларга асосланганлигида ва бу фактлар етарли илмий таҳлил қилиб берилмай, натижада совет маконида яратилган илмий тадқиқотлар мазмунида бир хиллилик вужудга келган.

Тадқиқотчининг «XX аср мустамлака ва совет даврида яратилган Ўзбекистон маданияти тарихига оид барча турдаги адабиётларни, мазмун-моҳиятидан қатъи назар, тарихшунослик тадқиқотлари учун қимматли эканлигини таъкидлаш зарур. Зотан, уларда турли даражадаги маълумотлар мужассамлашган бўлиб, улар маданият соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатишда, ўрганилаётган мавзунинг тарихшунослик ҳолатини холисона ёритишда ва давр манзарасини тўлиқ очиб бе-

ришда аҳамият касб этади. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, гарчи совет йиллари адабиётида бир ёқламалик тамойиллари қўлланилган, муаммонинг ўрганилиш даражаси сусайиб кетган бўлса-да, даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳитини акс эттирган манбалар сифатида маълум қийматга эга», деган хулосасига (314-б.) тўла қўшиламиз.

Монографияда «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» (315–334-б.) тўғри шакллантирилган бўлиб, унда бутун тадқиқот давомида жалб этилган манба ва адабиётлар мужассамлашган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустамлака ва совет даврида маданият масалаларига турлича ёндашувлар, муносабатлар, уларнинг ўша давр адабиётида акс этиши, совет маданиятининг ғоявий асослари ва ташкилий жиҳатларининг Ўзбекистонда татбиқ этилиши, айниқса, Ўзбекистон маданиятининг маҳаллий хусусиятлари тарихшунослик назаридан чуқур ва жиддий ўрганилган. Монографияда XX асрда Ўзбекистон маданий ривожланишининг ҳар бир босқичида адабиётлар савияси, манбалар доираси кенгайиб боргани, тадқиқот усуллариининг такомиллашуви етарли даражада ёритилган. Тарихий билимларнинг сиёсийлашуви ва мафкуралаштирилганлиги илмий жараёнларга қай даражада таъсир кўрсатганлигини олима янгича мушоҳада ва таҳлиллар орқали очиб берган. Маданият масалаларининг фанлараро кесимда таҳлил этилганлиги тадқиқотчининг маҳоратидан далолат. Китоб ўзбек тилида равон, ўқувчига тушунарли қилиб ёзилган.

Н. Мустафаеванинг монографияси баъзи бир камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, «Мавзунинг ўрганилганлик даражаси»да назарий фикрларни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тадқиқотнинг биринчи боби биринчи параграфида Шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур асарларига кенгроқ эътибор берилса, тадқиқот мазмуни яна ҳам бойиган бўлар эди. Ишда тафсилотлар, иқтибослар кенг ўрин олган. Миллий тараққийпарварларнинг асарлари тафсилотига катта ўрин ажратилган. Улар бирмунча қисқартирилса иш мазмунига путур етмаган бўлар эди. «Кириш» ва «Хулоса» қисмида умумий гаплардан чекиниб, кўпроқ илмий хулосаларга урғу берилганда ишнинг қиммати яна ҳам ошарди. Бироқ, бу камчиликлар ишнинг умумий мазмун-маъносига путур етказмаган. Н. Мустафаеванинг «XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили» монографияси Ўзбекистон тарихшунослик фани ривожига салмоқли тадқиқот бўлиб, умид қиламизки, ушбу асар тарихчилар, маданиятшунослар, маданият муаммоларига қизиқувчилар ва талабалар китоб жавонида ўз ўрнини топади.

А. Дониёров, Ш. Асадова

ИЛМИЙ ҲАЁТ

**ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ
ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» ИЛМИЙ СЕМИНАРНИНГ
69-ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА**

2014 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон тарихчиларининг академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» илмий семинарнинг навбатдаги 69-йиғилиши бўлиб ўтди. ЎзР ФА Тарих институти томонидан Германиянинг Конрад Аденауэр фонди, Тил ва адабиёт институти, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат музейи, Амир Темури хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги семинар «Тарих, адабиёт ва жамият: туташ манзиллар» мавзусига бағишланди.

Семинарда тингланган маърузаларда тадқиқотчи олимлар ўзига хос методологик ёндашувлар асосида тарихий жараёнларнинг адабий асарлардаги талқини ва унинг жамият онгига таъсири юзасидан янгича илмий фикрларни илгари сурдилар. Хусусан, т.ф.н. Н. Мустафаванинг «Тарихий жараён, адабиёт ва жамият онги: ўзаро таъсири ва зиддиятчилиги» мавзусидаги маърузасида ўрта асрлардан бугунги кунгача юз берган сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий жараёнларнинг адабий асарларда ифодаси, шоир ва адибларнинг воқеаларни баён этиш усули, тарихий фактларни интерпретация қилишнинг ўзига хос кўринишлари таҳлил қилинди. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар, Муқимий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Улуғбек Раҳмон сингари ёзувчи, шоир ва адабиётшуносларнинг асарлари таҳлилига асосланган ушбу маърузада тарихий жараёнларнинг адабий асарлар мазмуни ва характерида кўрсатган таъсири ҳамда унинг жамият онгини шакллантиришдаги роли кўрсатиб берилди. Шунингдек, олима ўз маърузасида бугунги давр адабиёти қанчалик даражада тарихий воқеликни ўзида акс эттира олаётгани, мамлакатда юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни халқ онгига етказишдаги вазифасини бажара олаётгани, деган саволлар устида баҳс юритиб, масала юзасидан танқидий ва таҳлилий фикрларни билдирди. Бугунги кунда «Бозор адабиёти» сифатида танилган асарларга баҳо бериб, уларнинг аҳоли турмуш тарзи ва маънавиятига кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсирларини кўрсатиб берди.

Филолог олим О. Жўрабоев «Алишер Навоий ва унинг тарихий қарашлари» мавзuidaги маърузасида мутафаккирнинг тарихчи сифатидаги фаолияти ва тарихга муносабатининг уч жиҳатига тўхталди: биринчиси Навоий қаламига мансуб «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Қолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли тарихий асарларини таҳлил қилиш, иккинчиси алломанинг адабий асарларида тарихий шахслар ва воқеликни баён этиш усули ва учинчиси ўрта асрларда Мирхонд ва Хондамир каби етук тарихчиларнинг етишиб чиқишидаги ролига баҳо берилди.

Алишер Навоийнинг тарихга муносабати ф.ф.н. Б. Ражабованинг «Али Яздий ва унинг «Зафарнома»си Алишер Навоий наздида» мавзига бағишланган маърузасида тақдим қилинди. Темурийлар даврининг машҳур тарихчиси фаолиятига ўз даврининг бошқа бир шахси томонидан берилган баҳо тўғрисида мушоҳада юритилган бу маърузада Навоий талқинидаги Яздийнинг комил шахс, ўз даврининг етук тарихчиси ва устоз сифатидаги фаолияти таҳлил этилди. Навоийнинг Яздий биографияси ва тарихий асари борасида билдирган фикрларидан келиб чиқиб тадқиқотчи Зафарнома асарининг Навоий тарафидан юксак баҳоланишининг сабабини темурийлар тарихига оид мукамал асар бўлганлигида, деган хулосага келди.

Хонликлар даври сиёсий воқеликларининг адабий асарлардаги талқини ва уларни халқ онига етказиш функциясига бағишланган кейинги маърузаларда адабий ҳаётда кенг тарқалган тарихий-биографик характердаги маноқиб, шеърӣ жанрда ёзилган достон, қасида ва муножот кўринишидаги асарлар таҳлил этилди. Хусусан, ф.ф.н. Д. Ҳамроева XVIII аср Ўрта Осиё адабий асарларида тарихнинг акс этишини маноқиб, достон ва қасидалар таҳлилида кўрсатиб берди. Маърузада, асосан, Бухоро хонлигидаги манғит ҳукмдорлари даврида суфӣйлик тариқатининг етакчи вакилларига бағишлаб, жамиятда ўз тарафдорларини кўпайтириш, силсила ҳосил қилиш ва тариқатини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ёзилган маноқиб кўринишидаги асарлар таҳлиliga урғу берилди. Маноқибларда тарихий воқеликнинг акс эттирилиши, юз берган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳодисаларда муҳим роль ўйнаган шахслар ва уларнинг тарихий жараёнларга кўрсатган таъсирига оид маълумотларнинг асослилик даражасига баҳо берилди.

Адабиётшунос, ф.ф.д. А. Эркинов маърузасида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши давр маҳаллий адабиётларида қандай акс этганлиги, Хива хонлигининг Россия томонидан

босиб олиними акс этган икки шеърӣй муножот мисолида кўрсатиб берилди. Маърузада XIX аср иккинчи ярмида яратилган бу асарларда тарихий воқелик шоирлар томонидан қандай талқин этилгани, уларнинг урушдаги мағлубият сабаблари ва сабабчилари, мустамлакачиликнинг оқибатлари қандай ёритилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилди. Хиванинг Россия истилосига қарши курашидаги мағлубиятнинг асосий сабаби сифатида кўрсатилган маҳаллий мансаб эгалари ва халқнинг уларга нисбатан ишончсизлик кайфияти, бунинг сабабларининг шоирлар талқинидаги кўриними таҳлил этилди.

Умуман олганда маърузалардаги фикрлар илмий тадқиқотларнинг самарадорлигида фанлараро мулоқотнинг зарурлиги, хусусан, тарихни адабиёт билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш кераклиги, ўз ўрнида адабиётни ҳам тарихий жараёнларни ва давр моҳиятини англамаган ҳолда тадқиқ қилиб бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлади. Ўтмишда ва бугунги кунда юз берган тарихий жараёнларнинг жамият онгидаги инъикоси ҳамда унинг келажак авлодга етиб боришида адиб ва шоирларнинг етакчи роль ўйнаганлиги ушбу масаланинг нафақат тарихда, балки бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Семинарда, шунингдек, тарих ва адабиёт, аксинча адабиёт ва тарих ўртасидаги муносабатда тарихий ҳақиқатнинг бадиият қурбони бўлмаслиги лозим экани таъкидланди. Шу муносабат билан адабий жараёнда яратилаётган тарихий мавзудаги асарларни тарихий жиҳатдан танқидий ўрганиш муҳимлиги уқтирилди.

Семинар сўнггида қабул қилинган резолюцияда иштирокчилар томонидан илгари сурилган фикрларнинг амалиётдаги тадбиқини таъминлаш мақсадида қарор ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Г. Султонова

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- З. Саидбобоев** Термиз давлат университети илмий ишлар бўйича проректори, т.ф.н., доцент
- А. Халияров** Мустақил тадқиқотчи
- Н. Махкамова** Тошкент ахборот технологиялари университети «Гуманитар фанлар» кафедраси мудири, т.ф.д.
- Х. Бўриева** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти. «Ўзбекистон тарихи ва ДЖҚНА» кафедраси доценти, т.ф.н.
- Ж. Адилов** Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети 2-босқич магистратура талабаси
- А. Турсунметов** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- А. Аширов** ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, грант раҳбари, т.ф.д., проф.
- С. Мухамедова** ЎзР ФА Тарих институти мустақил изланувчиси
- А. Дониёров** Тарих фанлари доктори, ТДШИ проф.
- Ш. Асадова** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- Г. Султонова** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси, т.ф.н.

Журнал муқовасида: Афросиёб ёдгорлиги. Деворий сурат. VII — VIII аср бошлари. Зодагон кийимининг мато парчаси.

На обложке журнала: городище Афрасиаб. Настенная живопись. VII — начало VIII в. Фрагмент ткани костюма знатного персонажа.

хрл 3500

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2014. № 4